

ISSN 2010-7498

# KASB-HUNAR TA'LIMI

ILMIY-USLUBIY, AMALIY, MA'RIFIY JURNAL

2020, №1



ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА “ЮМШОҚ” КОМПЕТЕНЦИЯЛАР  
(SOFT SKILLS)НИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

# **Hurmatli jurnalxonlar!**

**“Kasb-hunar ta’limi” jurnali tahririyati sizni o’zaro hamkorlikka taklif etadi.**

Jurnal sahifalarida kasb-hunar ta’limini rivojlantirishga qaratilgan ilmiy-uslubiy maqolalar, innovatsion ta’lim texnologiyalari, metodik tavsiyalar bilan birga ilg’or tajribalar hamda tizimda amalga oshirilayotgan ibratli ishlar va yangiliklarni yoritishingiz mumkin.

O’z ilmiy qarashlaringiz, innovatsion g’oyalar, metodik tavsiyalar, ilg’or tajribalaringizni “Kasb-hunar ta’limi” jurnalxonlari bilan bo’lishing!

# KASB-HUNAR TA'LIMI

Профессиональное образование  
Professional education

Ilmiy-uslubiy, amaliy, ma'rifiy jurnal  
2020-yil, 1-son

## Muassislar:

Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi,  
Pedagogik innovatsiyalar, kasb-hunar ta'limi  
boshqaruv hamda pedagog kadrlarni qayta  
tayyorlash va ularning malakasini oshirish instituti

**Bosh muharrir:** M.XOLMUXAMEDOV  
**Bosh muharrir o'rinbosari:** SH.QURBONOV  
**Ijrochi direktor:** H.SIROJIDDINOV

## Tahrir hay'ati:

Z.Y.XUDOYBERDIYEV, R.X.JO'RAYEV,  
SH.S.SHARIPOV, D.U.RO'ZIYEV,  
A.R.XODJABAYEV, A.NABIYEV, A.A.HASANOV

Jurnal 2000-yildan nashr etila boshlangan.  
O'zbekiston matbuot va axborot agentligida  
2007-yil 3-yanvarda qaytadan ro'yxatga olinib,  
0109-raqamli guvohnoma berilgan.

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar  
Mahkamasi huzuridagi Oliy Attestatsiya komissiyasi  
tomonidan 2017 yil 29 avgustdagi 241/8 qarori  
bilan Pedagogika fanlari bo'yicha dissertatsiyalar  
yuzasidan asosiy ilmiy natijalarni chop etishga  
tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

**Manzil:** 100095, Toshkent sh., Olmazor tumani  
Universitet ko'chasi, 2-uy  
**Tel.:** 90-979-75-89; 94-677-90-32;

**E-mail:** kasbhunartalimi@mail.ru,  
ksbjurnal@inbox.uz.

**Nashr uchun mas'ul**  
H.Sirojiddinov

**Sahifalovchi:** A.Abrayqulov

Tahririyat fikri muallif nuqtai nazariga to'g'ri  
kelmasligi mumkin.  
Tahririyatga yuborilgan maqolalar tahrir etilmaydi  
va egasiga qaytarilmaydi.  
Jurnaldan ko'chirib bosilganda "Kasb-hunar ta'limi"  
jurnalidan olingani izohlanishi shart.

Bosishga ruxsat etildi: 24- mart 2020- yil. Bichimi  
60x84 1/8

Bosma tabog'i 10. Adadi 80 nusxa.  
Buyurtma "BUSINESS PRINT PLUS" MChJ  
bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonada manzili: Toshkent shahri, So'gali ota  
ko'chasi, 5-uy.

# МУНДАРИЖА

## КАСБИЙ ТАЪЛИМ

**Р.Х.Джураев, А.А.Юлдашев** Подготовка к рабочим профессиям в современных условиях ..... 2  
**С.Санакулов** Профессионал таълимда "юмшоқ" компетенцияларни жорий этишнинг долзарб масалалари ..... 7  
**Э.Ахмедов** Виртуал лаборатория бўлажак муҳандисларни касбий фаолиятга тайёрлаш воситаси сифатида ..... 11  
**Ф.Ғаффаров** Профессионал таълимда мутахассислар тайёрлашда назарий ва амалий таълимнинг ўзига хос хусусиятлари ..... 16

**К.М.Гулямов** Бўлажак амалий санъат ўқитувчиси касбий компетенциясининг таркибий мазмуни ..... 19

## ПЕДАГОГИКА

**Д.Рўзиёв** Таълим самарадорлигини оширишда инновацион технологияларни татбиқ этишнинг ўзига хос аҳамияти ..... 23

**К.Каримов** Профессионал таълим тизими педагог кадрлари малакасини оширишда ахборот таълим муҳити ..... 26

**З.Болтаева** Личностно-ориентированный подход к профессиональной подготовке специалистов в условиях коллаборативной среды ..... 30

## МЕТОДИКА

**А.Ходжабаев, Ж.Хакимов, Ж.Усмонов** Талабаларнинг ахборот коммуникацион тайёргарлигини компьютерли лойиҳалаш воситалари асосида такомиллаштириш модели ..... 33

**Ф.Бакиева, Н.Д.Мирзахмедова, А.А.Примкулова** Онлайн обучение как фактор модернизации образования ..... 36

**А.Набиев** Янги авлод дарсликларини яратишда таълим методларини уйғунлаштиришнинг долзарблиги ..... 40

**З.Исмаилова, М.Байбаева** Низоли вазиятларни ҳал этишда раҳбар ва педагог кадрларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш механизмлари ..... 44

**Д.Рахматуллаева, Н.Юсупов** Малака ошириш тизимида масофавий ўқитиш ..... 49

## АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

**Д.Ли** Развитие информационной компетентности преподавателя профессионального колледжа в условиях инфокоммуникационной среды ..... 53

**О.Ҳамидов** Олий таълим муассасаларида Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси фани бўйича мультимедиа ўргатувчи мажмуалар яратиш ..... 56

**Х.Некбоев** Касбий таълим жараёнида фойдаланиладиган медиа таълим методикалари ..... 60

**Х.Офтобхўжаева, Т.Худайбергенов, А.Абрайқулов** Касбларни ўргатишда рақамли технологияларни жорий этиш ҳамда педагоглар фаолиятини рақамлаштириш ..... 63

**С.Ж.Ережепова, Г.Ж.Курбанова** Роль модульной технологии на уроках русского языка ..... 69

## ИНТЕГРАТИВ ТАЪЛИМ

**Г.С.Хужаниёзова** Интегратив таълим – бўлажак иқтисодчиларнинг математик компетентлигини шакллантириш воситаси сифатида ..... 74

**У.А.Ўринов** Олий таълим муассасаларида ҳамкорлик муаммолари ва уни баргараф этиш босқичлари ..... 77

## ПОДГОТОВКА К РАБОЧИМ ПРОФЕССИЯМ В СОВРЕМЕННЫХ УСЛОВИЯХ

**Р.Х.ДЖУРАЕВ**

академик, д.п.н., УзНИИПН,

**А.А.ЮЛДАШЕВ**

к.п.н., УзНИИПН

---

**Аннотация.** Рассмотрены особенности профессиональной подготовки конкурентно-способных рабочих в учебном центре промышленного предприятия. Охарактеризованы структурно-функциональная модель и педагогические условия её реализации.

**Ключевые слова:** профессиональная компетентность, профессионально важные качества, конкурентоспособный рабочий.

**Annotation.** The features of professional training of competitive workers in the training center of an industrial enterprise are considered. The structural and functional model of pedagogical conditions for its implementation is characterized.

**Key words:** Professional competence, professionally important qualities competitive worker.

---

Современный рынок труда предъявляет повышенные требования к выпускникам, обучающимся по рабочим профессиям: они должны быть готовы к непрерывному самообразованию; иметь навыки деловой коммуникации; обладать способностью к критическому мышлению, рациональной организации собственной трудовой деятельности, управлению ею и др. Эти качества характеризуют конкурентоспособность работника и определяют успешность решения задач обеспечения конкурентоспособности страны, отрасли, корпорации, производимого продукта на мировом и отечественном рынках. Однако конкурентоспособных рабочих высокой квалификации осталось менее 5% поэтому их подготовка – это актуальная социально-педагогическая проблема.

Результаты, идеи, инновации, обоснованные в работах С.Я.Батышева, А.П.Беляевой, Г.И.Ибрагимова, Г.В.Мухаметзяновой, А.М.Новикова, Г.М.Романцева, Е.В.Ткаченко и др., составляют научные основы процессов развития подготовки рабочих кадров. Однако в современных динамично изменяющихся социально-экономических и социально-педагогических условиях необходимы исследования новых теоретико-методологических аспектов, способствующих

выбору приоритетов модернизации профессионального образования (ПО) и механизмов их реализации. В частности, это относится к разработке организационно-педагогических условий (структурно-функциональной модели и условий ее реализации) подготовки конкурентоспособных рабочих для современных промышленных предприятий.

Основная задача системы ПО – преодоление отставания в структуре, объемах и качестве подготовки квалифицированных рабочих и специалистов среднего звена от современных требований работодателей к перспективным моделям, ориентированным на потребности производства, относится корпоративное ПО, которое имеет такие преимущества, как:

- соответствие структуры и объема подготовки персонала потребностям работодателя, содержания образования фактическому уровню производства и его перспективному развитию (опережающее обучение);
- использование при обучении самого современного оборудования в условиях реального производства; включение в образовательный процесс педагогов - высококвалифицированных специали-

стов предприятия;

- приобщение обучающихся к общественно-корпоративной культуре предприятия, что способствует повышению статуса и престижа рабочей профессии и ускоряет адаптацию в трудовом коллективе;
- повышение эффективности использования средств, выделенных на профессиональную подготовку рабочих кадров, за счет применения модульных образовательных программ, соответствующих потребностям предприятия (обучать только тому, что необходимо для выполнения производственной программы);

Чтобы обосновать определение организационно-педагогических условий, обеспечивающих эффективную подготовку рабочих в процессе профессионального образования, нами проведен анализ состояния теории и практики: проанализированы исследования об опыте других отраслей промышленности.

Обучение рабочим профессиям в современных учебных центрах промышленных предприятий имеет свои особенности: комплектование учебных групп происходит в течение всего календарного года, без учета половозрастных и образовательных критериев; подготовка начинается по мере завершения комплектования, ее содержание ориентировано на устаревшие типовые учебные планы и программы. В первую очередь осуществляется обучение безработных, т.е. контингента граждан, который характеризуется широким возрастным диапазоном (от 18 до 35 лет) и уровнем образования негативным социальным опытом, низким исходным уровнем квалификации и повышенной мотивацией в получении профессии; нацеленностью на престижные и высокооплачиваемые рабочие места. Реальный уровень конкурентоспособности (определялся по методике В.И. Андреева у выпускников учебного центра не соответствует требованиям руководителей струк-

турных подразделений предприятия (основных потребителей услуг).

Хотя полученные результаты не способствуют решению обозначенной проблемы, они приняты нами в качестве предпосылок при разработке организационно-педагогических условий подготовки конкурентоспособных рабочих в учебном центре промышленного предприятия.

Мы разработали модель, которая отражает требования к профессиональной деятельности рабочего; позволяет определить цели, выбрать средства и методы его профессиональной подготовки; установить критерии оценки качеств, необходимых для повышения его конкурентоспособности. При организации такой подготовки приоритетны требования к ее качеству, предъявляемые промышленным предприятием (потребителем), поэтому важным является обоснование подходов к моделированию обучения, учитывающих его особенности.

Важной задачей является определение содержания обучения (теории и практики), которое, в соответствии с деятельностным подходом, целесообразно отбирать на основе корпоративного профессионального стандарта по рабочей профессии – это позволит обеспечить условия для формирования у обучающихся востребованных профессиональных компетенций. Данные процессы выступают детерминантами представления профессионально-образовательных программ в компетентностном формате,

Компетентностный формат предполагает проектирование содержания обучения на основе создания блочных моделей компетенций, состоящих из трудовых функций. При этом учитывается не только профессиональная, но и социально-личностная сторона деятельности рабочих. Принимая во внимание данное обстоятельство, а также результаты анализа теоретических исследований и практики подготовки рабочих в условиях промышленных предприятий, целесообразно при разработке структур-

но-функциональной модели подготовки конкурентоспособных рабочих в условиях учебного центра промышленного предприятия применять компетентностный подход.

Образовательный процесс учебных структур предприятия ориентирован не только на формирование профессионализма, но и на становление социально значимых качеств личности, подготовку будущих специалистов к активному участию в общественной и культурной жизни. Нужно, чтобы профессиональная культура труда стала личностным качеством – это позволит вежливо, по-деловому общаться с коллегами, руководством, инженерно-техническим персоналом, педагогами профессионального обучения.

Одной из важных образовательных задач является формирование корпоративной культуры промышленного предприятия. Необходимость ее решения определяет необходимость применения социокультурного подхода.

Перспективность корпоративного образования определяется возможностями перехода от массового обучения к индивидуализации, к новым формам и методам учебного процесса. Для каждого обучающегося создается индивидуальная траектория, учитывающая исходный и конечный уровни его подготовленности. Основные разделы учебного материала оформляются в виде законченных дидактических единиц, а содержание обучения структурируется в автономные блоки, которые определяют модульный характер профессиональных образовательных программ. В этом случае проектирование содержания осуществляется в виде модулей, отбираемых и разрабатываемых на основе анализа профессиональной деятельности рабочего в соответствии с корпоративным профессиональным стандартом. Поэтому следует ожидать, что применение модульного подхода повысит эффективность профессиональной подготовки рабочих в учебных центрах промышленных предприятий.

В предлагаемой модели заложены все преимущества тесной взаимосвязи компетентностного, социокультурного и модульного подходов. Учитывая важность и специфическую роль каждого из ее блоков оценки конкурентоспособности (целевого, методологического, организационного, содержательного), кратко их охарактеризуем.

Целевой блок объединяет цели, представленные в модели подготовки рабочих по профессии, фиксирует требования к формированию конкурентоспособности рабочего как к целостному процессу:

- социальный заказ рынка труда на определенный общественный идеал личности человека как гражданина и профессионала;
- цели каждой образовательной программы;
- педагогические цели, реализующиеся повседневно, на каждом учебном занятии.

В соответствии с этими требованиями мы определили признаки конкурентоспособного рабочего, выгодно отличающие его от иных рабочих данной специальности: большая степень соответствия запросу рынка труда; уверенность в своих силах; способность к самосовершенствованию; владение профессиональными компетенциями и профессиональной культурой; умение успешно презентовать себя как профессионала в своей области деятельности.

Подчеркнем главное: профессиональная подготовка конкурентоспособных рабочих в условиях производства должна развиваться и быть адекватной новым социально-экономическим и социальнопедагогическим изменениям, обеспечивать развитие экономики, а также новые запросы человека и общества.

В методологическом блоке конкретизированы основные подходы к развитию подготовки рабочих в условиях производства. Они выражены в соответствующих принципах и условиях их реализации. Так,

развитию компетентного подхода способствуют принципы учета специфики профессионального обучения взрослых; соответствия содержания образования запросам работодателя; близости образовательной среды к реальному производству; непрерывной оценки и анализа достижений обучающихся на всех этапах реализации образовательной программы; системного повышения профессионально-педагогической квалификации привлекаемых к образовательному процессу технических специалистов предприятия. Социокультурный подход конкретизирован в принципах учета закономерности природного развития взрослых обучающихся; соответствия образовательного процесса и саморазвития личности корпоративной культуре и культурно-историческим традициям территории; индивидуально-личностной ориентации и ценностно-смысловой направленности образования. Модульный - раскрывается с помощью принципа модульности и вариативности образовательной программы.

Рассмотренные подходы и принципы подготовки конкурентоспособных рабочих в учебных центрах промышленных предприятий и условия их реализации являются исходными при описании основных аспектов такой подготовки по различным рабочим профессиям.

Организационный блок включает в себя совокупность учебно-методических комплексов, основанных на моделировании профессиональных ситуаций, точно имитирующих рабочие места реального производства: симуляторы, тренажеры, макеты конструкций, отдельных узлов и деталей, модели, полигоны, муляжи, натурные образцы, формы документов и инструкций, принятых на производстве. Кроме того, важны обеспечение учебного процесса материально-техническими средствами обучения (инструментами, приспособлениями, приборами, сырьем, материалами) и организация работы производственных мастерских,

учебных аудиторий, кабинетов, включающих лабораторное и производственное оборудование.

Содержательный блок – комплекс нормативно-методической документации, регламентирующей содержание, организацию и оценку результатов подготовки. Он включает корпоративный профессиональный стандарт по профессии и модульную программу, разработанную на основе такого стандарта.

Профессиональная подготовка проводится в три этапа: 1) теоретическое обучение (решается задача обучения в условиях модернизированного учебнопроизводственного комплекса учебного центра); 2) учебная практика (учащиеся осваивают соответствующие компетенции в модернизированной учебной мастерской, а затем совершенствуют профессиональный опыт в процессе изготовления товарной продукции); 3) производственная практика (обучение происходит в режиме реального производства).

В корпоративном профессиональном стандарте сформулированы требования работодателя, это позволяет принять его за основу при проектировании содержания модульной программы подготовки конкурентоспособного рабочего. Стандарт содержит функциональную карту и описывает требования к выполнению трудовых функций, являющихся его единицами. Каждая единица включает название трудовой функции, действия, обеспечивающие ее выполнение, характеристики квалификационного уровня, требуемые знания и умения. Она проектируется в модуль программы подготовки, которая предполагает изучение корпоративного, технического и функционального учебных модулей.

Блок оценки (оценочно-критериальный) конкурентоспособности рабочего содержит критерии и показатели оценки ее компонентов и методы их диагностики. Например, профессионально важные качества, профессиональные компетентность и куль-

туру рабочего, которые являются критериями его конкурентоспособности, определяют с привлечением внешних и внутренних экспертов.

В процессе подготовки конкурентоспособных рабочих необходимо сформировать такие профессионально важные качества, как: долговременная мотивация к профессии; признание целей и ценностей корпорации; ответственность; дисциплинированность; стрессоустойчивость; адаптация к изменениям технологий; стремление к саморазвитию; самоконтроль; общее физическое развитие: сила, быстрота, выносливость.

Экспертное решение об уровне профессионально важных качеств рабочего представляется: 1) по результатам письменного опроса экспертной группы (состоит из педагогов и мастеров производственного обучения, высококвалифицированных рабочих, руководителей производственных участков и руководства учебного центра); 2) на основе наблюдений и анализа достижений обучающихся (в процессе их подготовки во время квалификационного экзамена); 3) на основе медицинского осмотра при определении физического состояния обучающихся.

Профессиональная компетентность рабочего – это интегральная характеристика, определяющая способность решать возникающие в реальной профессиональной деятельности проблемы и задачи с использованием знаний и жизненного опыта, ценностей и наклонностей. Можно выделить два ее основных компонента: профессио-

нальные знания (приобретаемые в процессе обучения, повышения квалификации и накопления опыта) и трудовые умения и навыки (приобретаемые и развиваемые в ходе практической деятельности). Профессиональную компетентность оценивают по текущей успеваемости в процессе обучения и по результатам итоговой аттестации при выполнении теоретического и практического задания, включающего 6 уровней сложности (уровней конкурентоспособности).

Профессиональная подготовка по рабочим профессиям в учебных центрах промышленных предприятий имеет ряд особенностей и сложностей, обусловленных: спецификой контингента обучающихся (широким возрастным диапазоном, низким уровнем подготовки, негативным социальным опытом); организацией и результативностью образовательного процесса (устаревшие типовые учебные планы и программы); несоответствиями между реальным уровнем конкурентоспособности личности выпускников учебного центра и требованиями руководителей структурных подразделений (основных работодателей). В связи с этим необходимо научное обоснование новых организационно-педагогических условий профессиональной подготовки конкурентоспособных рабочих, сделанное с учетом специфики обучения взрослых, особенностей отраслевой принадлежности и территориального расположения предприятий.

#### Используемая литература:

1. Ткаченко Е.В. Проблема подготовки рабочих кадров в РФ // Педагогика. 2014. № 6.
2. Романцев Т.М., Федоров В.А., Мокронос Л. Г. Профессиональное образование профессионального обучения: учебное пособие М.: Форум; Инфра-М, 2007. 336 с.
3. Стандарт организации «Профессиональный стандарт. Профессия «Сварщик». Квалификационные требования». СТО 075189441- 789-2014. ОАО «НПК «Уралвагонзавод». Нижний Тагил, 2014. 161 с.
4. Кузнецов В. В. Общая и профессиональная педагогика: Учеб, пособие для студентов высш. учеб, заведений. М.: ЭГВЕС, 2012. 140 с.



# ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА “ЮМШОҚ” КОМПЕТЕНЦИЯЛАР (SOFT SKILLS)НИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ

С.САНАҚУЛОВ

Мустақил тадқиқотчи, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги мутахассиси

**Аннотация.** Мақолада ҳозирга қадар таълим-тарбияда алоҳида урғу бериб келинган “қаттиқ” малака (“hard skills”)лар ўрнини глобаллашув, автоматлаштириш, роботлаштириш, рақамлаштириш жараёнида устивор аҳамият касб этаётган “юмшоқ”, “мослашувчан” малака (“soft skills”) эгаллаётгани илмий ва педагогик жиҳатдан асосланган.

**Калит сўзлар:** “юмшоқ”, “мослашувчан” малака (“soft skills”), “қаттиқ” малака (“hard skills”), профессионал таълим, педагогика, билим, кўникма, малака, компетенциялар.

**Annotation.** The article is devoted to the formation of modern professional competence in mid-level personnel based on the experience of leading foreign countries in the formation of a new network of continuing professional education institutions in Uzbekistan. In this article, the “hard skills” that have so far been emphasized in education replace the “soft”, “flexible” skills that are prioritized in globalization, automation, robotics, and digitization. and pedagogically sound.

**Key words:** soft skills, hard skills, professional education, pedagogy, knowledge, skills, competence.

Бугун бутун дунёда тайёрланаётган кадрларнинг касбий компетенцияларини шакллантиришда интеграл ва ностандарт ёндашув устунлиги яққол кўзга ташланмоқда.

Нуфузли халқаро экспертлар томонидан профессионал кадрларни тайёрлашдаги анъанавий ёндашув етарли самара бермаётгани, шу муносабат билан касбий ва шахсий компетенцияларнинг ўрни ва аҳамиятини, билим ва малакаларнинг ўзгарувчан меҳнат бозоридаги талаб ва эҳтиёжларга нисбатан дитерминантлик даражасини аниқлаш бугунги кун педагогикасининг асосий вазифаси эканлиги эътироф этилмоқда<sup>1</sup>.

Айниқса, мутахассислар олдида келажак компетенцияларини аниқлаш жараёнида адекватлик ва интерференция ҳолатларини чуқур таҳлил қилиш, устивор аҳамиятга эга бўлган доминант компетенциялар рўйхатини шакллантириш, инновацион ёндашув асосида ёшларнинг қобилият ва иқтидорларини юзага чиқарувчи индикаторларни аниқ белгилаб олишдек мураккаб вазифа қўйилган<sup>2</sup>.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида “Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳалари шиддат билан ривожланаётгани ислохотларни мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси етакчилари қаторига кириш йўлида тез ва сифатли илгарилашини таъминлайдиган замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда амалга оширишни тақозо этади” деб алоҳида таъкидланган.

Харакатлар стратегиясида меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шароитлар яратиш, иш кучи сифатини яхшилаш, ишга мухтож шахсларни касбга тайёрлаш тизимини кенгайтириш вазифалари белгиланган<sup>3</sup>.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ5812-сонли Фар-

1 Интернет-журнал «Наукоедение» ISSN 2223-5167 <http://naukovedenie.ru/> Научной статьи по наукам об образовании, автор научной работы – А.И.Ивонина, О.Л.Чуланова, Ю.М.Давлетшина.

2 Перечень навыков soft-skills и способы их развития. В.Шипилов, преподаватель, бизнес-тренер, основатель «SBA University». [https://www.cfin.ru/management/people/dev\\_val/soft-skills.shtml](https://www.cfin.ru/management/people/dev_val/soft-skills.shtml).

3 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони. 4-бўлим. 4.1.-банд. <http://www.lex.uz>

мони<sup>4</sup> қабул қилиниб, давлатимиз раҳбари томонидан касб-ҳунар таълими тизимининг шаклан ва мазмунан мутлақо янги тармоғини яратиш вазифаси қўйилганлиги ҳам мавзунинг ғоят долзарблигини белгилайди.

Бу эса биринчи навбатда, тараққий этган давлатларнинг илғор тажрибалари асосида ўрта бўғин кадрларида касбий кўникмаларни шакллантириш омиллари, унинг интеграллашган методик таъминоти, умумкасбий, когнитив ва ижтимоий компетенциялар таркибига аниқлик киритиш заруратини туғдирган.

Эътироф этиш керакки, таълим бўйича Халқаро комиссия томонидан XXI аср – фан техника тараққиёти даврида таълим олди-га тўртта устивор мақсад қўйилди: яшашни, англашни, бажаришни ўрганиш ҳамда биргаликда яшаш, англаш ва бажаришни ўрганиш<sup>5</sup>.

Айни пайтда таълим соҳасидаги нуфузли Халқаро экспертлар<sup>6</sup> томонидан таълим тарбия жараёнига икки хил кўникмаларни уйғун жорий этиш таклиф этилмоқда. Булар: “Hard skills – (инглиз. “қаттиқ” малака) касбий малакалар ҳамда “Soft skills” – (инглиз. “юмшоқ”, “мослашувчан” малака) универсал компетенциялар<sup>7</sup>.

“Hard skills” – малака даражасини аниқлаш ва ўлчаш мумкин бўлган билимлар мажмуи сифатида (*матнни компьютерда териш малакаси, автомобилни бошқариш кўникмаси, инглиз тилида гапириш, математик билим, компьютер дастурларидан фойдаланиш кўникмаси*), “soft skills” аниқ ва умумий ўлчов бирлигига эга бўлмаган мослашувчан, эгилувчан малакалар (креативлик, жамоада ишлаш кўникмаси, ҳиссий барқарорлик ва ҳ.к.) сифатида қайд этилмоқда.

“Hard skills” – “қаттиқ” малакага эга бўлиш учун муайян касб бўйича аниқ билим зарур бўлади ва бу кўникмаларнинг мавжудлиги имтиҳон ўтказиш орқали аниқланади.

“Soft skills” – “юмшоқ” компетенциялар (*ижодкорлик, мулоқотга киришиши лаёқати, жамоада ишлаш қобилияти, қатъиятлилиқ, танқидий фикрлаш ва ҳок.*) эса кўп ҳолларда инсон характери ва ҳаётий тажрибасига бево-сита боғлиқ бўлганлиги сабабли шахсий фазилат, хислат, қобилият ва кўникмалар мажмуаси сифатида талқин этилади<sup>8</sup>.

“Soft skills” тушунчаси тадқиқот предмети (объекти) сифатида илмий муомалага кириши илк марта 1959-1972 йилларда АҚШ армияси шахсий таркибини тайёрлаш жараёнидаги ислохотлар билан боғлиқ. Аскарларнинг шахсий ва жанговор компетенцияларини шакллантириш бўйича тадқиқотларга раҳбарлик қилган психолог, эҳтиёжлар назарияси муаллифи, мавзулар бўйича апперцептив тестларни баҳолашнинг янги методикасини ишлаб чиққан профессор Дэвид Макклэланд АҚШ давлат департаменти хизматида ходимларни танлаш жараёнида илк марта “юмшоқ” (soft) компетенциялар ва уларни баҳолаш тушунчасини қўллади (9).

XXI асрга қадар таълим тизимида ёшларга асосан “hard skills” – “қаттиқ” малака даражасини беришга эътибор қаратиб келинди. Яъни, муайян касбни пухта эгаллаш, унинг сир-асрорларини тўлиқ ўзлаштириш – шахснинг етук мутахассис эканлигини белгиловчи асосий фактор сифатида қайд этилган.

XXI аср педагогикаси эса замонавий дунёда бу хислатларнинг етарли эмаслиги, эндиликда тафаккурни ривожлантириш, креатив макон, муҳит, креатив шахс, креатив маҳсулот яратишга бўлган эҳтиёж асосида иш тутиш лозимлигини уқтирмоқда.

Халқаро экспертлар томонидан тақдим этилаётган тадқиқотларда ўрта бўғин мутахассисларининг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлиги ва креатив компетентлигини ошириш, профессионал таълим жараёнини

4 <http://lex.uz/docs/4500926>. (Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.09.2019 й., 06/19/5812/3699-сон).

5 Образование: сокровище сокровище доклад Международной комиссии по образованию для XXI века, представленный ЮНЕСКО. Автор: Jacques Delors. Совместное авторство: International Commission on Education for the Twenty-first Century.

6 Михаэль Альбрехт – глава подразделения рекрутмента BMW Group. Х.Вагнер – декан факультета Studium Generale Мюнхенской высшей школы прикладных наук. Б.Бартковяк – (Bettina Bartkowiak) – эксперт по вопросам рекрутинга и кадровой политики. М.И.Биндюк – директор платформы Expert. В.Остринский, С.Толкачева программа Executive MBA Евразийская школа менеджмента (EMAS).

7 «Что такое hard и soft skills?», О.Биккулова, специалист Центра "Гуманитарные технологии". <https://proorientator.ru/>. ИВК. <https://www.mental-skills.ru/synopses/soft-skills-i-hard-skills-v-chem-raznitsa.html>.

8 В.Шипилов – предприниматель, бизнес-тренер, основатель «SBA University». Э.Максудова. Soft skills для IT. Что важнее: знать Java или уметь договариваться?. vc.ru (1.06.2018).

лойихалаштиришда “юмшоқ” компетенцияларни шакллантиришнинг методик таъминотини яратиш механизмларини такомиллаштириш каби йўналишларда ўз аксини топмоқда<sup>9</sup>. Бир қатор нуфузли тадқиқот марказлари<sup>10</sup> ўз ҳисоботларида замонавий профессионал таълим мазмунини “юмшоқ” компетенцияларни шакллантиришга йўналтириш ва модернизациялаш, компетенцияларга асосланган инновацион таълим муҳитини яратиш, ёшларда ностандарт тафаккур тарзи ва креативлик хислатларини шакллантириш заруратини эътироф этмоқда.

Жумладан, АҚШнинг Гарвард университетида ташкил этилган “Career Services”

маркази томонидан малакали мутахассиснинг касбий компетентлигини белгиловчи мезонлар сифатида ностандарт тафаккур тарзи, Сингапурнинг Нанъян технология университети Бизнес мактабида креатив қобилиятлар муҳим омиллар қаторида санаб ўтилган.

Бутунжаҳон Иқтисодиёт форуми эълон қилган 2020 йил учун энг муҳим 10 та билим, кўникмалар рўйхатида айнан “юмшоқ” компетенцияларга кенг ўрин берилганлиги ҳам ҳам ана шу эҳтиёжнинг муқаррар эканидан далолат бермоқда<sup>11</sup>. Куйида 2015 йилга нисбатан 2020 йилда устиворлик касб этган компетенцияларнинг таққослама жадвалини келтирамиз:

2015	2020
1) Муаммони тизимли ҳал этиш	1) Муаммони тизимли ҳал этиш
2) Жамоа билан ўз ҳаракатларини мувофиқлаштириш	2) Танқидий фикрлаш
3) Одамларни бошқариш	3) Креативлик
4) Танқидий фикрлаш	4) Одамларни бошқариш
5) Ҳамжиҳатлик, мулоқотга киришувчанлик	5) Жамоа билан ўз ҳаракатларини мувофиқлаштириш
6) Сифат назорати	6) Ҳиссий интеллект
7) Хизматга мослашувчанлик	7) Мулоҳаза ва қарор қабул қилиш
8) Мулоҳаза ва қарор қабул қилиш	8) Хизматга мослашувчанлик
9) Фаол эшитиш қобилияти	9) Ҳамжиҳатлик, мулоқотга киришувчанлик
10) Креативлик	10) Когнитив мослашувчанлик

Айни пайтда мана шу 10 та кўникмалар мажмуи “SOFT SKILLS” атамаси билан илмий жамоатчиликка тақдим этилмоқда. Қолаверса, АҚШнинг Гарвард университети ўтказган тадқиқотларга кўра, “soft skills” 85 фоизлик муваффақият гарови сифатида эътироф этилган.

Ушбу мулоҳазалардан хулоса шуки, иш жараёнидаги муваффақият ва юқори самардорлик муайян шахс ёки гуруҳларнинг бир қанча билимлар мажмуини ўзлаштирганлиги ва айнан шу билимлар бир-бирини тўлдириб,

кучайтириб, юқори натижани юзага келтирганида намоён бўлади.

Жамият ва шахс тараққиётида ҳал қилувчи ўрин тутадиган, келажак бунёдкорлари бўлган ёш авлодни тарбиялаш масъулияти юкланган таълим соҳаси муттасил янгилашни, илғор ва инновацион ғоялар билан уйғун тараққий этишни талаб қиладиган соҳа саналади.

Шунингдек, касб-ҳунар таълими миллий стандартлари талабларини халқаро таълим стандартлари таснифлагичига муво-

9 Lou Adler. The 15 crucial ‘soft skills’ the best leaders have in common. World Economic Forum. А.Баландина, РАНХиГС. На ГФ обсудили вызовы образовательных программ для подготовки лидеров цифрового мира (13 Января 2017). О.Суховейко, РАНХиГС. На Гайдаровском форуме обозначили направления развития управленческих кадров России в сфере государственной службы (14 Января 2017). В.Васильев. Как правильно выбрать профессию и подготовиться к ней? Что такое профессиональное самоопределение и при чём тут ваш жизненный успех?. Образовательный медиа-проект Newtonew. – 2017. – 28 октябрь. Интернет-журнал «Науковедение» ISSN

2223-5167 <http://naukovedenie.ru/> Научной статьи по наукам об образовании, автор научной работы – А.И.Ивонина, О.Л.Чуланова, Ю.М.Давлетшина.

10 Исследовательский центр Карнеги Мелона и Стэнфордский исследовательский институт. «Career Services Central». Наньянский технологический университет – Nanyang Technological University – специализируется на научном и инженерном обучении.

11 Всемирный экономический форум-2019 в Давосе. 10 ключевых навыков до 2020-го. <https://www.eduget.com/news>.



# ВИРТУАЛ ЛАБОРАТОРИЯ БЎЛАЖАК МУҲАНДИСЛАРНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

Э.Р.АХМЕДОВ

Жиззах политехника институти катта ўқитувчиси

**Аннотация.** Техника йўналиши олий таълим муассасаларида электротехника ва электроника фанини ўрганишда маъруза материалларини мустақамлаш йўлларида бири, ўрганилаётган жараён ва ҳодисаларнинг намойишидан иборат талабаларнинг экспериментал ишлари ҳисобланади. Ушбу ишда эса “Электротехника ва электроника” курси бўйича виртуал лаборатория моделини яратилиши, виртуал лаборатория иши таркиби ва ундан фойдаланиш методикаси ҳақида фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** лаборатория, виртуал ўқув лаборатория, виртуал лаборатория иши, эксперимент, электротехника ва электроника.

**Аннотация.** Экспериментальные работы студентов, состоящие, из демонстрации изучаемых процессов и явлений считаются одним из вариантов закрепления лекционных материалов при изучении электротехники и электроники в высших учебных заведениях технического направления. В этой работе речь идёт о создании модели виртуальной лаборатории по курсу электротехника и электроника, о составе виртуальной лабораторной работы и методике использования виртуальных работ.

**Ключевые слова:** лаборатория, виртуальная учебная лаборатория, виртуальная лабораторная работа, эксперимент, электротехника и электроника.

**Annotation.** The experimental work of students, consisting of a demonstration of the studied processes and phenomena, is considered one of the options for securing lecture materials in the study of electrical engineering and electronics in higher educational institutions of a technical direction. In this work, we are talking about creating a virtual laboratory model for the course Electrical Engineering and Electronics, about the composition of virtual laboratory work and the methodology for using virtual works.

**Key words:** laboratory, virtual training laboratory, virtual laboratory work, experiment, electrical engineering and electronics.

Ҳозирги кунда таълимнинг мазмуни ва сифатини такомиллаштириш масалаларига республикамизда алоҳида аҳамият берилмоқда. Шунингдек, дунёнинг ривожланган мамлакатлари сингари таълимга замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, таълимни ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш йўллари изланмоқда, таълимга ахборот технологияларини жорий этиш йўналишида олиб борилаётган тадқиқотлар такомиллаштирилмоқда, таълим тизимида замонавий ахборот коммуникацияси технология имкониятларидан фойдаланиш жадал тус олмоқда. Кейинги йилларда таълимда ахборот коммуникация технологияларини қўллаш соҳасида янги атама, яъни – виртуал ўқув лабораторияси тушунчаси шаклланди [1]. У масофавий таълим тамойилларига мос келади ҳамда ўқув жараёнининг моддий-техник таъминоти билан боғлиқ муаммоларни қисман бўлсада, ҳал этиш имконини беради. Ҳозирда виртуал ўқув лабораторияси тематикасида илмий-методик ишлар, вирту-

ал асбоб-ускуналар ва улардан фойдаланиб, бажариладиган лаборатория машғулотлари тавсифлари жуда кам [2,3,4,5,6]. Бизнинг фикримизча, олий таълимда виртуал ўқув лабораторияси тушунчаси методологик нуқтаи назардан анча кенг маънога эга. У нафақат виртуал асбоб-ускуналар, балки техник объектлар конструкциялари, виртуал ўқув хоналари, математик ва имитацион моделлаштириш тизимлари, амалий дастурларнинг ўқув ва саноат пакетлари, CALS-система компонентларини ўзида интеграциялаши мумкин. Виртуал ўқув лабораториясидан талабалар нафақат лаборатория машғулотларида, балки курс ишлари ва диплом лойиҳаларини бажаришда ҳам кенг фойдаланишлари мумкин.

Методологик нуқтаи назардан эса виртуал ўқув лабораторияларни сунъий интеллект тизимларида қабул қилинган билимларни тасаввур қилиш моделлари типологиясидан келиб чиққан ҳолда процедура, декларатив ва гибрид (процедура-декларатив) типларга таснифлаш мумкин.

Процедура типигаги виртуал ўқув лабораторияси асосини амалий дастур пакетлари ёки мутахассис фаолиятини автоматлаштиришга мўлжалланган саноат аналоглари ташкил қилади. Уларни яратишда, асосан, математик моделлаштириш, ҳисоблаш ишларини амалга ошириш, ўрганилаётган объект ва жараёнларни оптималлаштириш масалаларига эътибор қаратилади. Баъзида математик моделлаштириш техникага оид мураккаб объект ва жараёнларни тадқиқ қилишнинг ягона усули ҳисобланади. Бундай амалий дастур пакетларда ўрганиш предмети фаолиятнинг метод ва воситалари, масалан, геометрик моделлаштириш методлари, оптималлаштириш алгоритмлари бўлиши мумкин. Аммо, шунинг таъкидлаш лозимки, олий таълим муассасаларида тайёрланаётган муҳандис фаолиятини автоматлаштиришнинг фойдали эканлигига қарамай, у ўқув вазифаларини ҳал этиш жараёнида ҳамма вақт ҳам касбий тайёргарлик сифатининг ошишига олиб келавермайди. Чунки, амалий дастур пакетларининг турли объект ва жараёнларнинг хоссаларини математик моделлаштириш ҳамда ҳисоблаш экспериментлари ёрдамида ўрганиш имкониятлари кўп ҳолларда амалга оширилмай қолади. Кўпчилик талабалар эса, бу борада етарлича тайёргарликка эга бўлишмайди. Бундай ҳолларда куйидаги тамойилларга асосланган махсус дидактик интерфейс қўл келиши мумкин: қизиқарли ва ўргатиш осон бўлган масала ёки масалаларни танлаш; талабалар билиш фаолиятига раҳбарлик қилишнинг такрорланувчи, ёпиқ шаклини қўллаш; масалаларни эвристик ечиш ва натижаларни компьютер ечими варианты билан таққослаш; талабаларнинг билиш фаоллигини ошириш мақсадида мусобақа вазиятини яратиш. Техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида бўлажак муҳандисларни тайёрлашда электротехника ва электроника фани бўйича ташкил этилган лаборатория ишлари катта аҳамият касб этади. Албатта, бу мақсадда махсус ўқув хоналари ташкил қилинади. Аммо, бундай ўқув хоналарининг ролига ортиқча баҳо бериш кийин. Чунки, уларни яра-

тиш узоқ вақтни, турли-туман қимматбаҳо жиҳозларни ва уларни авайлаб сақлашни, энг асосийси, катта моддий харажатларни талаб этади.

Ҳозирги замон олий таълим муассасалари ўқув лабораторияларини замонавий асбоб-ускуналар, жиҳозлар, конструкциялар асосан йирик таълим муассасаларида жуда катта маблағ ҳисобига ташкил этиш мумкин. Бундай виртуал ўқув лабораторияларни яратиш ва улар билан ишлаш электрон дарсликларни яратиш ҳамда улардан фойдаланишга ўхшайди. Аммо уларнинг прототиби қоғоздаги биринчи манбалар эмас, балки натура ҳолдаги экспонатлар ҳисобланади.

Виртуал ўқув лабораториясида бўлажак муҳандислар, электротехника ишлари ва автоматика элементларини ўрганишлари ҳамда бошқа бир қатор амалий ишларни бажаришлари мумкин. Масалан, бўлажак муҳандислар виртуал ўқув лабораториясида йўриқнома бўйича лампа патронини қисмларга ажратиш ва йиғиш, шнурни патронга улаш (1-амалий иш); включателни қисмларга ажратиш ва йиғиш, шнурни включателга улаш (2-амалий иш); штепсел вилкасини қисмларга ажратиш ва йиғиш, шнурни вилкага улаш (3-амалий иш) усулларини мустақил ўрганадилар. Ўқув материални идрок этиш самарадорлигини ошириш учун ўрганиш объектини яхлит кўриш ва унинг кичик деталлари билан танишиш имконини берадиган махсус технологик усуллар, масалан, лупа ёрдамида flash-анимациялашдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ҳар бир ўрганиш объекти тавсифи сўнгида ўрганилган ўқув материали бўйича гиперматнлар остида «яширинган» қисқа изоҳлар билан ўз-ўзини назорат қилиш ва тренинг учун саволлар бериш мақсадга мувофиқ. Бу ўқув материални интеграциялаб уни ўзлаштириш жараёнини фаоллаштириш имконини беради ва якуний назоратларга тайёргарлик кўришга кўмаклашади.

Гибрид виртуал ўқув лабораториясини яратишнинг яна бир истиқболли йўналиши – мураккаб ва ноёб жиҳозларда намунавий лаборатория ишларини имитациялашдир.

Бундай лаборатория ишларини бажаришда жиҳозлар билан амалга ошириладиган барча манипуляцияларни лаборатория штатидаги ходим бажаради, ўқитувчи тушунтириш беради, талабалар эса кузатади, нари борса, эксперимент натижаларини қайта ишлашади. Қолаверса, эксперимент, одатда, бошланғич параметрларнинг битта тўплами учун ўтказилади, бошқа вариантлар учун эса талабаларга тайёр натижалар берилади. Бунда билиш жараёнининг барча босқичларида таълим олувчилар қўллаб-қувватланади. виртуал ўқув лабораториясини, тузилишига гибрид ёндашув, одатда, виртуал асбоб-ускуналарни тайёрлашда қўлланилади. Бунда ташқари бошқарув панели, визуал равишда унинг реал аналог адекват тарзда акс эттирилади, турли иш режимлари эса математик ёки имитацион моделлар ёрдамида тадқиқ этилади. Масалан, виртуал ўқув лабораториясида моделлаштиришга бағишланган машғулотларда таълим олувчиларнинг техник тафаккури, фазовий тасавури, айниқса, техник ижодкорлиги, зарур касбий сифатларини ривожлантириш учун шарт-шароит яратади ва таълим олувчилар илгари эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини мустақамлашди ва такомиллаштирадilar. Аммо, бу асосий масала эмас, балки йўл-йўлакай ҳал этиладиган вазифадир. Машғулот тузилиши, тайёрлаш объекти, услубий воситалар – буларнинг барчаси, энг биринчи навбатда, асосий дидактик вазифага тегишли бўлиб, уни бажаришга йўналтирилади. Шу билан бирга, бошқа ўқув вазифаларининг бажарилишига тўсқинлик қиладиган шароитлар юзага келишига ҳам йўл қўйилмайди. Виртуал ўқув лабораторияда талабалар касбий кўникмаларини шакллантириш амалий вазифа ҳисобланади ва бунга касбий амалларни бажариш орқали эришилади.

Маълумки, олий таълим муассасаларида фойдаланиладиган замонавий экспериментал қурилмаларнинг кўпчилиги анча мураккаб, катта ҳажмли ва қиммат турадиган мажмуалардан иборат бўлиб, улар нархи, ўлчамлари, ишлатилиши шартлари бўйича бироз мураккаб ва шунинг учун кўплаб олий таълим му-

ассасалари ўқув жараёнида кўпгина лаборатория ишларни талаб даражасида бажариш имкони бўлмайди ва экспериментлар ўтказилмайди. Шунинг учун мавжуд муаммоларни ҳал қилиш усулларида бири – бу виртуал лаборатория ва экспериментал қурилмалардан фойдаланиш ҳисобланади.

Техника йўналиши олий таълим муассасаларида ўқитиладиган электротехника ва электроника фани маълум маънода ҳам назарий, ҳам амалий фан бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли, унинг назарий хулосаларини амалда текшириб кўриш учун, унда содир бўладиган ҳодиса ва жараёнларни ҳамда асбоб ускуналарни чуқур ўрганиш учун албатта ҳар бир бўлажак муҳандис эксперимент ўтказиш малакаси ҳамда кўникмасига эга бўлиши керак. Бунинг учун эса улар электротехника ва электроника бўйича қатор лаборатория ишларини бажариши керак. Лекин, амалда кўпгина лаборатория ишларини бажаришда қуйидаги бир қатор қийинчиликлар ҳам мавжуд: асбоб ускуналарнинг етишмаслиги ва улар билан ишлашнинг мураккаблиги; талабаларда ўлчов асбоблари билан ишлаш малакасининг етарли эмаслиги; кўпгина физик жараёнларни кўз билан кўриб бўлмаслиги. Ана шу камчиликларни бартараф этиш мақсадида ушбу ишда эса техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида ўқитиладиган электротехника ва электроника курси бўйича виртуал лаборатория яратиш методикаси модели, виртуал лаборатория ишлари таркиби ва қўллаш методикасининг асосий жиҳатлари келтирилган (1-расм).

Виртуал лаборатория ишларини яратиш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: мақсадни шакллантириш; виртуал лаборатория танлаш; виртуал имитатор имкониятларини аниқлаш; мазмунли ва дидактик вазифаларни аниқлаш; сценария тузиш; синовдан ўтказиш; виртуал эксперимент натижаларини ишончлилигини баҳолаш ва таҳлил қилиш.

Мақсадни шакллантириш босқичи – материал, техник, вақт, кадр ресурслари, шунингдек таълим олувчиларнинг шахси ва ёш хусусиятларини ҳисобга олиб, энг самарали



1-расм. “Электротехника ва электроника” фани бўйича виртуал лаборатория ишларини яратиш модели.

ва мос келадиган воситалар билан таълим натижаларига эришиш учун, йўл қўйиладиган четланиш чегараларини белгилаш билан режалаштирилаётган лаборатория ишининг мақсадларини танлаш жараёнини кўзда тутди.

Виртуал лабораторияни танлаш босқичи – қуйидаги бир қатор ҳолатлар билан боғлиқ: ресурсга етишиш режими, улардан фойдаланишнинг молиявий шароитлари, интерфейснинг тили ва мураккаблиги, ва албатта мазмуни билан, яъни ушбу лаборатория режалаштирилаётган лаборатория ишининг мақсадига эришиш учун фойдаланувчига тақдим этиладиган ёки тақдим этилмайдиган имкониятлар билан шартланади.

Яратилаётган лаборатория ишининг вазифаларини аниқлаш босқичини талабалар фаолиятини лойиҳалаш жараёнининг муҳим элементи сифатида қараш мумкин. Бу ерда ушбу лаборатория иши доирасида қандай манипуляцияларни ўтказиш ва кузатиш (мазмунли вазифалар) кераклигини, уни бажаришдан кейин (дидактик вазифалар) қандай хулосага келиши, қандай асосда малакаларини шакллантириш режалаштирилади.

Бунда тақлиф этилаётган виртуал лабо-

ратория ишларининг бошқа виртуал лабораториялардан фарқи қуйидагилардан иборат: барча виртуал лабораториялар ягона концепцияга асосланган бўлиб, уларнинг кейинги қўлланишининг ягона методикасига таянади, яъни ишлаб чиқилган виртуал лабораторияларни қўллаш методикаси асос қилиб олинган; виртуал лабораториялар асосида виртуал экспериментлар устувор бўлган ўргатувчи дастурлар мажмуаси бўлиб, у зарур маълумотнома, ҳисоб-китоб, тест ўтказувчи ва ўргатувчи компонентларни ўз ичига олади.

Виртуал лабораториялардан фойдаланишнинг қуйидаги методикаси тақлиф эилган: таълим олувчиларнинг психологик, интеллектуал, шахсий хусусиятларини, шунингдек тайёргарлик даражасини ҳисобга олган ҳолда виртуал лаборатория билан ишлаш имконияти яратилади. Ўқитувчига реал вақт режимида виртуал экспериментни бажаришга ёрдам бериш ва унинг кечишини назорат қилишга имкон берувчи виртуал лабораторияларнинг тармоқ версиялари ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, тармоқ версияларда гуруҳ ичида ўзаро таъсир бўлиши мумкин; ўқитиш жараёнида виртуал лабораториялардан фойдаланиш, одатда алоҳида лабораторияларни





## ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ф.ГАФФАРОВ

ПИКХТБПКҚТ ва УМОИ докторанти

**Аннотация.** Мазкур мақолада профессионал таълимда мутахассисларни тайёрлашда назарий ва амалий таълим дастурларини интеграциялаштиришда Германия тажрибасидан фойдаланиш имкониятлари, ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

**Калит сўзлар:** профессионал таълим, интеграция, дуал тизими, педагогик инновация, инвестиция, субъект, назария, амалиёт, концепция.

**Аннотация.** В данной статье представлены возможности и особенности использования Германского опыта в интеграции программ теоретической и практической подготовки при подготовке специалистов профессионального образования.

**Ключевые слова:** профессиональное образование, интеграция, дуальная система, педагогические инновации, инвестиции, субъект, теория, практика, концепт.

**Annotation.** This article presents the possibilities and features of using German experience in the integration of theoretical and practical training programs in the training of vocational education specialists.

**Key words:** professional education, integration, dual system, pedagogical innovations, investments, subject, theory, practice, concept.

Ўзбекистон саноати жадал ривожланмокда. Мамлакатимиз худудларининг инвестицион жозибадорлиги йилдан-йилга барқарор ўсиб бормокда. Ўзбекистоннинг таъсис субъектлари учун иктисодиётни саноат хусусиятларига мувофиқ юқори самарали ишчилар ва муҳандислик касблари билан таъминлаш катта аҳамиятга эгадир.

Кўпгина минтақаларда мавжуд бўлган ишчиларни тайёрлаш тизимининг хусусиятлари касб-хунар таълими ташкилотлари соҳасида замонавий ишлаб чиқариш ва таълим технологияларини жорий этиш ва битирувчиларни реал ишлаб чиқариш ша-роитларига мослаштириш зарур бўлади.

Мумкин бўлган ечимлардан бири бу ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлардир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сон Фармони [1]

мазкур соҳанинг ривожланишига ҳамда кенг қўламли механизмларни яратишни таъминлади.

Профессионал таълимда назария ва амалиёт интеграциясини таъминлаш кадрлар кўнимсизлигини камайтиришга қодир. Таълим олувчилар корхонанинг қандай ривожланишини кузатиб боради. Бундан ташқари, корхона бир неча йил давомида ўқувчиларни кузатиб боради, уларнинг кучли ва кучсиз томонларини билиб олади ҳамда уларнинг корхонада фаолият олиб боришини олдиндан режалаштириши мумкин.

Касб-хунарга ўқитишнинг дуал тизим элементларини ҳаётга татбиқ этишнинг ташкилий ва педагогик шартларини таъкидлаш учун, корхонанинг ўзаро таъсирида турли мамлакатларда мавжуд бўлган ўқув тизимлари ўрганилди.

Профессионал таълимда мутахассисларни тайёрлашда назарий ва амалий таълим дастурларини интеграциялаштиришда Германиянинг дуал ўқитиш тизими яхши натижа беради. Дуал тизими кадрлар сиё-

сати учун самарали ва тежамкор тизим ҳисобланади. Таълим олиш қанчалик амалиётга яқин бўлса, корхона ва ўқувчи учун шунчалик катта фойда бўлади. Германияда касб-хунар таълими дуал тизимга асосан ташкил этилган.

Биз томондан олиб борилаётган тадқиқотимизнинг мақсади профессионал таълимнинг икки томонлама шаклини пайдо бўлиши ва замонавий шароитда ривожланишида унинг элементларини Германия тажрибасига асосланиб фойдаланиш имкониятини аниқлаш ва асослашдан иборат бўлиб, мутахассислар тайёрлашда замонавий профессионал таълимни шаклини ривожлантиришдан иборат.

Шу муносабат билан таҳлиллар ва энг яхши хорижий тажрибадан самарали фойдаланиш зарурати кучаймоқда. Концептуал даражада буни қиёсий педагогика, хорижий ва маҳаллий профессионал таълимнинг фундаментал асосларини назарий ўрганиш ва уларнинг ривожланишини тарихий ва прогностик нуқтаи назардан кўриб чиқиш орқали амалга ошириш мумкин. Ривожланган давлатларнинг таълим тизимлари тажрибасини ўрганиш, ўз мамлакатада таълим ва тарбия муаммоларига янада танқидий ёндошишга имкон беради, касбий таълим соҳасидаги ўзгаришлар зарурлигини тушунишни таъминлайди ва педагогик инновацияларни қўллаб-қувватлайди.

Дастлабки изланишларимизга кўра, профессионал таълимда мутахассисларни тайёрлашда назарий ва амалий таълимнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида, таълимнинг икки томонлама шаклида назарий машғулотлар билан бирга амалий таълимни ўқитиш бўйича ярим вақтда ишлаш билан бирлаштирадиган ўқув жараёни сифатида тавсифлашни келтиришимиз мумкин.

Бу ўз навбатида профессионал таълимнинг меҳнат бозори эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш учун

давлат, иш берувчилар ва турли ташкилотларнинг ўзаро яқин муносабати механизми бўлган ижтимоий шериклик маҳсули сифатида пайдо бўлишига олиб келади. Шунингдек, профессионал таълим бозор иқтисодиёти шароитида муваффақиятли мослаштирилган таълим ҳодисаси сифатида ҳам кўриб чиқилади, бу турли мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам профессионал таълимнинг ривожланишига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади.

Дуал таълим тизимининг элементларига асосланган таълим муассасаси ва корхона мутахассислари томонидан биргаликда ишлаб чиқилган ўқув дастурлари профессионал аҳамиятга эга бўлган компетенцияларнинг муваффақиятли ривожланишига ёрдам беради.

Ўқув тизимида дуал таълим – таълимда ўқув жараёнининг профессионал йўналтирилган назарий ва амалий қисмларини ташкил қилиш тўғрисида хорижий олимларнинг қуйидаги таърифларини келтириш мумкин.

А.Г.Федотова томонидан «корхоналарнинг талабалар касбий таълимида бевосита иштирок этишига асосланган ўқитишнинг ушбу тизими ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлган юқори малакали ёш мутахассисларни тайёрлашнинг самарали усулидир», дуал таълим тизими мутахассисларнинг даражаси ва сифатига максимал даражада мос келиш имконини беради талабаларни ишлаб чиқариш талабларига тайёрлашни [2], В.Л. Тешена эса «дуал таълим муҳити маълумотларнинг етишмаслиги ва амалий машғулотларнинг ёмонлиги туфайли юзага келадиган бошқа ўқитиш шакллари учун муқаррар стрессиз иш жойига бемалол киришни таъминлайди» [3] деб, Д.А. Тороповнинг касб таълими сифатини таъминлаш учун шарт-шароитларни аниқлашга бағишланган диссертациясида эса [4], дуал тизим келажакда ишда касбий мослашиши учун талабаларнинг касбий, амалий билим

ва кўникмаларини шакллантиришини таъкидлаб ўтишган.

Таълим ва корхона ўртасидаги шериклик доирасида амалга оширилган икки томонлама таълим, профессионал таълим ўқувчиларига ишлаб чиқариш шароитларига муваффақиятли мослашиш, касбий кўникмаларга эга бўлиш, корхонанинг ўзига хос хусусиятларини тушуниш ва унинг корпоратив маданияти ва кадрларига тақлид қилиш имконини беради.

Бошқа томондан, шуни таъкидлаш керакки, профессионал таълимнинг икки томонлама шаклининг ўзига хос хусусиятлари, касб-хунар таълими муассасаларининг маркетинг фаолияти функцияларини ўз ичига олган касб-хунар таълими менежментининг мавжуд таълим-ташкilot тизимида келажакда малакали ишчиларни тўлиқ тайёрлаш имкониятини беради.

Шу билан бирга, дуал таълимнинг ҳам ташкилий, ҳам педагогик жиҳатларини ҳисобга олиш керак. Педагогик жиҳатларни ишлаб чиқишда ўсмирларни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларини, таълимнинг ҳар бир босқичида ўқув таркибини танлашга алоҳида ёндашувни ҳисобга олиш керак. Бунда педагогиканинг асосий тамойиллари: яхлитлик, бирлик ва мустаҳкамлик, профессионал мақсадга мувофиқлик, мавжуд тажриба ва билимларга таянишга риоя қилиш керак.

Кўпгина хорижий мамлакатларда дуал таълим тизими қўлланилади. Уни ташкил этиш шакллари бир-биридан фарқ қилиши мумкин, аммо асосийси, дуал таълим – бу ўқитишнинг назарий қисми таълим муассасида, амалий қисми – иш жойида, мулкчиликнинг турли шаклидаги корхоналарда амалга ошириладиган машғулот тури бўлиб, бу эса корхоналарининг юқори малакали кадрларига бўлган эҳтиёжи ва Ўзбекистонда мавжуд бўлган профессионал таълими тизими ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ҳал қилиш имконини беради. Профессионал таълим дастурини ишлаб чиқишда дуал таълим тизимининг элементларини жорий этишда ишчиларнинг касбий маҳоратини шакллантиришнинг ташкилий-педагогик шартлари муҳим касб этади.

Хулоса ўрнида, дуал таълимидан фойдаланган ҳолда профессионал таълимни ташкил этишда мавжуд ёндашувлар ва хорижий тажрибани ўрганиш, адабиёт манбаларининг таҳлилий, ташкилий-педагогик шароитлар ва профессионал таълимда ўқитишнинг икки томонлама модели тушунчаларини шакллантириш, дуал таълимни амалга оширишнинг умумий схемасини ажратиб кўрсатиш, бу эса дуал таълим моделини амалга ошириш учун асосий ташкилий ва педагогик шартларни аниқлаш имконини беради.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сон Фармони.
2. Федотова Г.А. Взаимодействие социальных партнеров в процессе профессионального обучения в ФРГ. Аналитический обзор / Г.А.Федотова. М.: ИРПО, 1998. 45с.
3. Тешев В.А. Использование элементов дуальной формы образования в высшей школе при подготовке практико-ориентированных специалистов / В.А.Тешев. Режим доступа: 2018.
4. Торопов Д.А. Обеспечение качества профессионального образования в Германии: дис. д-ра пед. наук / Д.А.Торопов. –М., 2005. 301 с.

## БЎЛАЖАК АМАЛИЙ САНЪАТ ЎҚИТУВЧИСИ КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИНГ ТАРКИБИЙ МАЗМУНИ

К.М.ГУЛЯМОВ

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ докторанти (DSc),  
педагогика фанлари номзоди, доцент.

**Аннотация.** Ушбу мақолада бўлажак амалий санъат ўқитувчисининг касбий компетентлиги тушунчаси таҳлил қилинган ҳамда касбий компетентликнинг тузилиши ва таркибий мазмуни кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** амалий санъат, ўқитувчининг касбий компетентлиги, асосий, таянч ва махсус компетентциялар.

**Аннотация.** В данной статье анализируются понятия компетентности будущего учителя прикладного искусства, а также рассмотрены структура и содержание профессиональной компетентности.

**Ключевые слова:** прикладное искусство, профессиональная компетентность педагога, основной, базовые и специальные компетенции.

**Annotation.** This article analyzes the concepts of competence of a future teacher of applied art and also considers the structure and content of professional competence.

**Key words:** applied art, professional competence of the teacher, main, basic and special competencies.

Касбий фаолияти давомиди ўз салоҳиятидан максимал даражада фойдалана оладиган, профессионал ва ижтимоий фаол бўлган малакали мутахассисларни тайёрлаш – узлуксиз таълим тизими олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бу вазифаларни ҳал этишда, шубҳасиз, бўлажак мутахассисларнинг касбий компетенциясини шакллантириш ва ривожлантириш ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ҳозирги кунда педагогик амалиётда «ўқитувчининг касбий компетентлиги» тушунчасини аниқлашда ягона ёндашув мавжуд эмаслиги боис касбий компетентлик тушунчаси аниқ белгиланган таърифга эга эмас. Компетентлик ўқув жараёнида олинган билим, кўникма ва малакалар йиғиндиси ёки атроф-муҳит билан ўзаро муносабатлардаги муваффақият даражаси ҳисобланади. Касбий компетентликни ўқитиш билан эмас, балки фаолият билан боғлаш янада ўринлидир.

Касб-ҳунар таълими муаммоларини ўрганадиган деярли барча муаллифларнинг таъкидлашича, тўлиқ касбий компетентлик фақат фаолият кўрсатадиган мутахассисда намоён бўлади, лекин унинг шартлари ва

алоҳида жиҳатлари ОТМда таълим олиш даврида шаклланади. Масалан, А.К.Маркова касбий компетентликни атрофлича таҳлил қилиб, қуйидагича таърифлайди: «Касбий компетентлик – касбий билим, кўникмалар; касбий психологик ҳолатлар, касб талаб қиладиган муносабатлар; касбий билим ва кўникмаларни эгаллашни таъминловчи шахсий хусусиятлар каби таркибий қисмлардан иборат тизимдир» [4, 9 б.]. Л.П.Алексеева, Н.Н.Лобанова, Е.В.Попова, Н.С.Шаблыгина каби олимлар компетентлик тушунчасини шахсининг камолоти ва шахсга касбий вазифаларини бажаришда самарали ҳаракат қилиш ҳамда аниқ натижаларга эришиш имконини берадиган ҳолатни топиш билан боғлайдилар.

Шунингдек, К.Ж.Амиргазин, Н.В.Ефремичева, Л.В.Шокорова, А.С.Трофименколар томонидан бу жараён бўлажак амалий санъат ўқитувчиларининг касбий-педагогик компетенцияларини шакллантириш нуқтаи назаридан кўриб чиқилган.

Н.А.Муслимовнинг фикрига кўра ўқитувчи компетенцияси таянч ва махсус педагогик компетенциялардан иборатдир. Таянч

компетенция – олий таълим тизимида фаолият олиб боровчи барча ўқитувчиларга хос бўлиб, махсус компетенция эса ихтисослик фани бўйича таълим берувчи ҳамда таълим олувчининг таълим жараёни ниҳоясида эга бўлган барча социолингвистик сифатлари, билими, кўникма ва малакалари йиғиндисидан иборатдир [6].

Э.Ф.Зеер эса касбий компетентлик остида касбий билим, кўникмалар ва касбий муаммоларни ҳал қилиш усуллариининг йиғиндисини тушунади. Ўқитувчининг касбий компетентлиги тушунчаси соҳага оид адабиётларда қуйидагича талқин қилинган: «ўқитувчининг маълум бир қадриятлар, ғоялар ва педагогик онгни ташувчиси сифатида унинг педагогик фаолияти, педагогик алоқаси ва шахснинг шахсиятини белгиловчи зарур билим, кўникмаларга эга бўлиши» [1, 62 б.].

С.Г.Молчанов эса касбий ва педагогик компетентликка ўқитувчининг тажрибаси ва билимларига тегишли муаммолар доираси сифатида қарайди. Шунингдек, у компетентликнинг компонентлари таркибини касбий ва педагогик фаолият соҳасидаги компетенциялар ташкил этишини таъкидлайди. Шундай қилиб, муаллиф компетентликни тизимли тушунча, компетенцияни эса унинг таркибий қисми сифатида эътироф этади [5]. Касбий компетентлик – бу таянч, асосий ва махсус компетентликларнинг йиғиндисидир [2, 8 б.].

М.И.Лукиянова касбий-педагогик компетентликнинг уч таркибий компонентга ажратади:

- 1) психологик-педагогик саводхонлик;
- 2) психологик-педагогик маҳорат;
- 3) касбий аҳамиятга эга шахсий фазилят.

Шу билан бирга, у алоҳида компонент сифатида ажратмасда, талабани педагогик фаолиятга йўналтириш ва ўзини ўзи билиш ва ўзгартириш зарурати, талаба шахсиятининг ўзгаришига мос равишда фаолиятини такомиллаштириш йўлини топишни касбий компетенцияни белгиловси асосий мезон сифатида кўрсатади.

Н.В.Кузминанинг таъкидлашича, педагогнинг касбий компетентлиги таркибига қу-

йидаги беш компетентлик турлари киради:

- махсус-педагогик;
- методик;
- ижтимоий-психологик;
- дифференциал психологик;
- аутопсихологик (касбий ўзини ўзи англаш, ўзини ўзи билиш ва ўзини ривожлантириш концепцияси билан боғлиқ). Услубий компетентлик талабаларнинг билим ва кўникмаларини шакллантириш усуллари соҳасини қамраб олади [3].

Муаллифларнинг касбий компетенцияларга оид нуқтаи назарлари, талқинларини таҳлил қилиш асосида бўлажак амалий санъат ўқитувчисининг касбий компетентлиги нуқтаи назаридан қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин:

- замонавий педагогик назарияда компетентлик ва компетенция тушунчалари моҳиятан бир-биридан ажратилмаган. Тадқиқотчилар кўпинча компетентлик атамасидан ўз фаолиятининг сифатини баҳолашда, компетенциядан эса мутахассиснинг касбий тайёргарлик даражалари чегараларини аниқлаш мақсадида фойдаланадилар;
- компетентлик тушунчаси таркибий жиҳатдан кўп қиррали ва мураккаб бўлиб, касбий компетентликни педагогик жиҳатдан касб талабларига мувофиқлик даражасининг алоҳида тавсифи сифатида кўриб чиқиш мумкин;
- битирувчининг касбий компетентлиги ижтимоийлик, фанлараро алоқадорлик, тизимлилик, амалиётга йўналтирилганлик, маданиятга мувофиқ, мақсадли фойдаланиш хусусиятлари билан тавсифланади.
- касбий таълим жараёни нафақат бўлажак амалий санъат ўқитувчисининг шахсий компетенциялари доирасида расмий фаолиятни амалга оширишда таянч компетенцияларини аниқлашга, балки келажакда касбий фаолиятни амалга ошириш жараёнида компетентликни такомиллаштиришда бадий ижодий салоҳиятни ривожлантиришга йўналти-

рилмоғи лозим;

- бўлажак амалий санъат ўқитувчисининг касбий компетентлигини шакллантириш таълим мазмуни орқали, шунингдек талабанинг ижтимоий, маданий ҳаётдаги ва сиёсий фаолиятдаги фаол мавқеи воситасида амалга оширилади. Хусусан, фанни ўзлаштириш жараёнида шаклландиган ўқув фанларига оид билими ва касбий кўникма, малакаларни ўз ичига олади. Буларнинг барчаси келажакда бўлажак амалий санъат ўқитувчиларини шу тарзда шакллантиради ва ривожлантирадики, натижада у ўзини ўзи ривожлантириш ва такомиллаштириш воситаларига эга бўлади;
- касбий компетентлик тушунчаси педагогик кўникмаларни шакллантириш билан боғлиқ бўлиб, педагогнинг кўп босқичли характердаги (репродуктивдан ижодийгача) кетма-кет юзага келадиган умумий хатти-ҳаракатларидан фойдаланиш қобилиятини англади.

Бўлажак амалий санъат ўқитувчисининг касбий компетентлиги муаммоси унинг касбий фаолиятига аҳамиятли бўлган хусусиятларни таҳлил қилиш орқали баҳоланади.

Бўлажак амалий санъат ўқитувчисининг касбий компетентлиги таркибий мазмунига кирувчи қуйидаги компетенцияларни алоҳида таъкидлаш мумкин:

- бўлажак амалий санъат ўқитувчисининг таянч компетенциялари касбий муаммоларни ахборот, алоқа воситалари, шу жумладан чет тилидан, фуқаролик жамиятида шахс хулқ-атворининг ижтимоий-ҳуқуқий асосларидан фойдаланиш орқали ҳал қилиш қобилиятида намоён бўлади;
- Касбий компетенциялар маълум бир касбий фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларини (педагогик, амалий, бадиий лойиҳалаш ва ҳ.к.) ҳамда касбий фаолиятнинг муайян фанлар қамровининг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради.

Юқорида келтирилган фикрларга асосланиб таъкидлаш мумкинки, бўлажак мута-

хассиснинг умумий компетентлиги таркибий қисми ҳисобланган таянч компетенциялар ва касбий компетенциялар ўзаро боғлиқ ва бир вақтнинг ўзида ривожланади. Яъни, бўлажак амалий санъат ўқитувчисининг компетентлиги муайян бутун, яхлит бўлиши ва интегратив шахсий хусусиятлари ҳар икки турдаги компетентликнинг бирлигини таъминлайди.

Шу муносабат билан биз А.К.Марковнинг концепциясини ривожлантирган ҳолда ўқитувчининг касбий компетентлиги тузилмаси асосида ишлаб чиқилган бўлажак амалий санъат ўқитувчиси эгаллаш лозим бўлган қуйидаги педагогик-психологик компетенциялар тўпламини таклиф қиламиз:

- касбий педагогик ва психологик билимлар: касбий тайёргарликка замонавий ёндашувлар, касб-ҳунар таълимининг хусусиятлари; педагогик ва психологик диагностика; талабалар фаолияти, уларнинг ёш хусусиятлари; ахборот технологиялари ва ҳ.к.
- касбий педагогик маҳорат: ўқитувчилик, ташкилий-бошқарув, услубий, фаолият ва хизмат кўрсатиш (педагогик вазиятларни таҳлил қилиш, натижаларни лойиҳалаш ва педагогик тадбирларни режалаштириш, ўқув-ишлаб чиқариш жараёнини лойиҳалаш ва ташкил этиш, педагогик жараённи тартибга солиш ва мослашиш ва бошқалар), тарбиявий;
- касбий-психологик ҳолатлар, амалий санъат ўқитувчисининг муносабати: ўз касбининг моҳияти ва аҳамиятини англаш, унга ижобий муносабат, касбий-педагогик фаолиятга мойиллик ва ишонч, барқарор қизиқиш, педагогик фаолиятга тайёргарлик, касбий дунёқараш ва эътиқод, шахсий хусусиятлар ва ҳоказо.
- коммуникатив компетентция алоқа маданияти, ўзбек ва хорижий тилларни яхши билиши, шунингдек ахборот-коммуникация технологиялари воситасида аниқланади;
- бўлажак амалий санъат ўқитувчиси ўз фаолияти давомида илмий билим, кўникмаларни ривожлантириш ва амалда

кўллаш, шунингдек, илмий-тадқиқот фаолиятини мустақил ва самарали амалга ошириш, унинг натижаларини башорат қилиш, уларни ҳаётга татбиқ этиш қобилияти ёрдамида илмий-тадқиқот компетенцияси сифатида аниқланади.

Бўлажак амалий санъат ўқитувчиларининг махсус-касбий компетенциялари гуруҳига биз қуйидаги компетенцияларни киритишимиз мумкин:

- бадиий-эстетик компетенцияси – жаҳон тасвирий ва амалий безак санъати ривожланишининг тарихий тажрибасини, тарихий ва бадиий жараённинг асосий далил ва қонуниятлари; санъат тарихидаги асосий назария ва йўналишлар, турли хил санъат турларининг ўзига хослиги ва моҳиятини билиши ҳамда амалий фаолиятида қўллаш олишидир. Ушбу компетенция амалий безак санъатини идрок этиш ва асарларни таҳлил қилиш меъёрларига эга бўлишни, мустақил равишда бадиий асарлар, амалий безак санъати асарларини яратишни, эстетик жиҳатдан ўз имиджини ҳамда ўз шахсий маконини ташкил этишни ўз ичига олади.
- Касбий-педагогик компетенцияси талабаларни амалий безак санъати, умуман бадиий таълимга ўргатиш соҳасидаги педагогик вазифалар ва муаммоларни ҳал қилиш қобилиятида намоён бўлади.
- Лойиҳалаш компетентцияси замонавий методлар ёрдамида бадиий лойиҳалаш малакасига, буюмлар муҳитининг шакл-шамойилини шакллантириш қо-

нуниятларига, лойиҳалаш объектлари шаклини комбинацион ечимлари таъйинларига, бадиий лойиҳалашда компютернинг график дастурларидан фойдаланиш кўникмалари, шунингдек амалий санъат ва бадиий лойиҳалаш соҳасида моделлаштиришнинг амалий метод ва техникаларига эга эканлиги билан тавсифланади.

- Ташкилий-иқтисодий компетенцияси – ишлаб чиқариш жараёнларини технологик, иқтисодий, бадиий лойиҳалаш, эстетик, ҳуқуқий параметрларни ҳисобга олган ҳолда ҳисоб-китобларга оид амалларни бажара олиши; соҳаси бўйича маркетинг тадқиқотлари усулларини билиш ва ҳоказо.
- Илмий-тадқиқот компетенцияси – бадиий лойиҳалаш соҳасида ахборотларни излаш ва турли адабиётларни таҳлил қилиш; улардан ижодий жараёнда фойдалана олиши ва бадиий лойиҳалаш моделлари асосида тадқиқотнинг тажриба-синов ишлари режа ва дастурларини ишлаб чиқиш, математик-статистик методлар ёрдамида тадқиқот натижаларини таҳлилини амалга ошириш қобилияти билан тавсифланади.

Шундай қилиб, бизнинг изланишларимиз, таълимни модернизация қилиш ва замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитда, бўлажак амалий санъат ўқитувчисининг касбий компетенциясини шакллантириш ва ривожлантиришни долзарб муаммо сифатида ҳар томонлама тадқиқ қилишга қаратилган.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Коджаспирова Г.М. Педагогический словарь. – М.: Издат. центр «Академия», 2000.
2. Козырев В.А. Компетентностный подход в педагогическом образовании: коллективная: моногр. – СПб.: Изд-во РГПУ, 2004. – 392 с.
3. Кузьмина Н.В. Профессионализм личности преподавателя. – М.: АПН, 1990. – 149 с.
4. Маркова А.К. Психология профессионализма. – М., 1996. – 308 с.
5. Молчанов С.Г. Теория и практика аттестации педагогических и руководящих работников образовательных учреждений. – Челябинск, 1998. – 256 с.
6. Муслимов Н.А. Тингловчиларнинг касбий-педагогик компетенцияларини ривожлантириш муаммолари. Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларини такомиллаштириш мазмуни ва илғор хорижий тажрибалар. Халқаро илмий анжуман материаллари. 14-15 октябрь, – Т.: Sano-standart, 2016. 10-126.



## ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШНИГ ЎЗИГА ХОС АҲАМИЯТИ

Д.У.РЎЗИЕВ

ПИКҲТБПКҚТ ва УМОИ директор ўринбосари, PhD.

**Аннотация.** Мақолада олий таълим муассасалари профессор–ўқитувчиларининг мунтазам касбий ўсишида интерактив методлар, педагогларнинг таҳлилий, танқидий ва ижодий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион методикалар, мустақил таълим олишни кенгайтиришни назарда тутувчи техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш малака ва кўникмаларини ривожлантириш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири эканлиги асосланади.

**Калит сўзлар:** таълим сифати, касбий компетентлик, педагогик инновация, инновацион технологиялар, инновацион жараёнлар, ахборот технологиялар.

**Аннотация.** В статье обосновывается актуальность совершенствования роли инновационных методов, направленных на развитие аналитического, критического и творческого мышления, развитие умений и навыков с использованием современных технологий, предусматривающих расширение самостоятельного образования в непрерывном профессиональном росте профессорско-преподавательского состава ВУЗов.

**Ключевые слова:** качество образования, профессиональная компетентность, педагогическая инновация, инновационные технологии, инновационные процессы, информационные технологии.

**Annotation.** One of the urgent problems of today is the role of innovative methods aimed at developing analytical, critical and creative thinking, developing skills and abilities using methods and technologies that provide for the expansion of independent education in the continuous professional growth of the teaching staff of universities.

**Key words:** quality of education, professional competence, pedagogical innovation, innovative technologies, innovative processes, information technologies.

Бугунги кунда ҳар бир педагогнинг ўз устида ишлаши таълим жараёнига илғор технологияларни татбиқ этиши ҳамда талабаларга энг сўнги янгиликлар асосида билимларни етказиш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек таълим жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда, бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда талабаларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологияларда эса, уларни эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ўзлари келтириб чиқа-

ришларга ўргатади. Педагог бу жараёнда шахсининг ривожланиши, шаклланиши, билим олиш ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Таълим жараёнида талаба асосий фигурага айланади [2, 4, 6].

Шунинг учун олий ўқув юртларида малакали касб эгаларини тайёрлашда замонавий ўқитиш методлари - интерактив методлар, инновацион технологияларнинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Чунки, педагогик технология ва интерактив методлар талабаларни билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Бизнинг мамлакатимизда педагогик инновацияни яратилиши ва ривожланиши кенг жамоатчи педагоглар ҳаракати, таълим

тизимидаги мактабларнинг тез ривожланиши, модернизация қилиниши, стандартларни такомиллаштирилиши ва дастурларни янгиланишига бўлган катта эҳтиёж туғилди. Янгиликларни излаш, яратиш, қўллаш ишлари жадаллашиб борди. Шу сабабли янги билимларга бўлган талаб, “янгилик”, “инновация” ва “инновацион жараёнлар” пайдо бўлди.

Илмий тадқиқотларда “Педагогик инновациялар” кўпинча таълимни янгилаш, ислоҳ қилиш жараёни сифатида, материал (ғоя, ҳаракат, шакл, восита, концепция, дастур) сифатида, илғор ўқитиш методларини аниқлаш ва замонавий шароитларда қўлланиш учун энг маъқул ва энг мослашганини танлаб олиш тариқасида таърифланади [1, 2, 3, 4, 5].

М.С.Бургин педагогикада “янгилик”-нинг қуйидаги тавсифларини таклиф этади: бошқа нарсада маълум бўлганини такрорлаш; маълум нарсани унча муҳим бўлмаган ўзгаришлар билан такрорлаш; аввал маълум бўлганини аниқлаштириш; аввал маълум бўлганини жиддий янги элементлар билан тўлдириш; сифат жиҳатидан янгисини яратиш.

Инновацион жараёнларнинг микро-структурасини ўрганиб, олимлар янгилик киритишнинг “ҳаётий қисми (даври)” концепциясини ишлаб чиқдилар, улар янгилик киритиш вақт давомида ўтиб борадиган жараён деган фикрни илгари сурдилар. Шу даврга келиб илмий адабиётларда инновацион жараёнлар қуйидаги босқичларга ажратилмоқда:

1. Янги ғоя пайдо бўлиши ёки янгилик концепцияси юзага келиши босқичи. Уни шартли равишда фундаментал ва амалий илмий текширишлар (ёки бирдан пайдо бўладиган) натижалардан келиб чиқадиган янгилик босқичи деб атайдилар.

2. Кашф этиш вақти, яъни амалга ошган объект, моддий ёки маънавий маҳсулот намуна кўринишдаги янгилик яратиш.

3. Яратилган янгиликка амалий кўришиш топилиб, уни қўшимча ишлаш орқали мукаммаллаштириш амалга оширилади. Бу босқич янгилик киритишдан мустақкам самарадорликка эришиш билан яқунланади. Шундан сўнг янгиликнинг мустақил мавжудлиги бошланиб, янгилик киритиш жараёни кейинги босқичга ўтади. Бу босқич фақатгина янгиликни қабул қилиш шартида амалга ошади.

4. Янгиликнинг бирор соҳада тарқалиши, унинг бошқа соҳаларга диффузияланиб (кўшилиб) кенг татбиқ этилиши билан яқунланади.

5. Янгиликнинг бирор соҳада ҳукмрон бўлиши, бунда хусусан янгилик ўз янгилигини йўқотиб, янгилик сифатида мавжуд бўлмай қолади. Бу босқич янги самарали янгилик пайдо бўлиши ёки ундан кўра янада самаралироғи билан алмаштирилиши билан яқунланади.

6. Янгилик доираси қисқариб, уни янада маҳсулдорлиги билан алмаштирилиши билан яқунланади.

Инновацион жараён бошқа сифатли ҳолатга эскириб қолган ҳамда вазият ва аҳамиятларини қайта кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлади. Бир даражали қатор янгиликлар йиғиндиси (умумийлиги) инновацион яхлитликни ташкил этади. Инновацион фаолият даврида янгиликлар, инновациялар, том маънода таълим жараёнига кириб келади. Шу сабабли таълим тизимидаги инновацияларни педагогик жараёнларга киритиш тўрт босқичда амалга оширилади:

1. Муаммони таҳлил асосида аниқлаш;
2. Ўзгаришларни амалга ошириш ;
3. Ўзгариш ва янгиликларни режалаштириш;
4. Мўлжалланаётган таълим тизимини лойиҳалаш.

Юқорида келтирилган инновацион жараённинг бир – бирини вақтлар давомида янги босқичга кетма – кет алмаштириб

борилиши, унинг ривожланиб боришининг соддалаштирилган кўринишларида ифодаланади. Бироқ аниқ инновацион жараён бу босқичларни ўз ичига олиб, уларнинг кетма – кет ва боғлиқликларига ҳар доим риоя қилиниши шарт эмаслигини ҳам кўрсатади.

Кўпчилик педагог олимлар ишларида педагогик инновациялар қуйидагича гуруҳланади: Инновациялар объекти бўйича таълим мазмунида инновацияларга; ўқитиш ва тарбиялашнинг технологиясида инновацияларга; таълим муассасаларини бошқариш тизимида инновацияларга; таълим муҳитида инновацияларга бўлинади. Келиб чиқиш хусусиятига кўра эса ташқи ва ички инновацияларга ажратилади. Шу билан бирга ташқи инновациялар юқори ташкилотнинг буйруғи ёки йўриқномаси бўйича қабул қилинади ва амалда жорий қилинади. Педагогик тизимга ички инновацияларни жорий қилиш амалиётга нисбатан педагогик рефлексиялар натижасида юз беради.

Инновациялар технологик таълим жараёни киритишни янгилик яратиш ва амалга оширишнинг комплекс ва мақсадга мувофиқ жараён сифатида қараб, унинг мақсади инсон талаб ва эҳтиёжларини янги воситалар билан қондирилиши бўлиб,

унинг самарадорлиги мунтазам ва ҳаётий янгиликни таъминловчи услуб ва тизимларни маълум сифатли ўзгаришига олиб келади.

Педагогнинг инновациялардан самарали фойдаланиши асосан педагогнинг касбий тайёргарлигига ҳамда унинг шахсий тажрибасига боғлиқ. Педагогда шахсий тайёргарлигининг етарли эмаслиги, янгиликлар ҳақида тасаввурларининг ва шахсий имкониятларининг торлиги ўқув муаммосини англаб етилмасдан қолишда намоён бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, педагогик инновациялар деганда биз восита, метод, усул, технология ва хоказо эмас, балки уларни яратиш, ўзлаштириш ва амалда қўллаш, баҳолашни ҳамда бошқаришни тушунишни тақозо этади.

Таълим-тарбия жараёнида инновацияларнинг қўлланилиши бир жиҳатдан таълим жараёнини доимий такомиллаштириш зарурлигидан иборат бўлган педагогик амалиётнинг объектив эҳтиёжларига боғлиқ, иккинчи жиҳатдан эса уларни қўлланиш самарадорлиги педагогларнинг субъектив сифатларига, уларнинг педагогик инновацияларнинг объектив зарурлигини англаганлик даражасига боғлиқлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдукаримов Ҳ., Сувонов О. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Ўқув-методик қўлланма. – Тошкент: Mumtoz so'z, 2010.-76 б.
2. Авлиёқулов Н.Х. Замонавий таълим технологиялари. -Тошкент, 2001. – 69 б.
3. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат – Тошкент: Молия, 2003. – 174б.
4. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. – Москва: ИРПО, 1996.- 336 с.
5. Жўраев Р.Ҳ., Рахимов Б.Х., Холматов Ш..Ф. Янги педагогик технологиялар: муаммоли таълимга асосланган ўқув-методик қўлланма. – Тошкент: Фан, 2005.- 66 б.
6. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Тошкент: Истеъдод жамғармаси, 2010. – 142 б.
7. Олимов Қ.Т. ва бошқалар. Касб таълими методикаси. Дарслик. –Тошкент: “Фан ва технологиялар”, 2016.– 328 б.

## ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШДА АХБОРОТ ТАЪЛИМ МУҲИТИ

К.КАРИМОВ

ПИКХТБПКҚТ ва УМОИ, “Бошқарувда ижтимоий психология”  
кафедраси мудири. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Аннотация.** Ушбу мақолада профессионал таълим тизими педагог кадрлар малакасини оширишда ахборот-таълим муҳитининг имкониятлари баён этилган бўлиб, таълимнинг инновацион ахборот-дидактик шакллари, таълимни ахборотлаштириш масалалари кўриб чиқилган. Шунингдек, мақолада ахборот-таълим муҳити, бу таълимий ахборотларни узатиш ва тез алмашишни таъминловчи восита сифатида талқин қилинган.

**Калит сўзлар:** профессионал таълим, педагог кадрлар, малака ошириш, таълимни ахборотлаштириш, ахборот-дидактик шакллар, ахборот-таълим муҳити, муҳитли ёндашув, сифат ва самарадорлик, мотивация, таълим муҳити.

Мамлакатимизда профессионал таълим тизими педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ислоҳ қилиш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”[1] устувор вазифаларга мувофиқ таълим порталларида он-лайн ва офф-лайн технологияларига асосланган масофавий қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг жорий этиш орқали педагогларнинг асосий ишдан ажралмаган ҳолда ўқув курслари таълим дастурларини мустақил равишда ўзлаштириш имкониятларини яратиш, педагог кадрлар малакасини ошириш жараёнларида тингловчиларнинг малакавий тайёргарлигини ривожлантириш ва уларда етарли билим, кўникма ва малакаларни илғор ахборот-таълим муҳитида шакллантириш долзарб ҳисобланади.

Узлуксиз педагогик таълимнинг муаммосини ҳал қилиш соҳасидаги назарий ва

амалий тажрибага ижобий баҳо бериб, ҳозирда шаклланган тузилмавий-мазмунли ва процессуал таркибий қисмлар педагог касбий фаолиятининг табиатига мос келмаслигини таъкидлаш лозим. Профессионал таълим тизими раҳбар ва педагогик кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг амалдаги тизими замонавий талабларга тўлиқ жавоб бермайди.

Ўқув – тарбия жараёнини юқори илмий-услубий даражада таъминлаш, малакавий талаблар, ўқув режалари ва дастурлари асосида касбий ва педагогик маҳоратни доимий равишда ривожлантиришга кўмаклашиш учун зарур бўлган касбий билимлар, кўникмалар ва малакаларни янгилаб бориш малака ошириш курсларининг асосий мақсади ҳисобланади.

Таълим сифати ва самарадорлигига қўйилаётган талаблар профессионал таълим тизими педагог кадрлари малакасини оширишнинг мазмунини, шакллари ва методларини ана шу талабларга мос равишда такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чо-

ра-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сон Фармонида профессионал таълим дастурлари ЮНЕСКО ташкилоти томонидан қабул қилинган Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи (МСКО) даражалари билан уйғунлашмаганлиги, ўқув жараёнига Ўзбекистоннинг Миллий квалификация тизими тўлақонли жорий этилмаганлиги тайёрланаётган кадрларнинг меҳнат бозорида муносиб ўрин эгаллашларига тўсқинлик қилаётганлиги таъкидланган[2].

Малака ошириш соҳасидаги сифат ўзгаришлар ва юқори самарадорлик уларнинг жаҳон таълим талаблари билан мослиги ва педагогларнинг келгуси меҳнат фаолиятларида ўзлаштирган компетенциялари қай даражада амалиётга татбиқ қилинаётганлигига боғлиқ. Таълим-тарбиядаги сифат ўзгаришлар ва юқори самарадорлик эса мазкур соҳага ижобий янгилик киритиш билан белгиланади. Бундай янгиликни киритиш жараёни инновацион жараён бўлиб, илғор педагогик технологияларни жорий қилиб, таълимда сифат ва самарадорликка эришишдан иборат бўлади. Бу эса кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими олдида барча соҳа мутахассисларининг, шу жумладан, профессионал таълим тизими ўқитувчиларининг касбий тайёргарлиги савиясини замон талабларига мос тарзда узлуксиз такомиллаштириб бориш вазифасини қўяди. Мазкур долзарб вазифаларни бажаришда профессионал таълим тизими муассасалари раҳбарлари ва педагог ходимларининг функционал вазифасига мос равишда малака ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ва ривожлантириш стратегияларни танлаш ҳамда малака ошириш жараёнлари сифат ва самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи таълимнинг инновацион ахборот-дидактик шакллари илмий тадқиқ қилиш, ишлаб чиқиш ва улардан тизимли

фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Таълимнинг инновацион ахборот-дидактик шакллари – таълим олувчининг қобилиятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда таълим - тарбия мазмунини, таълим мақсадига мос равишда лойиҳалаш ҳамда педагогик, ахборот-коммуникацион услублар, шакллар ва ўқитиш усулларини тадбиқ этишга йўналтирилган психологик, умумпедагогик, дидактик ва шахсий услубий тартиблар асосида амалга оширилувчи таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги ўзаро таъсир тизимидир. Профессional таълим тизими педагог кадрлари малакасини оширишнинг инновацион ахборот-дидактик шакллари – юқори даражадаги самарадорликни таъминловчи, педагогик қонуниятлар, мақсадлар, тамойиллар, мазмун, шакл, услублар, ўқитиш воситалари ва АКТ дан ҳамда тарбиялаш усулларидан ташкил топган лойиҳалаш ва мос равишда ушбу технологияни амалиётда қўллаш тизимидир[3; 18-б.].

Таълимни ахборотлаштиришнинг мақсади ахборот ва телекоммуникацион технологияларни қўллаш ҳисобига интеллектуал фаолиятни глобал жадаллаштиришдан иборат. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш доирасида технологиялар ва ахборотлаштириш воситаларини бир тизимга бирлаштиришнинг педагогик, методик ва технологик асосларини ишлаб чиқишга йўналтирилган тадқиқотлар ўтказиш лозим. Бундай тизим сифатида ахборот-таълим муҳити таклиф қилиниши мумкин.

Ахборот-таълим муҳити – бу таълимий ахборотларни узатиш ва тез алмашишни таъминловчи восита ҳисобланади. Ушбу муҳит асосида таълим олувчиларни бир-бирини тушунишга, ўзгалар фикрини ҳурмат қилишга, ўз фикрини эркин баён қилишга ва биргаликда муаммоларни ҳал этишга ўргатишга имконият яратилади. Натижада ягона таълим соҳасига кириб

борилади.

Ахборот алмашуви тизим ва муҳит ўр-тасидаги кўплаб ўзаро алоқалар ахборот элементларини ўзаро узатиш йўли билан юз беради. Шундай қилиб муҳит – тизимга ресурсларни етказиб беради, тизимдан эса унинг пировард маҳсулотларини олади ва истеъмол қилади. Бунинг ўзига хослиги шундаки, тизим фаолиятининг маҳсулотлари қоидага кўра, муҳитда яратилиши мумкин эмас. Шунга кўра муҳит таълим тизимини шакллантиришнинг фаол бош-ланиши ва объектив асоси бўлиб хизмат қилади.

Муҳитли ёндашув таълим, тарбия ва инсоннинг ривожланиши муаммолари бўйича кўплаб ишларда кенг тақдим этилган. Уларда муҳит шахсий ривожланишга ҳамда таълим муҳити салоҳиятининг яққол кўринишига ёрдам берувчи шароитлар ва имкониятлар нуқтаи назардан кўриб чиқилади.

Ҳ.Ф.Рашидов фикрича таълимий муҳит қуйидагича шакллантирилади: “Қачонки, таълим олишга мотивацияси бўлган шахс пайдо бўлсагина, муҳит таълимий бўлади. Бунда битта муҳит бир одамга таълимий бўлса, бошқасига нейтрал бўлади, ҳар бир одам муайян таълимий макон чегараларида ўзининг таълимий муҳитини шакллантириш имкониятига эга” [4].

“Таълим муҳити” атамаси В.А.Ясвиннинг ишида етарли даражада аниқ таърифланган, у таълим муҳити деб “шахснинг берилган намунага кўра шаклланишининг таъсирлари ва шароитлари ҳамда ижтимоий ва фазовий-предметли қуршовда таркиб топган, уни ривожланиши учун имкониятлар” ни тушунади [5].

Ахборотли-таълим муҳитининг назарий ядроси – педагогика фанининг янги йўналиши бўлиб, ахборот-таълим муҳити янгиланишга йўналтирилганлик моҳиятидан келиб чиқиб, педагогик жараёнларни

тадқиқ қилади. Шунинг учун анъанавий таълим жараёнига у ёки бу шаклда янги педагогик тизимни киритиш кўп ҳолларда самарасиздир. Шу боис янги сифат тузилмасига, тизимни ташкил этишнинг янги мезонларига эга бўлган бутунлай янги дидактик моделни яратиш лозим.

Ахборот-таълим муҳитининг кўпгина таърифлари таҳлили – таълим жараёнини ахборот, техник ва ўқув методик таъминоти ҳамда унинг иштирокчиларининг ўзаро муносабат тизимидир – деб хулоса қилиш имконини беради.

Ахборот таълим тизимини шакллантириш тадқиқотимиз вазифаси доирасида ахборот-таълим муҳити тушунчаси Н.Ф.Абдуназарованинг ишида қуйидагича таърифланган: “Ахборот муҳити, ахборотни яратиш ва қўллашнинг индивидуал-шахсий томонлари билан юқори даражада боғлиқ бўлган тушунчадан иборат. Таълим жараёнининг ҳар бир субъекти ўзининг ахборот муҳитини мустақил шакллантиради. Ахборот ресурсларини яратар ва истеъмол қилар экан, таълим жараёни субъекти нафақат ўзи ривожланади, балки ахборот муҳитини ҳам ривожлантиради. Шу тарзда индивидуал ахборот муҳитларидан таълим жараёнининг ахборот тизими бўлган ахборот макони пайдо бўлади” [6]. Жуда кўпчиликни ташкил этадиган бундай таърифларда мураккаб ходиса бўлган ахборот-таълим муҳитининг моҳиятини тушунишда фикрларнинг анчагина турличалигини кўриш ва унда энг муҳим характерли томонларни ажратиш олиш мумкин.

Амалда татбиқ қилинган ёки назарий ёндашувлар кўринишида тавсифланган қуйидаги учта асосий турдаги ахборот-таълим муҳитини ажратиш мумкин: билимларни тақдим этишга йўналтирилган муҳитлар, билимларни олиш бўйича мустақил фаолиятга йўналтирилган



## ЛИЧНОСТНО - ОРИЕНТИРОВАННЫЙ ПОДХОД К ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКЕ СПЕЦИАЛИСТОВ В УСЛОВИЯХ КОЛЛАБОРАТИВНОЙ СРЕДЫ

З.З.БОЛТАЕВА

Бухарский инженерно-технологический институт

**Аннотация.** В этой статье излагаются дидактические требования личностно-ориентированного подхода в обучении как необходимого фактора повышения качества обучения.

**Ключевые слова:** инновационные технологии, качество образования, личностно-ориентированное проектирование личности, коллаборативная среда.

**Annotation.** This article sets out the didactic requirements of a personality-oriented approach to learning as a necessary factor in improving the quality of education.

**Key words:** innovative technologies, quality of education, personality-oriented personality design, collaborative environment.

**Аннотация.** Ушбу мақолада таълим сифатини оширишнинг зарурий омили сифатида шахсга йўналтирилган ёндошишнинг дидактик талаблари баён этилган.

**Калит сўзлар:** инновацион технологиялар, таълим сифати, шахсга йўналтирилган шахс тарбияси, ҳамкорлик муҳити.

В национальной модели образования Республики Узбекистан «Личность» стоит на первом месте. Значит вся система образования, в том числе и сам процесс обучения, должны быть ориентированы на личность. [1]

Дальнейшее реформирование общества, поиск наиболее оптимальных путей его развития, достижения науки, усложнение процессов производства в соответствии с инновационными технологиями требуют совершенствования подготовки высококвалифицированных кадров во всех отраслях экономики.

Известно, что в любой деятельности многое зависит от умелого проектирования её цели и задач. Это развивает логичность мышления, а также систематичность, последовательность и компактность изложения мыслей, способствует концентрации внимания и более прочному запоминанию. [2]

Инновационные технологии в вузе (т.е. технологии, основанные на нововведениях) несмотря на их правовую неопределенность в содержательном плане – это, прежде всего, условие повышения качества образования, следовательно, возможность повысить конкурентоспособность конкретного вуза

на рынке образовательных услуг.

Качество образования – это уже не национальная, а всемирная проблема. Все страны задаются вопросом о том, как обеспечить качество образования в условиях доступности образовательных услуг, быстро меняющихся ситуаций на рынках труда и образования. В программном документе ЮНЕСКО качество высшего образования выдвинуто на роль «общего знаменателя» реформ высшего образования [3].

На современном этапе развития системы профессиональной подготовки совершенно очевидно просматривается тенденция активизации поиска, методов и средств повышения эффективности форм работы с точки зрения формирования профессионального самосознания будущих специалистов. Структурные компоненты профессионального самосознания (мотивация, направленность, рефлексия, стремление к совершенствованию и др.) указывают на его психологическую природу. Профессиональное самосознание можно рассматривать в качестве основного механизма, запускающего и детерминирующего профессиональную деятельность. Уровень развития, дифферен-



цированность и структурная пластичность такого самосознания во многом определяют объективно качественную профессиональную деятельность и субъективно личностную успешность специалиста.

Внедрение личностно ориентированного подхода в обучении, необходимость реализации которого остро ощущается в настоящее время, связано с происходящими изменениями в образовании. В настоящее время образование переходит от традиционной организации, определяющей ведущими целями и результатами обучения знания, умения, навыки учащихся, к гуманистической личностной ориентации – к развитию и самореализации сущностных сил и способностей человека. Личностно ориентированный подход основан и вбирает в себя различные философские, психологические и педагогические концепции и теории. [4]. Личностный потенциал более точно отражает суть человеческого фактора и его роль в производстве и производственных отношениях. Под личностно-ориентированным проектированием личности понимается описание одного из наиболее вероятных и педагогически целесообразных вариантов её развития, что конкретно в личности будущего специалиста поддаётся проектированию, не нарушая её ценности? Это, прежде всего те качества, которые, способствуют её становлению как субъекта производственной деятельности.

1) Профессионально значимые знания, навыки и умения, обуславливающие профессиональную компетентность (квалификационный потенциал);

2) Работоспособность (психофизиологический потенциал).

3) Интеллектуальные, познавательные способности (образовательный потенциал).

4) Креативные способности (творческий потенциал).

5) Способность к сотрудничеству, коллективной организации и взаимодействию (коммуникативный потенциал).

6) Ценностно-мотивационная сфера (идейно-мировоззренческий, нравственный потенциал).

Всё выше изложенное является основанием для того чтобы учебный процесс проходил наиболее продуктивно, в моём опыте работы – это коллаборативная среда. Коллаборативная среда развивает взаимопонимание. Взаимопонимание – это наличие у всех участников группы обучения сходных знаний о процессе взаимодействия, сходных взглядов, предположений и допущений, т.е. разделение всей группой одних и тех же идей. Как сказал Л.С.Выготский «Совместная деятельность создает благоприятные условия для развития коммуникативных качеств личности у школьников через формирование таких важных качеств, как способность к осуществлению свободного выбора, контроля и оценки результатов учебной деятельности».

Термин «коллаборативный» трудно отнести к обще-употребительным. Между тем такое понятие имеет право на жизнь, и более тысячи ссылок на всё коллаборативное в Интернете – убедительное тому доказательство. Коллаборативными могут быть технологии, проекты, процессы, программы, приложения, произведения, обучение, исследование. С английского – collaborative – общий, объединенный, совместный.

Для мировой педагогики нового столетия характерен переход к таким моделям обучения, которые ставят студента в активную позицию. Учебный процесс строится как поисковая, исследовательская деятельность, в ходе которой происходит обмен мнениями, разворачиваются дискуссии. Переход от фронтальной к индивидуальным и групповым формам работы – это требование времени, а не дань моде. И в этой связи представляется не совсем оправданным то скромное место, которое пока еще занимает в школе групповая работа. Новизна опыта состоит во внедрении и в обосновании целесообразности использования коллаборативной

среды как фактора повышения внутренней мотивации студентов. Опыт может быть использован педагогами любого вуза учреждения с различным уровнем педагогического мастерства. Опыт требует постоянного личностного и профессионального роста учителя, тщательной подготовки к занятиям. Подготовка к групповой работе требует от меня более тщательной подготовки. Приходится подбирать необходимый дополнительный материал, составлять руководство для работы в группе, так как каждая группа выполняет индивидуальное задание, подготавливаю презентации для того, чтобы студенты зрительно могли видеть проработанный материал. Необходимо обращать внимание на правильное распределение времени, так как при работе в группах заметно не хватает времени. Педагог для того, чтобы добиться от студентов взаимопомощи и более целостно провести занятие должен создать благоприятную обстановку, в которой и студентам и педагогу будет комфортно. При правильной организации работы студенты не будут пассивными слушателями, а станут полностью погружаться в учебный процесс. При выполнении и правильной постановке цели урока все студенты постараются выполнить все, что запланировал педагог. Студент чувствует себя комфортно только тогда, когда он понимает, что от него требуют, и видит перед собой четко поставленные задачи. На занятиях стараюсь применять как групповую, так и парную работу. Студенты в таком виде работы одновременно выступают и как слушатели и как лекторы. Совместная деятельность заставляет каждого студента

включиться в учебный процесс, и задание постепенно превращается в увлекательную игру, которая большинству очень нравится. В групповой работе студенты чувствуют поддержку со стороны товарищей и становятся более открытыми. Каждый студент, работая вместе со всеми, не боится высказываться и быть непонятым. Для того чтобы создать коллаборативную среду педагогу необходимо дать больше свободы и тогда он увидит, что даже те студенты, которые раньше давали ответы очень редко станут давать более полные ответы. Со временем они научатся не только, выступать в роли слушателей, но и участвовать в дискуссиях и спорах, доказывая свою точку зрения. При создании групп необходимо делить студентов по индивидуальным особенностям, чтобы более сильный студент не подавлял слабого, а помогал ему. Процесс работы в группе будет последовательным, если студенты перед началом деятельности разработают правила поведения и разделят обязанности каждого, и в дальнейшем будут строго следовать им.

Таким образом, благодаря использованию коллаборативной образовательной технологии, стихийно созданные группы выполняют на занятии двойную задачу: с одной стороны, академическую – достижение познавательной, творческой цели, а с другой, коммуникативную и социально-психологическую – осуществление в ходе выполнения задания определённой культуры общения как внутри групп, так и в ходе дискуссии со своими оппонентами. И то, и другое одинаково значимо, как для педагога, так и для самих участников занятия.

#### Используемая литература:

1. Национальная программа по подготовке кадров Республики Узбекистан. 1997.
2. Бабанский Ю.К. Педагогика. Москва. 1999.
3. Реформы и развитие высшего образования: программный документ ЮНЕСКО, 1995. –<http://www.eureka.net.ru/ewww/info/13423.html>.
4. Бондаревская Е.В. Теория и практика личностно-ориентированного образования – Ростов-на-Дону: Издательство Ростовского педагогического университета, 2000 – 352 с
5. Новикова Г.П. Тенденции развития инновационных процессов в системе непрерывного педагогического образования //Материалы У111 Международной научной конференции «Европа и современная Россия.

# ТАЛАБАЛАРНИНГ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИОН ТАЙЁРГАРЛИГИНИ КОМПЬЮТЕРЛИ ЛОЙИХАЛАШ ВОСИТАЛАРИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МОДЕЛИ

А.Р.ХОДЖАБАЕВ

ПИКХТБПКҚТ ва УМОИ, катта илмий ходими,

Ж.О.ХАКИМОВ

ТДТУ, “Энергия машинасозлиги ва касб таълими” кафедраси муdiri,

Ж.Т.УСМОНОВ

ТДТУ, “Энергия машинасозлиги ва касб таълими” кафедраси магистранти

**Аннотация.** Ушбу мақолада ҳозирги замон ахборот муҳтида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ахборот-коммуникацион тайёргарлигини компьютерли лойиҳалаш воситалари асосида такомиллаштиришнинг методик асослари ҳақида сўз юритилади. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ахборот-коммуникацион тайёргарлигини компьютерли лойиҳалаш воситалари асосида такомиллаштириш жараёни модели куйидаги компонентларни ўз ичига олади: мотивацион-қадриятлий, мазмуний, фаолиятлий-бошқарув, рефлексив-нативавий.

**Калит сўзлар:** ўқитиш, компьютерли лойиҳалаш, такомиллаштириш, касб таълими, ахборот-коммуникацион тайёргарлик, мотивацион-қадриятлий, мазмуний, фаолиятлий-бошқарув, рефлексив-нативавий, фанлараро модел, ахборот-лойиҳалаш топшириқлари.

**Аннотация.** В данной статье речь идёт о модели совершенствования информационно-коммуникационной подготовки педагогов профессионального обучения на основе средств компьютерного проектирования. Модель процесса подготовки будущих педагогов профессионального обучения к компьютерному моделированию включает следующие компоненты: мотивационно-ценностный, содержательный, деятельностно-управленческий, рефлексивно-результативный.

**Ключевые слова:** обучение, компьютерное проектирование, совершенствование, профессиональное образование, информационно-коммуникационная подготовка, мотивационно-ценностный, содержательный, деятельностно-управленческий, рефлексивно-результативный, междисциплинарная модель, информационно-проектировочные задания.

**Annotation.** This article is about a model for improving the information and communication training of vocational education teachers based on computer design tools. The model of the process of preparing future teachers of vocational training for computer modeling includes the following components: motivational-valuable, informative, activity-management, reflective-productive.

**Key words:** training, computer design, improvement, vocational education, information and communication training, motivational-value, informative, activity-management, reflective-productive, interdisciplinary module, information-design tasks.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигига бағишланган илмий-тадқиқот ишларининг кўп эканлигига қарамай, таълим муассасалари учун касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда уларнинг ахборот-коммуникацион тайёргарлигини компьютерли лойиҳалаш воситалари асосида такомиллаштириш ишларни ташкил этиш, унинг мазмуни ва методига оид масалалар ҳалигача етарлича очиб берилмаган. Педагогик адабиётларда “тайёргарлик” атамаси ҳам жараён, ҳам натижа сифатида тушунилади. Изланишлар кўрсатадики, “тайёргарлик”, “ахборот-коммуникацион тайёргарлик”, “компь-

ютерли лойиҳалаш” тушунчаларини 5111000-Касб таълими (Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси)” таълим йўналишига нисбатан қўлланилган ҳолда, янада чуқурроқ тадқиқ этишни тақозо этади.

М.В.Едренкина [1] фикрича, касбий тайёргарлик – бу илмий билимлар, кўникмалар, малакалар ва зарур шахсий-касбий сифатларни ўзлаштириш жараёни ва унинг натижасидир. С.С.Салаватова “касбий тайёргарлик” тушунчаси мазмунига касбий кизиқишлар, қарашлар, тасаввурлар ва уларга мос келувчи хулқ-атвор меъёрларини ҳам шакллантиришни киритишни тақлиф этади [2; -146- б.].

Юқорида келтириб ўтилган ҳар бир таърифда процессуал, шахсий ва мазмуний (билим, малака, кўникма) йўналишларга урғу берилган. Биз тадқиқотимиз жараёнида касб маҳорати юксак мутахассисларни тайёрлашда шахсий сифатларни шакллантиришнинг муҳим аҳамиятини асло истисно этмаган ҳолда, касбий тайёргарликнинг процессуал ва мазмуний жиҳатларини ўрганишга кўпроқ эътибор қаратдик.

Шундай қилиб, бизнингча, касбий тайёргарлик деганда муайян фаолият соҳасида ишларни бажариш имконини берувчи махсус билимлар, малакалар ва кўникмалар тизимини шакллантириш жараёни ва натижаси, касбий-педагогик тайёргарлик деганда эса, тармоқ фанлари ўқитувчиларининг касбий фаолиятини самарали амалга оширишига имкон берувчи билимлар, малакалар ва кўникмаларни шакллантириш жараёни ва натижаси тушинилади.

Касб таълими ўқитувчисининг тайёргарлиги, битта ёки кўпи билан иккита фан бўйича фаолият кўрсатадиган ўқув фан ўқитувчиси тайёргарлигидан фарқли ўларок, қўшқасблиликни тақозо этади, чунки у ўрта маълумотли мутахассисларни тайёрлаши учун ҳам ўқитувчилик, ҳам ишлаб чиқариш соҳаси бўйича муайян тайёргарликка эга бўлиши зарур. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий тайёргарлиги қуйидаги ташкил этувчиларни ўз ичига олади: психологик-педагогик ва ишлаб чиқариш-техник [3].

Бўлажак мутахассисларнинг ахборот-коммуникацион тайёргарлигини компьютерли лойиҳалаш воситалари асосида такомиллаштириш мақсадида олий техника таълим муассасалари ўқув жараёнига биз томондан “Компьютерли лойиҳалаш” махсус курси ишлаб чиқилди ҳамда олий техника таълим муассасалари учун “Компьютерли лойиҳалаш” дарслиги ва дастури ишлаб чиқилиб, олий ва ўрта махсус вазирлигининг 2018 йил 744-сонли буйруғига асосан дарслик сифатида тавсия этилди.

*Лойиҳалашни автоматлаштириш* деганда лойиҳани ишлаб чиқиш жараёнини бажаришнинг шундай усули тушуниладики, бунда

лойиҳалаш процедуралари ва операциялари лойиҳаловчининг компьютер билан чамбарчас мулоқотида амалга ошади.

Компьютерли лойиҳалашни яратиш учун: математик методлар ҳамда методлар ва ҳисоблаш техникаси воситаларини қўллаш асосида лойиҳалашни такомиллаштириш; излаш, ишлов бериш ва маълумотни чиқариш жараёнларини автоматлаштириш; оптималлаштириш ва кўп вариантли лойиҳалаш методларидан фойдаланиш; лойиҳа ҳужжатларини шакллантириш сифатини ошириш; ижодий бўлмаган ишларни автоматлаштириш ҳисобига лойиҳаловчилар меҳнатининг ижодий улушини ошириш; лойиҳалаш методларини унификациялаш ва стандартлаштириш; лойиҳаловчи бўлимларнинг турли даражадаги ҳамда вазифаси ҳар хил бўлган автоматлаштирилган тизимлар билан мустаҳкам алоқада ишлаши зарур.

*Компьютерли лойиҳалаш* – автоматлаштирилган лойиҳалашни бажарувчи лойиҳаловчи ташкилот ёки мутахассислар жамоаси билан боғланган автоматлаштирилган лойиҳалаш воситаларининг мажмуидир.

Компьютерли лойиҳалашнинг асосий вазифаси – объект ва унинг таркибий қисмларини лойиҳалашни автоматлаштирилган тарзда бажаришдир [5].

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ахборот-коммуникацион тайёргарлигини компьютерли лойиҳалашни воситалари асосида такомиллаштиришни моделлаштиришнинг концептуал асоси сифатида биз модели-компетенциявий ёндашувни ва унинг самарадорлигини оширувчи мантикий-ахборот ёндашувларини танладик.

Касб таълимида модели-компетенциявий ёндашув ўқув жараёнини ташкил этиш модели бўлиб, бунда таълимнинг асосий мақсади бўлажак мутахассисларда касбий компетенцияларни шакллантиришдан иборат бўлади. Унга эришиш воситаси сифатида эса, касб таълимининг модели тузилмаси ва мазмунидан фойдаланилади.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ахборот-коммуникацион тайёргарлигини компьютерли лойиҳалаш воситалари асосида

такомиллаштириш жараёни модели ишлаб чиқилди.

Касб таълими ўқитувчиларининг ахборот-коммуникацион тайёргарлигини компьютерли лойиҳалаш воситалари асосида такомиллаштириш жараёни модели қуйидаги компонентларни ўз ичига олади: мотивацион-кадриятий, мазмуний, фаолиятий-бошқарув, рефлексив-натижавий. Ҳар бир компонент ўзининг мақсади, вазифалари, мазмунига эга бўлиб, таълим жараёнида муайян усуллар ва воситалардан фойдаланишни назарда тутди.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ахборот-коммуникацион тайёргарлигини компьютерли лойиҳалаш воситалари асосида такомиллаштириш жараёнининг *мотивацион-кадриятий* компоненти таълим олувчининг шахсий ижодий имкониятини жорий этишга тайёргарлиги механизмини шакллантиради, касбий фаолиятида ахборот-коммуникацион технологияларни қўллашга интилиши ва эҳтиёжини рағбатлантиради.

*Мазмуний компонент* “Гуманитар ва табиий-илмий фанлар” блокадаги “Техник тизимларда ахборот технологиялари”, “Умум-касбий фанлар” блокадаги “Компьютерли лойиҳалаш”, “Ихтисослик фанлари” блокадаги “Ер усти транспорт тизимларини автоматик лойиҳалаш” ўқув фанлари материалларига таянган ҳолда, “Компьютерли лойиҳалаш” ўқув фанини ўқитишнинг стандарт мазмунини қайта қуриш ва унга тегишли тузатишлар киритишни кўзда тутди.

Таълим мазмуни деганда бўлажак касб

таълими ўқитувчилари талабалар ўқув жараёнида ўзлаштирадиган илмий билимлар, амалий кўникма ва малакалар, касбий ва ахборот-коммуникацион компетенциялар тизими, шунингдек дунёқараш ва ахлоқий-эстетик ғоялар тизими тушунилади [4].

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ахборот-коммуникацион тайёргарлигини компьютерли лойиҳалаш воситалари асосида такомиллаштириш жараёни моделининг рефлексив-натижавий компоненти талабаларнинг ўз-ўзини баҳолашини, ўз-ўзини ва ўзаро бир-бирларининг ўқув фаолиятини таҳлил этишни (касбий фаолият соҳасида ўзининг ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш имкониятларини ва қобилиятни баҳолаш, фаолияти натижаларини бошқа талабаларнинг баҳолаши); аниқ шароитда мақсадни қўйиш, вазифа ва меъёрларни белгилаш ва уларни амалга ошириш самарадорлигини мувофиқ тарзда баҳолаш, қилинган ишларнинг моҳият-мазмуни, натижасини, методлар, ахборот-коммуникация воситалари ва дастурий маҳсулотларнинг тўғрилигини танланганлигини тушунишни қамраб олади.

“Компьютерли лойиҳалаш” ўқув фани фанлараро моделини ўрганишда бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ахборот-коммуникацион тайёргарлигини компьютерли лойиҳалаш воситалари асосида такомиллаштириш жараёни самарадорлигини таъминлаш мақсадида модели-компетентли ўқув-методик таъминотни ишлаб чиқилиб, ундан фаол фойдаланилади.



#### Фойдаланилган адабиётлар:



1. Едренкина М.В. Профессионально-ориентированная подготовка будущих учителей технологии в процессе решения задач по общетехническим дисциплинам. [Текст]: дис...канд.пед. наук:/13.00.02. Москва, 2005.- 179с.
2. Салаватова С.С. Интенсификация подготовки учителя в педвузе на основе сближения учебной и будущей профессиональной деятельности, дис. ...канд. пед. наук: 13.00.08 / Казань 1991. – 182 с.
3. Федулова М.А. Формирование специальной компетенции будущих педагогов профессионального обучения: автореф. дисс. ... канд. пед. наук: 13.00.08 / – Екатеринбург. – 2008. -32 с.
4. Khakimov J.O. Documenting procedures for implementing the process of project teachers to computer projects. International Journal of Advanced Science and Technology (Scopus). Vol. 28, No. 20, (2019), pp. 881-889.
5. Хакимов Ж.О. Бўлажак ўқитувчиларни компьютерли лойиҳалашга тайёрлаш жараёни моделини жорий этишнинг дидактик шарт-шароитлари. Муғаллим ҳам ўзлуксиз билимлендириў. – Нукус, 2019. -№4, 38-45 б.

## ОНЛАЙН-ОБУЧЕНИЕ КАК ФАКТОР МОДЕРНИЗАЦИИ ОБРАЗОВАНИЯ

Ф.Р.БАКИЕВА, Н.Д.МИРЗАХМЕДОВА, А.А.ПРИМКУЛОВА  
преподаватели ТГПУ имени Низами

**Аннотация.** В статье подчеркивается важность и эффективность онлайн образования в деятельности высших учебных заведений и его значение в развитии системы образования страны, цель, содержание, методы онлайн обучения, средства обучения и процесс онлайн обучения интерактивного общения преподавателей с использованием интернет-технологий.

**Ключевые слова:** онлайн обучение, телекоммуникационные средства, международные информационные сети, аудио и видео уроки, онлайн уроки, электронные библиотеки, мультимедийные электронные учебники.

**Annotation.** The article emphasizes the importance of online education in the activities of higher education institutions and its importance in the development of the country's educational system, the purpose, content, methods of distance learning, teaching tools and the process of distance learning interactive communication of instructors using Internet technology.

**Key words:** online learning, telecommunication means, international information networks, audio and video tutorials, online lessons, electronic libraries, multimedia electronic textbooks.

**Аннотация.** Мақолада олий таълим муассасалари фаолиятида онлайн таълим ва унинг мамлакатимиз таълим тизимини ривожлантиришдаги аҳамияти ва самарадорлиги, онлайн таълимнинг мақсади, мазмуни, услублари, ўқитиш воситалари ва интернет технологияси ёрдамида таълим олувчилар ва ўқитувчининг масофадан туриб интерфаол мулоқот қилиш жараёни масалалари ёритилган.

**Калит сўзлар:** онлайн таълим, масофавий таълим, телекоммуникация воситалари, халқаро ахборот тармоқлари, аудио ва видео дарсликлар, онлайн дарслар (Интернет саҳифа), электрон кутубхоналар, мультимедиа электрон дарсликлар.

В последние годы были предприняты определенные усилия для полной поддержки молодежи нашей страны, защиты ее прав и интересов. Союз молодежи Узбекистана, созданный 30 июня 2017 года, объединяет потребности и желания молодежи. В этом процессе поучителен закон «О государственной молодежной политике в Узбекистане».

На видеоконференции, проводимой под руководством главы нашего государства, внимание к нашей молодежи, их участие в культуре, искусстве, физической культуре и спорте, формирование навыков использования информационных технологий у молодежи, вопросы развития читательской деятельности, повышения уровня занятости женщин.

Стоит отметить, что пришло время показать, что духовный иммунитет наших молодых людей и их смысл значимо. По этому, пять крупных инициатив, выдвинутых Президентом, имеют важное значение.

Безусловно, глава государства выдвинул пять важных инициатив на основе новой системы работы в социальной, духовной и образовательной сферах.

*Первая инициатива* продвигает интерес молодежи к музыке, живописи, литературе, театру и другим видам искусства, раскрывая их таланты.

*Вторая инициатива* направлена на создание необходимых условий для физической подготовки молодых людей, их способности демонстрировать свой спор-

тивный потенциал.

*Третья инициатива* направлена на организацию эффективного использования компьютерных технологий и Интернета среди молодежи и молодежи.

*Четвертая инициатива* была направлена на организацию систематической работы, чтобы повысить способность молодых людей расширять свою аудиторию.

*Пятая инициатива* касается вопросов занятости женщин<sup>1</sup>.

Особое внимание было уделено защите молодых людей от вредоносных интернет-атак и их эффективному использованию информационных технологий, дистанционным и онлайн обучением.

Сегодня развитие быстро меняется и развивается. Почти каждую минуту происходят изменения, обновления и неожиданные события в разных частях планеты. Каждый день проходит под сильным потоком новостей. Информационный поток переносит нас домой, на работу и в организацию. Вообще, люди не могут нормально функционировать. Понимание и изучение жизни происходит посредством сбора и получения информации. Уровень человеческих знаний определяется большей или меньшей степенью информации, получаемой человеком за определенный период времени. Вот почему современный доступ к современным знаниям стал сегодня требованием для эффективного использования новых информационных технологий в улучшении преподавания. «Национальная программа по обучению персонала» и Закон Республики Узбекистан «Об образовании» также возлагают на нас ответственность.

В то же время в системе образования происходят значительные изменения. В частности, дистанционное обучение явля-

ется новой формой заочного чтения. Онлайн обучение является независимым и повышает способность человека самостоятельно мыслить, оценивать ситуацию, делать выводы и прогнозы. Еще одним преимуществом дистанционного обучения является то, что учащиеся могут получать информацию в нужное время и даже на работе. Благодаря своим преимуществам, эта система сейчас широко доступна по всему миру. Этот метод используется для улучшения или изменения навыков многих крупных предприятий, экономя миллионы долларов в год<sup>2</sup>.

Онлайн обучение – это обучение, при котором все или большая часть учебных процедур осуществляется с использованием современных информационных и телекоммуникационных технологий при территориальной разобщенности преподавателя и студентов. Проблемы, связанные с применением информационных технологий в образовательном процессе, в том числе и дистанционном обучении в той или иной степени нашли отражение в трудах современных исследователей.

Онлайн образование – образование, реализуемое посредством онлайн обучения. Характерными чертами онлайн образования являются:

Гибкость – обучаемые в системе онлайн образования работают в удобном месте и в удобном темпе, в удобное для себя время, где каждый может учиться столько, сколько ему лично необходимо для освоения предмета и получения необходимых экзаменов по выбранным курсам;

Модульность – каждый курс создает целостное представление об определенной предметной области, что позволяет формировать учебную программу по индивидуальным и групповым потребно-

<sup>1</sup> Пять важных инициатив по повышению духовности молодежи и осмысленной организации их досуга видеоселектр проведенный 2019 год 19 марта.

<sup>2</sup> Доклад на расширенном заседании Кабинета Министров, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2015 году и важнейшим приоритетам экономической программы на 2016 год. 15 января 2016.

стям; преподаватель в дистанционном обучении – это координатор познавательной деятельности обучающегося и менеджер его учебного процесса.

В связи с реалиями сегодняшнего дня актуальность онлайн обучение заключается в том, что результаты общественного прогресса, сегодня концентрируются в информационной сфере. В настоящее время наступила эра информатики. Этап её развития в данный момент можно характеризовать как телекоммуникационный. Эта область общения, информации и знаний. Исходя из того, что профессиональные знания стареют очень быстро, необходимо их непрерывное совершенствование. Дистанционная форма обучения дает сегодня возможность создания систем массового непрерывного самообучения, всеобщего обмена информацией, независимо от наличия временных и пространственных поясов<sup>3</sup>.

Технология онлайн обучения – это совокупность коммуникационных инструментов, форм и методов в процессе идентификации независимой, но контролируемой информации с этим человеком. Основная его часть – телекоммуникационное оборудование и средства связи.

Они используются для проведения следующих тренингов:

- важные, необходимые учебно-методические материалы;
- обратная связь между учителем и учеником;
- обмен управляемой информацией в системе онлайн обучения;
- доступ к международным информационным сетям, а также подключение к зарубежным пользователям в системе онлайн обучения<sup>4</sup>.

Одной из форм непрерывного обра-

зования является обеспечение права человека на образование и создание равных возможностей для обучающихся на добровольной территории страны. Этот тип образования также предоставляет человеку базовое или дополнительное образование, не нарушая его/ее работу. Кроме того, онлайн обучение имеет следующую социальную значимость выполняет следующие задачи:

- повысить уровень грамотности общества и качество образования;
- удовлетворенность населения образовательными услугами;
- удовлетворенность квалифицированных специалистов страны и другие.

Система онлайн образования играет особую роль в развитии следующих процессов для системы образования нашей страны:

- продолжение реформ в образовании;
- формирование образовательных технологий населения;
- проведение изменений, способствующих развитию международных отношений;
- появление и быстрое развитие новых, высококачественных технических инструментов для обмена информацией между участниками учебного процесса;
- международная интеграция в сфере образования<sup>5</sup>.

Преимущество онлайн обучения для стажеров состоит в том, что они не систематически участвуют в лекциях и семинарах в этой системе, и они легко доступны при их удобстве, расположении и комфорте. Каждый может прочитать столько, сколько ему нужно, чтобы овладеть нау-

3 Атабаева К. Р. Таълим тизимида масофавий ўқитишнинг афзалликлари // Молодой ученый. – 2017. – №24.1. – С. 5-7. – URL <https://moluch.ru/archive/158/44573/> (дата обращения: 23.11.2019).

4 «Подготовка и проведение учебных курсов в заочно-дистанционной форме обучения» Методические рекомендации преподавателям. Изд-во СПбГТУ, 2000 Под редакцией профессора И.А. ЦИКИНА.

5 А.А.Абдукадиров. Масофали уқитиш назарияси ва амалиёти. монография / А.А.Абдукадиров, А.Х.Пардаев; ред. М.Содиқова. – Т.: Ўзбекистон республикаси фанлар Академияси "ФАН" нашриёти, 2009. – 145 с



кой и пройти необходимые тесты по выбранному курсу.

Учебная программа онлайн обучения основана на учебной программе утвержденной Министерством народного образования, как и в традиционном обучении<sup>6</sup>.

Контроль знаний, навыков и умений, приобретенных слушателями, осуществляется в соответствии с временными рамками и сроками, указанными в таблице учебного процесса.

Форма промежуточных, итоговых и итоговых работ официального контроля. Однако, в зависимости от хода процесса, разрешается применять ежедневный, текущий и другие виды контроля при условии, что сеть контролируется.

Поддерживается временный контроль над процессом обучения (в основном в рамках сетевого теста, но он также может поддерживаться в сеансовых сессиях), и для каждого учащегося в сети отслеживаются и контролируются ученики.

В случае учебного процесса проводятся контактные сессии, где организуются практические и лабораторные семинары и предоставляются консультации.

В конце тренинга те, кто успешно прошел промежуточный контроль, назначаются на окончательный контроль. За исключением итогового контроля, желательно представить дипломное исследование (через сеть презентаций). Это также включает предоставление соответствующей документации слушателям по окончании курса.

Таким образом, внедрение онлайн обучения создаст единое информационное пространство в области образования и предоставит учащимся возможность эффективно обмениваться информацией, эффективно использовать материальные и технические ресурсы образовательных учреждений, а также будет способствовать беспристрастной оценке образования учащихся и эффективности их образования<sup>7</sup>.



#### Используемая литература:



1. А.А.Абдукадиров. Масофали укитиш назарияси ва амалиёти. монография / А.А.Абдукадиров, А.Х.Пардаев; ред. М.Содикова. – Т.: Узбекистон республикаси фанлар Академияси "ФАН" нашриёти, 2009. – 145 с
2. Р.К.Атабаева. Таълим тизимида масофавий ўқитишнинг афзалликлари // Молодой ученый. – 2017. – №24.1. – С. 5-7. – URL <https://moluch.ru/archive/158/44573/> (дата обращения: 23.11.2019).
3. Доклад на расширенном заседании Кабинета Министров, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2015 году и важнейшим приоритетам экономической программы на 2016 год. 15 января 2016.
4. Пять важных инициатив по повышению духовности молодежи и осмысленной организации их досуга видеоселектр проведенный 2019 год 19 марта.
5. А.А.Хасанов, F.N.Mirjamolova Access To Electronic Educational Resources In The Education System // European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. Vol. 7 No. 12, 2019. P.442-445.
6. «Подготовка и проведение учебных курсов в заочно-дистанционной форме обучения» Методические рекомендации преподавателям. Изд-во СПбГТУ, 2000 Под редакцией профессора И.А.ЦИКИНА.
7. Интернет ресурсы: <http://www.mext.go.jp/>, [books@bmbf.bund.de](mailto:books@bmbf.bund.de).

<sup>6</sup> Использована информация Министерства информационных технологий и связи Республики Узбекистан.

<sup>7</sup> Интернет ресурсы: <http://www.mext.go.jp/>, [books@bmbf.bund.de](mailto:books@bmbf.bund.de).

## ЯНГИ АВЛОД ДАРСЛИКЛАРИНИ ЯРАТИШДА ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИНИ УЙЎНЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРЪЛИГИ (“Материаллар қаршилиги” ва “Техник механика” фанлари мисолида)

А.НАБИЕВ

Тошкент кимё-технология институти профессори в.б., техника фанлари номзоди

**Аннотация.** Анъанавий ва шахсга йўналтирилган таълим модуллари қиёсий тасвирланиб, илм-фаннинг кўчкисимон ривожини ҳамда илмий-техникавий ахборотларнинг шиддат билан жадал ўсиши ва тез-тез янгиланиши баробарида ўқув адабиётлари янги авлодини такомиллаштиришда педагоглар фаолиятига қўйилаётган замонавий талаблар баён этилмоқда.

**Калит сўзлар:** таълим технологияси, таълим модуллари, дарс модели, шахсга йўналтирилган технология, дидактика.

**Аннотация.** На основе сравнения традиционных и индивидуально ориентированных учебных модулей, с учетом скачкообразного развития науки, стремительного развития и быстрого обновления научно-технической информации излагаются современные требования, предъявляемые к педагогическим кадрам при создании учебников нового поколения.

**Ключевые слова:** образовательная технология, учебные модули, модель урока, ориентированная на личность технология, дидактика.

**Annotation.** This article describes the traditional and individual-oriented learning modules as well as the rapid development of science and rapid development and frequent upgrading of scientific and technical information, as well as the modern requirements for pedagogical staff of continuous education.

**Key words:** educational technology, training modules, lesson model, personality-oriented technology, didactics.

“Материаллар қаршилиги” ва “Техник механика” фанларининг муҳандислик амалиётидаги мавқеини инобатга олган ҳолда таълим технологиясининг ўзига хос яхлит тизими модулдан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Ушбу яхлит тизим модули аввало таълим берувчи ва таълим олувчи шахсларнинг фаолияти, таълим мақсадининг нечоғли тўғри белгиланганлиги, ўқув машғулотида қўйиладиган дидактик талаблар мазмуни ҳамда таълим методлари танланиши каби омилларга узвий боғлиқдир.

Хусусан, таълим мақсади ўқув дастурида қатъий белгиланган бўлиб, таълим-тарбия жараёнлари охирида кутилаётган натижаларда ўз аксини топади: таълим олувчи томонидан ўзлаштирилиши зарур бўлган билимлар, амалий топшириқларни урдалай олиш маҳорати билан аниқланади. Таълим мақсадига эришилган ёки эришилмаганлик таълимнинг ички ва ташқи назорати орқали аниқланади. Шунингдек, таълим мақсадларининг умумлашган тавсифи асосан таълим жараёнининг

тармоқ таълим стандартларида ўз аксини топган бўлади. Агар таълим мақсадини фикран бир доира деб изоҳласак, у диалектик боғланишдаги учта: таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи секторлардан иборат бўлади. Қачонки дарснинг мақсади аниқ бўлсагина унга эришиш учун аниқ вазифалар қўйилади. Ўз навбатида ушбу вазифаларни бажаришда уларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, фойдаланиладиган дидактик воситалар ва таълим методлари танланади.

Ўз навбатида таълим мазмунини аниқлаш, уни фан дастури, ДТС талаблари меъёрига мослаш, билимларни ўзлаштириш баробарида таълим олувчиларда кўникма, малака ва компетенцияни шакллантириш, таълим мазмунидан келиб чиқиб, унга мос услуб, усул ва методларни ҳамда таълим воситаларини тўғри танлаш, натижаларга муваффақиятли эришиш йўлида зарурий муҳит яратиш аҳамиятлидир. Ушбу дидактик талабларни беками-кўст амалга ошириш эса таълим берувчидан дидактик қобилият талаб

этади.

Таълим берувчининг дидактик воситалар ёрдамида таълим олувчиларга кўрсатган тизимли (тартибланган, ўзаро узвий боғланган) таъсирини шак-шубҳасиз, ижтимоий ҳодиса педагогик технология дейилиб, у таълим олувчилар шахсига йўналтирилган, демократик ҳамда таълим жараёнини лойиҳалаш, амалга ошириш ва баҳолашнинг тизимли, кафолатли методидир. Таълим технологияси – педагогик технологиянинг илмий жиҳатини белгилаб, у таълим моделларини оптималлаштириш мақсадида инсон ва техника ресурслари, уларнинг динамик боғлиқлигини кўзда тутган ҳолда таълим жараёнини тизимли яратиш, амалда қўллаш ва аниқлашдир.

Авторитар (анъанавий) дарс ўтиш модели муайян муддатга мўлжалланган, таълим-тарбия жараёнлари кўпроқ педагог шахсига қаратилган, янги мавзуга кириш (мақсадни тушунтириш ва қизиқиш уйғотиш – мотивация), янги мавзунини ёритиш (ўқув-билув материалларини кетма-кет, изчил, узвийлик ва мантикий боғлиқликни сақлаган ҳолда кўргазмалар тарзда тегишли услуб-методларни қўллаган ҳолда баён этиш), мавзунини мустақамлаш (назарий билимларни тегишли машқ-масалалар ечимини олишга тадбиқ этиш), яқунлаш ва баҳолаш ҳамда мустақил таълим доирасида уйга топшириқ-вазифалар бериш сингари асосий босқичлардан иборат таълим моделидир. Мазкур моделда кўпроқ маъруза, савол-жавоб, амалий машқ-масалалар ечиш каби услуб-методлардан фойдаланилади. Ушбу моделда дарснинг мақсади аниқ бўлсада, топшириқлар ёки топшириқлар мажмуаси асосан намунавий - олдиндан алгоритми белгиланган тарзда таълим олувчиларга ҳавола этилади. Таълим олувчиларнинг билим олишга қаратилган фаолияти педагогик таъсир остида бўлиб, таълим “гўёки” мажбурий тарзда амалга оширилади. Бошқача айтганда, ахборотлар узатилиши пассив бўлиб, таълим олувчиларнинг мустақил ҳолда танқидий-мантикий

фикрлай олишлари чекланади.

Шахсга йўналтирилган (ноанъанавий) таълим технологияларнинг мазмун-моҳиятларида асосан моделлаштириш, ҳамкорликдаги фаолият ва ўрганишнинг тадқиқот моделлари етакчи ўрин тутиб, асосан уларда ўқувчи-талаба шахси педагогик жараён марказига қўйилади, унинг ривожланиши ва табиий имкониятларини рўёбга чиқариш кабиларга қулай шарт-шароитлар яратилади. Шу боис, янги авлод дарсликларини яратиш технологияларини такомиллаштиришда мазкур моделларга таяниш мақсадга мувофиқдир.

Моделлаштириш – ҳақиқий (реал) ҳаётда ва жамиятда юз бераётган воқеа-ҳодиса ва жараёнларни ихчамлаштирилган, соддалаштирилган ва амалда фойдаланишга қулайроқ кўринишларда шартли тасвирлаш моделини ўқув-лаборатория хоналарида яратиш ва уларда таълим олувчилар шахсан қатнашишлари ва фаолият юритишлари баробарида таълим олишларини кўзда тутувчи методдир. Одатда, моделлаштирилган дарс ёки таълим жараёни асосан таълим мақсадларини белгилаш, жараёнга тайёргарлик кўриш, машқ (ўйин)ларни ўтказиш, натижаларни таҳлилий ўрганиш босқичларидан иборат бўлади. “Материаллар қаршилиги” фанини ўрганиш баробарида ҳамда унинг барча ечим ва хулосаларини олишда қандайдир деформацияланувчи қаттиқ жисмлар моделига таянилади: жисм материали яхлит (ғоваксиз), бир жинсли, изотроп, кучланиш ва деформациялар эса чизикли боғланишда, деб фарз қилинади ҳамда шу асосда мазкур фаннинг тадқиқот мавзуи ўрганилади.

Ҳамкорликдаги фаолият модели – ўқувчи ёки талабаларнинг мустақил гуруҳларда ишлашлари эвазига таълим-тарбия олишларини кўзда тутувчи методдир. Ҳамкорликда ўрганишнинг маъноси “таълим берувчи-таълим олувчи” диалогидан воз кечиб, “таълим берувчи-гуруҳ-таълим олувчи” кўринишидаги уч томонлама ўзаро муносабатларга ўтишдан иборатдир. Мазкур усул қўлланилганда, энг аввало таълим олувчиларнинг ўза-

ро фикр алмашиш доирасида мулоқотлар қилишлари, шунингдек ҳамкорликда фаолият юритишлари, ўзаро боғлиқ муносабатларда масъулиятни ҳис этишлари баробарида мотивацияни кучайтиради.

Ўрганишнинг тадқиқот моделини амалиётга жорий этишдан асосий мақсад мустақил фикрлайдиган, зарурий ҳолларда қатъий қарорлар қабул қила оладиган ва аниқ билим олишга мақсадли йўналтирилган шахсларни шакллантиришдан иборатдир. Шу боис, бундай ёндашув турли олимпиадалар, конкурс-танловлар ва амалий-илмий изланишлар олиб бораётган таълим олувчиларга қўл келади.

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, ўқув-билув материаллари янги ва анча мураккаб бўлганда анъанавий дарс ўтиш моделини қўллаш ҳам етарли самара беради. Масалан, “Материаллар қаршилиги” ва “Техник механика” фанларидан ҳали нотаниш бўлган янги ўқув-билув материаллари (теоремаларни исботлаш, формула ва тенгламаларни келтириб чиқариш, ички зўриқишларнинг эпюраларини қуриш ҳамда уларнинг алгоритмларини текшириш ва математик-механик жиҳатлардан асослаш каби)ани анъанавий тарзда маъруза дарсларида ўқувчи-талабалар ҳукмига ҳавола қилиш, ўтилган материалларни такрорлаш ёки мустаҳкамлаш кабилар самарали натижалар бермоқда.

Бундан техника таълим йўналишлари учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишда фойдаланиш кўзда тутилаётган қўйидаги муҳим хулосалар келиб чиқади.

Биринчидан, тегишли боб (модуль) ёки мавзуларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда анъанавий дарс ўтиш моделига ҳам таяниб, уни замонавийлаштириш, яъни таълим жараёнини оқилона ташкил қилиш баробарида таълимнинг дидактик ва техник воситаларидан фойдаланиш самардорлигини оширишга интилиш лозим. Иккинчидан эса, айниқса “Материаллар қаршилиги” фани дарслигидаги сингари конструкция

қисмларининг баъзи тадқиқот мавзуларини ёритишда, шунингдек, айрим ҳодиса-жараёнларнинг физик-механик-технологик моҳиятларини кенгроқ очишда, ҳисобий формулаларни келтириб чиқариш жараёнида янги, аксарият таълим олувчилар ҳали мустақил ҳал эта олмайдиган анча мураккаб муаммоли вазиятларда анъанавий ва ноанъанавий таълим моделларини уйғунлаштириш тамойилига таянган ҳолда дарслик материалларини шакллантириш ва амалиётга қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

“Материаллар қаршилиги” ва “Техник механика” фанлари мисолида анъанавий ва ноанъанавий дарс ўтиш моделлари қиёсий тасвирланиб, тегишлича уларнинг афзаллик ва камчиликлари қиёсий таҳлил қилинганда, иккала ҳолатда ҳам таълим берувчи ва замонавий дарсликлар яратувчи шахс – педагогнинг ўрни ғоят муҳимлиги илмий асосланган.

Муаллиф ўзининг кўп йиллик илмий-педагогик тажрибаларига таяниб, қўйидагилар алоҳида эътиборга моликлигини асослайди: биринчидан, узлуксиз таълим тизимида қўлланилаётган ўқитишнинг авторитар ва шахсга йўналтирилган технологияларини алоҳида – алоҳида, иккинчидан анъанавий дарс ўтиш моделини сақлаб қолган ҳолда мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда уни замонавийлаштириш, фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш, учинчидан эса кези келганда, яъни ўқув-билув материаллари анча мураккаб ва таълим олувчиларга ҳали мутлоқ нотаниш бўлган ҳолларда албатта иккала таълим методларини уйғунлаштириш тамойилига қатъий таянган ҳолда таълим-тарбия жараёнларини амалга ошириш зарурдир.

Табииyki, бундай мураккаб жараёнларни талаб даражасида ташкил этиш ва амалга ошириш педагог зиммасига катта масъулият юклайди. Шунга кўра, замонавий педагог тушунчасини янги таҳрирда қўйидагича таърифлаш таклиф этилмоқда:

Замонавий педагог – келажак бунёд-

кори, таълим-тарбия жараёнларида инновацион педагогик технологиялар, назариялар, концепциялар, ўқув адабиётлари янги авлодининг муаллифи – яратувчиси (ёхуд уларни ДТС талаблари доирасида тўлақонли таълим олувчиларга ҳавола эта олувчи), илмий-педагогик тадқиқотчи, фойдаланувчи, тарғиботчи, назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлашга йўналтирилган таълим-тарбия бера олувчи ҳамда энг муҳими Давлат таълим стандартлари талаблари асосида таълим олувчиларни ўқитишдан уларга таълим-тарбия бериш жараёнларига ўтишларини тўлақонли таъминловчи малакали, рақобатга қодир юксак педагогик ва касбий маҳоратларга эга зиёли шахс. Шунингдек, замонавий таълим-тарбия жараёнларида илмий-педагогик салоҳияти юқори, ижодкор, фидойи, юксак маданият ва маърифат соҳибби, малакавий жиҳатдан ўз касбига муносиб ва садоқатли, адолатли, меҳнатсевар, меҳнат фаолиятига ижтимоий мослашувчан ёки бир сўз билан айтганда ғоят юксак компетентли шахс замонавий педагог мақомига эга бўла олади.

Шу ўринда механика соҳасида жаҳонга машҳур педагог-олим А.П.Минаковнинг “Ҳар бир профессор таълим-тарбия жараёнларида “Олим, Файласуф, Санъаткор, Тарбиячи, Инсон” – деган бешта касбий ва шахсий сифатлари билан ўрнатилган бўлишлари зарур”лиги юзасидан билдирган сермазмун илмий-педагогик қарашларини эслаш аҳамиятлидир [1].

Замонавий дарсликлар яратиш технологияларини такомиллаштиришда гўёки механиканинг “Олтин қондаси”га қиёслаш мумкин бўлган қуйидаги талабларни ҳам инобатга олиш мақсадга мувофиқдир:

- таълим берувчи томонидан қўйилган таълим мақсадининг белгиланиши ва

унга таълим олувчининг мақсадни англаши тўлақонли мослашиб, шу асосида ҳамкорликдаги фаолиятларнинг бекам-кўст ижроси таъминланса, кафолатли натижага эришилади;

- борди-ю, таълим мақсадини белгилашда ёки уни англашда хатолик ва камчиликларга дуч келинса, иккала томон ҳам ҳамкорликдаги фаолиятни ҳарчанд тўлақонли юритишга интилмасин, барибир кафолатли натижага эришилмайди;
- агар таълим мақсадини белгилашда ва уни англаб етишда камчилик ва хатоликлар мавжуд бўлмаса, лекин таълим берувчи ёки таълим олувчилардан би-рортаси ёки иккаласининг ҳам мақсадни амалга ошириш йўлида тўлақонли фаолият юритмаслик ҳоллари кузатилганда ҳам, табиийки кафолатли натижа қўлга киритилмайди.

Булардан ягона хулоса шуки, таълим-тарбия бериш жараёнларида кафолатли натижаларга эришилмадимми, албатта қайтадан таълим мақсадини белгилаш ёки ҳамкорлик фаолиятларини амалга ошириш жараёнларига тегишли тузатиш-ўзгартиришлар киритиш ҳамда жараённи кафолатли натижаларга эришилмагунга қадар давом эттириш зарур ва етарлидир.

Аниқроғи, шахсга йўналтирилган таълим технологияси мақсадининг асл мазмун-моҳияти ҳам шунга қаратилганлигини назарда тутиб, муаллиф томонидан янги таҳрирда таърифланаётган замонавий педагоглар узлуксиз таълим тизимида таълим методларини уйғунлаштириш баробарида ўқув адабиётлари янги авлодини яратиш технологияларини такомиллаштиришда: “Мақсад – жараён (восита) – натижа” кўринишдаги таълимий-тарбиявий яхлит учликни албатта инобатга олишлари лозимдир [2].

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Космодемьянский А.А. Теоретическая механика и современная техника. Издание 2-е, дополненное. – М.: “Просвещение”, 1975. –248 с.
2. Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар (назария ва амалиёт). – Т.: Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси “Молия” нашриёти, 2003. –172 б.

## НИЗОЛИ ВАЗИЯТЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА РАҲБАР ВА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

З.К.ИСМАИЛОВА

ТИҚХММИ “Педагогика ва психология ўқитиш методикаси” кафедраси

муdiri, п.ф.д., профессор

М.Х.БАЙБАЕВА

А.Авлоний номидаги ХТТРМХҚТМОИ “Педагогика психология”

кафедраси доценти п.ф.н.

**Аннотация.** Ушбу мақолада таълим муассасаларида низоли вазиятларни ҳал этишда раҳбар ва педагог кадрларнинг касбий тайёргарлиги юқори даражада бўлиши, уларда касбий маҳоратнинг ривожланиши, замонавий педагогик ва ахборот - коммуникация технологияларини, соҳага оид илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш ва қўллаш кўникма, малакасини пухта ўзлаштириш, касбий компетентликни ривожлантириш жараёнлари самарадорлигига таъсир этувчи омилларнинг когнитив таҳлиллар ҳақида маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** низо, раҳбар, педагог кадр, тўқнашув, касбий компетентлик, механизм.

**Аннотация.** В данной статье представлена информация о механизмах развития профессиональной компетентности руководителей и преподавателей в разрешении конфликтов в образовательных учреждениях, а также развитие профессиональных навыков, освоение и применение современных педагогических и информационно-коммуникационных технологий, передовой зарубежной опыт в данной области, развитие профессиональной компетентности, данные о когнитивном анализе факторов, влияющих на эффективность процессов.

**Ключевые слова:** конфликт, руководитель, педагогический состав, профессиональная компетентность, механизм.

**Annotation.** This article provides information on the mechanisms of improving the professional competence of managers and teachers in solving conflict situations in educational institutions. A high level of professional training for senior and teaching staff on conflict resolution in educational institutions, the development of professional skills, the development and application of modern teaching and information and communication technologies, advanced foreign experience in this field, the development of professional competence. data on a cognitive analysis of factors affecting the efficiency of processes.

**Key words:** conflict, head, teaching staff, professional competence, mechanism.

Глобаллашув ва фан-техниканинг жадал ривожланиши таълим муассасаларида раҳбар ва педагог кадрларнинг замон талаблари ва касбий-инновацияларга нисбатан тезкор мослашишини талаб қилмоқда. Барқарор касбий ривожланишни таъминловчи зарурий педагогик шарт-шароитлардан бири раҳбар ва педагог кадрларнинг шахсий ва касбий такомиллашувига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг мезон қийматини аниқлаш муҳим масала ҳисобланади. Хусусан, таълим муассасаларида низоли вазиятларни ҳал этишда раҳбар ва педагог кадрларнинг касбий тайёргарлиги юқори даражада бўлиши, уларда касбий маҳорат-

нинг ривожланиши, замонавий педагогик ва ахборот – коммуникация технологияларини, соҳага оид илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш ва қўллаш кўникма, малакасини пухта ўзлаштириш, бир сўз билан айтганда касбий компетентликни ривожлантириш жараёнлари самарадорлигига таъсир этувчи омилларнинг когнитив таҳлилини талаб этади.

Низоли вазиятларни ҳал этишда касбий компетентликни ривожлантириш мазмуни ва архитектураси(мажмуавий тузилма)ни шакллантиришга нисбатан қуйидаги ёндашувлар мавжудлиги аниқланди: блок-даражали ёндашув, яъни касбий ком-

петентлик мазмунини ўқув режасидаги фан блоклари доирасида ўзлаштириладиган ва фаолиятнинг асосий йўналишлари мазмунини ифодаловчи таянч, умумкасбий, махсус-предметли компетенциялар тарзида типологиялаш; функционал ёндашув фаолият соҳаси ва лавозим доирасидаги касбий вазифаларни компетенциялар тизими асосида лойиҳалаштириш; мутахассиснинг аниқ меҳнат шароитларига тезкор ва низоли вазиятларсиз мослашишига хизмат қилувчи компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган индивидуал-психологик ёндашув. Таълим муассасаларида низоли вазиятларни ҳал этишда раҳбар ва педагог кадрларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг андрагогик, акмеологик ва метакогнитив омиллари таснифланади.

Маълумки, метакогнитив омиллар бу мутахассиснинг касбий билим, кўникма ва компетенциялари асосида янги билимларни ўзлаштириш, ўз-ўзини касбий ривожлантириш учун асос бўлувчи омиллар мажмуи саналади.

Эмпирик таҳлиллар шуни кўрсатадики, раҳбар ва педагог кадрларнинг низоли вазиятларни ҳал этишда касбий компетентлигини ривожлантириш мотивлари қуйидагиларда акс этади:

1. Умумий ижтимоий қизиқиш, ижтимоий норма ва кўрсатмалар мазмунини англашдан иборат бўлади. Масалан, касбий фаолият талабларига мос келиш учун, иш ўрнини сақлаб қолиш ва жамият ҳаётида иштирок этиш, узлуксиз таълим олиш зарурлигига ишониш фан-техника тараққиётида самарали қатнашишга интилиш ва бошқалар.

2. Илмий билиш мотивлари билишнинг мазмунига муносабатда ифодаланади. Масалан, фаннинг назарий муаммоларига қизиқиш, янги билиш жараёнига интилиш, илмий унвон ва даражаларга эга бўлиш ва бошқалар.

3. Касб мотивлари. Касбий компетентликни ривожлантиришнинг асоси ҳисобла-

нади. Масалан, касбнинг мазмуни, ижодий имкониятини баҳолаш ва бошқалар.

4. Ўз-ўзини тасдиқлаш мотивлари ўзининг қобилиятлари, лаёқати ва интилишини англашда намоён бўлади.

5. Шахсий мотивлар ва шахсий муваффақият мотивлари. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, ўз-ўзини тасдиқлаш мотивлари ва илмий билиш мотивлари катта ёшлар таълимидаги асосий ўқув мотивларидир.

Бундан кўринадики, агар метакогнитив омиллар низоли вазиятларни ҳал этишда раҳбар ва педагог кадрларнинг касбий компетентлигини ва касбий ўз-ўзини тизимли ривожлантириб боришига таъсир этувчи омиллар мажмуи экан, бунда мотивацион, мустақил ўз-ўзини касбий ривожлантиришнинг ички омиллари, шунингдек ижтимоий ва фаолиятли омилларни ўз ичига қамраб олувчи акмеологик омил ҳамда мутахассиснинг ёш хусусиятлари ва нейролингвистик йўналиш билан боғлиқ андрагогик омил ҳамда метакогнитив омиллар билан бир қаторда педагог кадрларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнларини такомиллаштиришга таъсир этади.

Қадимги юнонларда “акме ҳолатида” бўлиш “энг юқори поғонада бўлиш”ни билдирган. Шунинг учун ҳам қадимги юнон доксографлари (таниқли философларнинг айтганларини ёзиб юривчи муаллифлар) буюк шахсларнинг ҳаётларини тасвирлаганларида уларнинг ҳаётларини боши ва охирларини эмас, балки буюк ютуқларга эришган даврларини мадҳ этганлар.

Ушбу таъриф доирасида шахснинг ривожланиши энг умумий шаклда инсоннинг янги ижтимоий муҳитга кириши ва унга интеграциялашуви жараёни сифатида қаралади.

Ушбу жараённинг учта асосий босқичлари қуйидагича изоҳланади:

- мослашувчанлик фазаси (мавжуд қиймат ва меъёрларнинг ассимиляциясини ва тегишли воситалар ва фаолият услубларини ўзлаштиришни назарда тутати);

- индивидуализация босқичи (зиддиятнинг ҳосиласи сифатида, «ҳар кимга ўхшаш» бўлиши ва орқа фондан ажралиш истаги);
- интеграциялашув босқичи (ўзига хос хусусиятлар ва хилма-хиллик билан намоён бўлиш орзуси, шунингдек, жами-

ятни индивидуал қабул қилишга бўлган эҳтиёжи билан боғлиқлик сифатида).

Шундай экан, низоли вазиятларни ҳал этишда раҳбар ва педагог кадрлар касбий компетентлиги қуйидаги акмеологик омилларга эътибор бериш муҳим саналади.

Маълумки, низоли вазиятларни ҳал

*1-жадвал. Низоли вазиятларни ҳал этишда раҳбар ва педагог кадрлар касбий компетентлигини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари*

<b>Ёшга оид жиҳат</b>	Қобилият ва имкониятлар нишонларини педология (болалар ва ўсмирларни ўрганади), катта ёшдагилар (жумладан талабалар ва профессионаллар) андрогикаси ва геронтология (меҳнат фахрийлари) воситалари ёрдамида аввалдан аниқлашга йўналтирилган.
<b>Таълимга оид жиҳат</b>	Умумий, касбий ва узлуксиз таълим тизимда билим ва кўникмаларни кўра билиш ва ривожлантиришга йўналтирилган.
<b>Касбий жиҳат</b>	Аниқ фаолият тури бўйича касбий фаолиятни амалга ошириш имкониятлари ва натижаларини касбий тайёргарликни, меҳнатнинг ушбу турига бўлган психологик тайёргарликни ва жараён ва унинг натижалари учун ижтимоий жавобгарлик даражасини аниқлаш орқали аниқлаш билан боғлиқ.
<b>Креатив жиҳат</b>	Сарфланаётган кучланишлар ва уларни касбий маҳорат, уни моҳирлик даражасига қадар такомиллаштириш ва ижод жараёнида олинган инновацияларнинг ижтимоий аҳамиятини баҳолашнинг рефлексив-инновацион имкониятини аниқлаш ёрдамида амалга ошириш муваффақиятини белгилаб беради.
<b>Рефлексив жиҳат</b>	Мутахассис шахсининг ривожланган “Мен” сифатида ўзини англаши ва меҳнат фаолияти жараёнидаги мулоқотдаги шеригини тушуниши, инсоннинг касбий маҳоратини оширишнинг ажратиб кўрсатилган акмеологик жиҳатларининг энг мақбул ўзаро муносабатларини таъминловчи, тизим ҳосил қилувчи омил.

этишда раҳбар ва педагог кадрларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнларидан ҳар бир субъект ўз мақсадини кўзлайди. Бу борада педагог кадрлар касбий компетентлигини ривожланишига таъсир этувчи омилларни таҳлил этар эканмиз уларни икки тоифага ажратишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- шахснинг касбий фаолият мотивацияси ва ўз-ўзини касбий ривожлантириш мақсадларига йўналтирилган ички омиллар – мотивацион, ижтимоий, когнитив, андрагогик ҳамда акмеологик омиллар;
- педагог кадрларни узлуксиз малакасини оширишга қўйиладиган

Низоли вазиятларни ҳал этишда раҳбар ва педагог кадрлар касбий компетентлигини

ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришда мазкур омиллар ўз таъсирини кўрсатади.

Яна бир муҳим жиҳат бу – педагог кадрларнинг касбий тайёргарлигига қўйиладиган малака талабларининг иш берувчиларнинг талабларига мос келиш даражаси. таълим муассасалари раҳбар кадрлари, яъни иш берувчилар ўртасида мутахассисларнинг зарурий компетенциялар тизимини баҳолашда асосий эътиборни мулоқотчанлик, мослашувчанлик, креативлик, тадқиқотчилик, рефлексив кўникмаларнинг ривожланганлиги, ўз-ўзини касбий ривожлантириш мотивациясининг мавжудлиги билан боғлиқ компетенцияларга алоҳида эътибор қаратилганлиги аҳамиятлидир. Бу эса, ўз навбатида педагог кадрларнинг касбий тайёргарлиги



мазмуни, билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган малака талабларида мазкур жиҳатларни алоҳида эътиборга олиш заруратини юзага келтиради.

Таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг низоли вазиятларни ҳал этишда касбий компетентлигини лойиҳалаштириш жараёнларида касбий фаолият самарадорлигининг қуйидаги кўрсаткичларини эътиборга олиш мақсадга мувофиқи эканлиги тасдиқланди:

### **1. Натижавий кўрсаткичлар:**

- мақсадга мувофиқлик, натижаларнинг дастлабки мақсадларга мослиги, самарадорлик;
- маҳсулдорлик, касбий фаолиятни ўзгартиришда намоён бўладиган натижалар;
- тежамкорлик, манбалар, вақт ва ишчи кучидан минимал даражада фойдаланиш;
- қулайлик, мазкур шароитда энг яхши натижаларга эришиш учун минимал даражада вақт ва куч сарф қилиш;
- илғор тажрибаларга мос келадиган фаолият усуллари ўзлаштириш ва натижаларга эришиш;
- янги вазифалар қўйиш, ностандарт технологияларни топиш, умуман янги маҳсулот яратиш, шаклланган тажрибалардан четга чиқиш, касбий ижод, янгиликлар яратиш.

### **2. Жараёнга хос кўрсаткичлар:**

- касбий фаолият вазифаларининг тури-туманлиги;
- ижтимоий талабларга мослашувчан, ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялардан фойдаланиш;
- касбий фаолият субъектининг шаклланганлиги (мақсад қўя олиш, фаолият талабларини англаш, фаолиятни бошқара олиши);
- касбий фаолиятда деформацияларнинг мавжуд эмаслиги;
- мавжуд тажрибаларга асосланиш ва ўзининг шахсий тажрибасига эга бўлиш;

- аниқ фаолият турларини эгаллаш, ихтисослашув;
- бир неча оралиқ фаолият турларини эгаллаш ( универсаллик);
- ихтисослик талабларига мос келадиган билим, кўникма ва компетенцияларни эгаллаш.

### **3. Касбий мулоқотнинг ривожланганлик кўрсаткичлари:**

- ҳамкорликда, жамоа бўлиб бажариладиган касбий фаолият самарадорлигининг ошиши;
- “жамоа” бўлиб бажариладиган иш усуллари эгаллаш, юқори даражада маҳсулдор касбий фаолиятнинг мавжудлиги;
- янги касбий муҳит, ишга оид ва ижодий мулоқотни лойиҳалаш;
- ҳамкорликдаги меҳнат фаолиятида ўзаро билиш, ўзаро тушуниш, бир-бирини тузатиш;
- жамоани шакллантириш, гуруҳда ишлаш, лойиҳаларни бошқариш;
- коммуникатив техниканинг кўплаб турларидан фойдаланиш;
- ҳамкасблар билан низоларсиз ҳамкорлик қилиш, конфликтларни бошқариш;
- истеъмолчилар эҳтиёжлари ва касбий фаолият натижаларини ҳисобга олиш;
- касбий фаолиятда ижобий психологик муҳитни таъминлаш, иштирокчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятдан ўзаро қониқишига эришиш;
- касбий этика, меъёр ва мулоқот тилига риоя қилиш, корпоратив маданиятнинг ривожланганлиги.

### **4. Етук мутахассис шахсининг кўрсаткичлари:**

- мазкур касбнинг ахлоқий қадриятлари ва менталитетини тушуниш;
- шахсий касбий тажрибасини тўплаш ва таҳлил қилиш;
- ўз касбининг устаси сифатида намоён эта олиш, касбий ривожланиши учун энг қулай траекторияни ташкил эта олиш;
- ўз имкониятларидан максимал даража-

да фойдалана олиш ва компенсация қилиш (ўрнини тўлдириш);

- касбий фаолиятда кишининг имкониятларига мос келувчи, касбий топширик ва фаолият усулларини бирлаштирувчи индивидуал услубни шакллантириш;
- ўзини ўзи бошқариш, эмоционал барқарорлик;
- ўз имкониятлари ва слоҳиятини тўғри режалаштириш, ортиқча зўриқишларнинг олдини олиш;
- касбий фаолиятга ижобий муносабат ва ундан тўлиқ қониқиш ҳосил қилишни таъминлаш;
- ҳар бир янги имкониятни касбий такомиллашувга сафарбар этиш, фойдаланилмаган имкониятлар учун масъулиятни ҳис қилиш, инновацияларга нисбатан очиқлик [5].

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар асосида низоли вазиятларни ҳал этишда раҳбар ва педагог кадрларнинг касбий етуқлиги куйидаги шаклларда намоён бўлиши мумкин:

1. Касб билан боғлиқ маънавий қадрият

тизимини тушуниш.

2. Тажриба орттириш ва шахсий тажрибани таҳлил қилиш.

3. Намунавий мутахассиснинг адекват моделини қабул қилиш ва унга ўхшаш учун ўз устида ишлашга интилиш.

4. Олдинга қўйилган мақсадга эришиш учун шахсий куч ва ресурсларни максимал даражада сафарбар этиш.

5. Меҳнатдан қониқиш ҳиссининг пайдо бўлиши.

6. Ўз-ўзини ривожлантиришга интилиш.

7. Шаҳс хулқида бузилишларнинг мавжуд эмаслиги.

8. Шаҳс организми ва психикасининг функционал имкониятлари ва уларнинг касбий талабларга мувофиқлик даражаси ҳақида тасаввурларга эга бўлиш ва бошқалар.

Келтирилган барча тамойиллар низоли вазиятларни ҳал этишда раҳбар ва педагог кадрлар касбий компетентлигини ривожлантириш самарадорлигини таъминлашнинг муҳим шарти сифатида намоён бўлади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. // Халқ сўзи, 2017 йил 15 январь.
2. Мирсолиева М.Т. Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш. Монография. – Тошкент, «Фан ва технологиялар», 2019. – 120 б.
3. Муслимов Н., Абдуллаева Қ., М., Касбий компетентликни шакллантириш технологиялари. Монография. Т.: «Фан ва технологиялар» нашриёти, 2011. – 252 б.
4. Кудрявцева Е.И. Компетенция и менеджмент: компетенции в менеджменте, компетенции менеджеров, менеджмент компетенции. Санк Петербург, 2012-340 с.
5. Ричард Э. Бояцис. Компетентный менеджер: модель для эффективной работы. Нью-Йорк.:1982 г.
6. Jumaev R.Z. Konfliktologiya asoslari, asosiy tushuncha va tamoyillari. Ukuv kullanma. 2015.
7. Z.Xujaniyozova, M.Dusmetova, D.Nafasov “Pedagogik konfliktologiya” (O’quv uslubiy qo’llanma) Urganch – 2015 yil
8. M.Axmedova “Pedagogik konfliktologiya” O’quv qo’llanma T 2016y  
Elektron ta’lim resurslari:
  1. [www.gov.uz](http://www.gov.uz).
  2. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
  3. [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)
  4. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
  5. [www.literatur.u](http://www.literatur.u)

# МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИДА МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШ

Д.Р.РАХМАТУЛЛАЕВА

ПИКХТБПКҚТ ва УМОИ доценти (в.б.), PhD.

Н.Б.ЮСУПОВ

ПИКХТБПКҚТ ва УМОИ мустақил тадқиқотчиси

**Аннотация.** Ушбу мақолада малака ошириш тизимида масофавий ўқитишнинг мақсади, уни ташкил этиш ва амалга ошириш механизмлари, тьютор ва унинг вазифалари келтирилган.

**Калит сўзлар:** масофавий ўқитиш, масофавий таълим, масофавий малака ошириш, тьютор, чат машғулотлар, веб-машғулотлар, телеконференциялар, телемаърузалар, видеомашғулотлар.

**Аннотация.** В данной статье описывается цель дистанционного обучения в системе повышения квалификации, механизмы его создания и реализации, тьютор и его функции.

**Ключевые слова:** дистанционное обучение, дистанционное образование, тьютор, сеансы чата, веб-классы, телеконференции, видеоконференции, видеолекции.

**Annotation.** This article describes the purpose of distance learning in the continuing education system, the mechanisms for its creation and implementation, the tutor and its functions.

**Key words:** distance learning, distance education, tutor, chat sessions, web classes, newsgroups, video conferencing, video lectures.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”-ги фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг Ижтимоий соҳани ривожлантириш номли тўртинчи устувор йўналишида таълим сифатини яхшилашга, таълим тизимида замонавий технологиялардан фойдаланиш масалаларига кенг эътибор қаратилган [1].

Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари воситаларини таълим жараёнига кириб келиши анъанавий ўқитиш усуллариغا қўшимча равишда янги ўқитиш шакли – масофавий ўқитиш шаклининг яратилишига омил бўлмоқда.

Масофавий ўқитиш – масофадан туриб ўқув ахборотлари билан алмашув воситалари (йўлдошли телевидения, радио, компьютер алоқаси ва ҳ.к) га таянган ихтисослаштирилган ахборот муҳити ёрдамида аҳолининг кенг қатламларига тақдим этиладиган таълим хизматлари мажмуидир.

Масофавий ўқитиш – ахборот технологиясидан фойдаланган ҳолда, масофадан туриб, ўқув ахборотларининг алмашувини таъминлайдиган, ўқув жараёнини олиб бориш ҳамда

бошқариш тизимини амалга оширадиган билан ва кўникмаларни эгаллаш жараёнидир.

“Масофавий таълим тизимининг анъанавий таълим шаклидан фарқи, унинг эгилувчанлигига боғлиқ равишда юқори ҳаракатчанлиги, тингловчиларнинг мустақил ишлаш имкониятининг катталиги, ўқув-методик таъминотнинг ранг-баранг шаклдалиги бўлиб, улар тингловчиларнинг қаердалигидан қатъий назар таълим жараёнининг самарадорлигини кўтаришга имкон беради” деб ҳисоблайди А.А.Абдуқодиров [2].

Масофавий таълимда таълим олувчи ва ўқитувчи фазовий бир-биридан ажралган ҳолда ўзаро махсус яратилган ўқув курслари, назорат шакллари, электрон алоқа ва интернетнинг бошқа технологиялари ёрдамида доимий мулоқотда бўладилар. Интернет технологиясини қўллашга асосланган масофавий ўқитиш жаҳон ахборот таълим тармоғига кириш имконини беради.

Масофавий ўқитишни жорий этиш барча таълим олиш истаги бўлганларга ўз малакасини узлуксиз ошириш имконини яратади. Бундай ўқитиш жараёнида таълим олувчи интерактив режимда мустақил ўқув-услубий материалларни ўзлаштиради, назоратдан ўтади, ўқитувчининг бевосита раҳбарлигида назорат ишларини бажаради ва гуруҳдаги бошқа «вертикал ўқув гуруҳи» таълим олув-

чилари билан мулоқотда бўлади.

Масофадан ўқитишнинг энг афзал томонларидан бири, бу тингловчининг ўзи учун қулай пайтда таълим олиши мумкинлигидир. Тингловчи бу тизимдан иш фаолиятдан ажралмаган ҳолда фойдаланиш имкониятига эга эканлиги боис, бу унинг иш фаолиятига таъсир кўрсатмайди. Бундан ташқари, тингловчининг моддий тарафдан сарф-харажатлари анчага тежаллади.

Таҳлил натижасида масофавий малака ошириш жараёнининг таркибий қисмлари ҳисобланган малака ошириш мақсадлари, мазмуни, методлари, шакллари, воситалари, таълим берувчи (тьютор), тингловчи (ўрганувчи), баҳолашни қуйидагича таърифлаш мумкин.

Масофавий малака ошириш – тингловчиларнинг иш жойидан ажралмаган ҳолда Давлат талабларига мувофиқ равишда керакли соҳалар бўйича мунтазам равишда билим, кўникма, малакалар ва компетенцияларини такомиллаштиришдан иборат [3].

Масофавий малака оширишда таълим берувчи вазифасининг ўзига хослиги туфайли “**тьютор**” деб аталади.

**Тьютор** – масофавий малака ошириш курсини ўзлаштириш бўйича ўрганувчини қўллаб-қувватловчи маслаҳатчидир. Тьютор – маслаҳат берувчи, ўрганувчиларни қўллаб-қувватловчи таълим бериш субъекти ҳисобланади. Масофавий малака оширишда тьютордан катта маъсулият талаб этилади. Ўқув мақсадига эришишни таъминлаш учун тьютордан технологик, ташкилий ва ижтимоий-психологик имкониятларни намоён эта олиш қобилияти талаб этилади.

Масофали ўқитиш, ўқув жараёнини анаънавий ташкил этишнинг асосий шакллари ўз ичига олади. Маъруза, семинар ва амалий машғулотлар, лаборатория амалиёти, назорат тизими, тингловчиларнинг илмий тадқиқот ва мустақил ишлар шулар жумласидандир. Ўқув жараёнини ташкил этишнинг ушбу барча шакллари амалиётда тингловчиларни мустақил билиш фаолиятини турли ахборот манбалари билан осонгина бирлаштиришни,

курс олиб бораётган ўқитувчи ёки тьютор билан тезкор ва тизимли алоқа қилиш ҳамда тингловчиларнинг гуруҳ бўлиб, ишларни амалга ошириш имкониятини беради.

Компьютер телекоммуникациялари ёрдамида амалга ошириладиган масофадан ўқитиш қуйидагича машғулотлар шаклларига эга:

**Чат машғулотлар** – чат технологияларидан фойдаланиб амалга ошириладиган ўқув машғулотлари. Чат машғулотлар синхрон тарзда ўтказилади, яъни барча иштирокчилар чатга бир пайтда қира олиш имконига эга. Кўпинча масофадан ўқитиш ўқув муассасалари доирасида чат-мактаб амал қилади, унда чат-кабинетлар ёрдамида масофадан ўқитиш педагоглари ва таълим олувчиларнинг фаолияти ташкил этилади.

**Веб-машғулотлар** – телекоммуникация воситалари ёрдамида ва интернет тармоғи имкониятларидан фойдаланиб ўтказиладиган масофадан дарс бериш, конференциялар, семинарлар, ишчан ўйинлар, лаборатория ишлари, амалиётлар ва ўқув машғулотларининг бошқа шакллари.

Веб-машғулотлар учун ихтисослаштирилган таълим веб-форумлар фойдаланувчиларнинг маълум бир мавзу ёки муаммо бўйича сайтларнинг бирида унга ўрнатилган тегишли дастур билан қолдирилган ёзувлар ёрдамида ишлаш шакли.

Веб-форумлари чат-машғулотлардан узоқ вақт (бир неча кун) ишлаш ва ўқувчилар ҳамда педагогларнинг ўзаро алоқаларининг асинхрон хусусияти билан фарқ қилади.

**Телеконференциялар** – одатда электрон почтадан фойдаланилган ҳолда тарқатиш рўйхатлари асосида ўтказилади. Ўқув телеконференциялари таълим масалалари моҳиятига етишнинг ўзига хослигидир.

**Телемаърузалар** – ўқув муассасаси таълим контентини (видео – маъруза, тест-синовлари, интерактив маслаҳатлар ва бошқ.) космик телепортация орқали йўлдошларга узатиш, у ердан эса жамоавий кириш пунктларига ҳам, уйда яқка тартибда шуғулланувчи таълим олувчилар ҳамда йўлдош антенна-

ларига узатиш.

Булардан ташқари масофадан ўқитишнинг бошқа шакллари ҳам мавжуд бўлиб, унда ўқув материаллари ҳудудларга почталар орқали жўнатилади.

**Маърузалар.** Дастлабки билимларни эгаллашга қаратилган ўқитишнинг асосий ташкилий шаклини маъруза ташкил этади. Маърузанинг бош вазифаси – ўқитишнинг назарий асосини таъминлаш, ўқув фаолиятига қизиқишни ривожлантириш ва аниқ ўқув предмети бўйича ўқувчиларда курс устида мустақил ишлаш учун йўналишларни шакллантиришдан иборат. Анъанавий маъруза нафақат ахборотни етказиш, балки ўқитувчининг ўқувчиларга уларни билиш фаоллигини оширувчи эмоционал таъсир услуги сифатида ҳам маълум устунликка эга. Бу ўқитувчининг педагогик маҳорати, унинг юқори нутқ маданияти ва нотиклик санъати ҳисобига эришилади. Маъруза ўқиш мобайнида ўқитувчи аудитория психологиясини, ўқувчиларнинг қабул қилиш қонунияти, диққати, фикрлаши ва эмоционал жараёнларни инобатга олсагина юқори самарадорликка эришилади.

**Видеомаърузалар.** Бу ҳолда ўқитувчи маърузаси видеотасмага ёзилади. Уни чизиксиз монтаж усулида мультимедиа илова-лар, кўргазмали воситалар билан тўлдириш мумкин. Бундай тўлдиришлар маъруза мазмунини нафақат бойитади, балки уни баён қилишнинг жонлироқ ва тингловчилар учун қизиқарлироқ бўлишини таъминлайди. Материални баён қилишнинг бундай усули бевосита маърузанинг кадр-қимматини оширади, шунингдек, ўзига қулай вақтда энг қийин жойларини қайта мурожаат қилиш йўли билан эшитиш имкониятини беради. Видеомаърузалар ўқув марказларига видеокассеталар ёки компакт дискларда етказилиши мумкин.

**Мультимедиа маърузалар.** Маъруза материаллари устида мустақил ишлаш мобайнида ўқувчилар интерфаол компьютер ўқитиш дастуридан фойдаланадилар. Бундай ўқитиш дастурлари мультимедиа воситаларидан фойдаланиш ҳисобига шундай яратиладики, ҳар бир ўқувчи ундаги ўқув матери-

алларни қабул қилишнинг психофизиологик хусусиятларига максимал мос келадиган мақбул йўли (тракторияси)ни, курс устида ишлаш даражасини ва ўрганиш усулини танлаш имкониятини берадиган ўқув қўлланмадан иборат бўлади. Бундай дастурлардан фойдаланишда таълим самарадорлиги нафақат мазмун ва дўстона ўқитувчи-ўқувчи мулоқоти (интерфейс) ҳисобига, балки ундаги ўқувчиларнинг назарий ўқув материалларини ўзлаштириш даражасини баҳолаш имкониятини берадиган (масалан, тест олувчи) дастуридан фойдаланиш ҳисобига ҳам эришилади.

**Амалий машғулотлар.** Амалий машғулотлар фанни чуқурроқ ўрганиш учун мўлжалланган. Ушбу машғулотларда назарий материалларни фикрлаш, шахсий нуқтаи назарини ифода этиш кўникмалари шаклланади, касбий фаолият малакалари ҳосил қилинади. Амалий машғулотларни ўтказишнинг турли шаклларида, хусусан: чет тилини ўрганиш бўйича машғулот, физика-математика ва тиббиёт фанлари бўйича масалаларни ечиш, семинарлар, лаборатория амалиётларидан масофали ўқитишда ҳам фойдаланиш мумкин.

**Лаборатория ишлари** ўқувчиларнинг илмий – тадқиқот фаолияти жараёнида назарий – методологик билимлари ва амалий кўникмаларни бирлаштириш имкониятини беради.

Масофали ўқитишда лаборатория ишларини бевосита филиалларда ҳудудий ОТМ материаллари омборидан ва ходимлар салоҳиятидан фойдаланган ҳолда ўқитувчилар билан ёки тьюторларнинг раҳбарлигида ўтказиш мақсадга мувофиқ.

**Семинар машғулотлар.** Ўқув фаолиятини ташкил этишнинг асосий шаклларида бири семинар машғулотлари бўлиб, у тингловчиларга ўқув ва илмий материалларни ўрганишда тадқиқий ёндашувни шакллантиришга имкон беради. Семинарларнинг асосий мақсади курснинг энг мураккаб бўлган мавзуларни муҳокама қилиш, уларни методологик ва услубий ишлаб чиқишдан иборат.



## РАЗВИТИЕ ИНФОРМАЦИОННОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ПРЕПОДАВАТЕЛЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО КОЛЛЕДЖА В УСЛОВИЯХ ИНФОКОММУНИКАЦИОННОЙ СРЕДЫ

Д.Э.ЛИ

Директор Ташкентского профессионального колледжа информационных технологий

**Аннотация.** В данной статье рассматривается значение и понятие информационной компетентности педагога профессионального колледжа, а также понятие инфокоммуникационной среды.

**Ключевые слова:** информационные технологии, коммуникационные технологии, педагог профессионального образования, инфокоммуникационная среда.

**Annotation.** This article discusses the meaning and concept of information competence of a teacher in a professional college as well as the concept of an information and communication environment.

**Key words:** information technology, communication technology, vocational education teacher, information and communication environment.

На сегодняшний день система профессионального образования Узбекистана приводится в соответствие с запросами общества, переходящего к новому этапу своего развития – информационному. Непрерывная развитие информационной компетентности преподавателя актуализировано развитием глобальной сети Интернет, внедрение в образовательный процесс информационных и коммуникативных технологий.

В Своём Послании к Сенату и Законодательной палате Олий Мажлиса президент Ш. Мирзиёев отметил что то в современном мире цифровые технологии играют решающую роль во всех сферах. В 2019 году в Международном индексе по развитию информационно-коммуникационных технологий Узбекистан улучшил свои позиции на восемь пунктов, однако все равно отстает от других государств. Известно, что цифровые технологии не только повышают качество продукции и услуг, снижают расходы, но и являются эффективным инструментом в борьбе с коррупцией – самой серьезной проблемой, которая меня очень беспокоит",

– подчеркнул президент, напомнив, что внедрение цифровых технологий способствует эффективности государственного и общественного управления, развитию социальной сферы» что в свою очередь подчёркивает актуальность развития информационной компетентности преподавателя профессионального колледжа в условиях инфокоммуникационной среды.

Изменения, происходящие в Узбекистане, тесно связаны с быстрым внедрением новых и тем более – передовых технологий, что, в свою очередь, требует подготовки высококвалифицированных специалистов. В Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан уделено особое внимание вопросам «...совершенствования работы учащихся профессиональных колледжей по обучению и трудоустройству в сферах рыночной экономики и потребностей работодателей» именно поэтому большое значение имеет то чтобы педагог профессионального колледжа владел высоким уровнем информационной компетентности, ИК – одна из ключевых компетентностей преподавателя колледжа, имеющая объективную и субъектив-

ную стороны. Объективная сторона выражается в требованиях, которые социум предъявляет к профессиональной деятельности современного преподавателя профессионального колледжа. Субъективная сторона ИК определяется через индивидуальность педагога, его профессиональную деятельность, особенность мотивации в совершенствовании и развитии педагогического мастерства.

Формирование ИК предполагает:

- освоение знаний и умений из области информатики и информационно-коммуникационных технологий;
- развитие коммуникативных способностей;
- умение ориентироваться в информационном пространстве, анализировать информацию.

В составе ИК можно выделить четыре составляющие:

- мотивационную – наличие мотива достижения цели, готовность и интерес к работе, постановка и осознание целей информационной деятельности;
- когнитивную – наличие знаний, умений и способности применять их в профессиональной деятельности, анализировать, классифицировать и систематизировать программные средства;
- операционно-деятельностную, которая демонстрирует эффективность и продуктивность информационной деятельности, применение информационных технологий на практике;
- рефлексивную, обеспечивающую готовность к поиску решения возникающих проблем, их творческому преобразованию на основе анализа своей профессиональной деятельности. Развитие информационной компетентности педагога профессионального колледжа является важной составляющей

его профессионализма. Системное, целостное представление об информационной компетентности, выделение ее структуры, обоснование критериев, функций и уровней ее сформированности позволяет целенаправленно и эффективно организовать учебный процесс в рамках образовательной деятельности, повысить уровень предметно-специальных знаний, принимать эффективные решения в учебной работе. Современная инфокоммуникационная среда – это зона интерактивных взаимоотношений и диалогического общения субъектов образования друг с другом и с информационным ресурсом. Информационная деятельность, организуемая в данной среде, состоит в интерпретации, систематизации, критической оценке и анализе полученной информации с позиций решаемой педагогической задачи, в использовании полученной информации при планировании и реализации учебной деятельности, в структурировании и представлении информации в различных формах и на различных носителях, адекватных запросам обучения.

Информационная компетентность педагога профессионального колледжа рассматривается как некоторый сравнительно новый, но быстро набирающий вес элемент профессиональной компетентности специалиста образования. Информационная компетентность педагога – это умение целенаправленно работать с информацией и способность использовать информационные и коммуникационные технологии для получения, обработки и передачи ее различными средствами и методами.

В мировой образовательной практике понятие компетентности выступает в качестве центрального, своего рода «узлово-



го», понятия: компетентность,

- во-первых, объединяет в себе интеллектуальную и деятельностную составляющую образования;
- во-вторых, в понятии компетентности заложена идеология интерпретации содержания образования, формируемого «от результата» (ср. «стандарт на выходе», out-put);
- в-третьих, ключевая компетентность обладает интегративной природой, ибо она вбирает в себя ряд однородных или близкородственных умений и знаний, релевантных относительно широкой сфере культуры и деятельности (информационной, правовой и пр.)

Развитие информационной компетентности педагога в инфокоммуникационной среде отражает сущность и структуру ИКП и включение его в среду. Педагог, входя в инфокоммуникационную среду, проходит три этапа: мотивационно-диагностический, содержательно-технологический, практико-прикладной. В ходе мотивационно-диагностического этапа у педагога формируются ценностные профессионально-личностные установки, направленные на процесс совершенствования, и выбор роли в среде. На втором этапе происходит освоение педагогом индивидуальной образовательной программы совершенствования информационной компетентности в зависимости от ролей (зарегистриро-

ванный, автор, редактор, публикатор, менеджер, администратор). Применение освоенных педагогом информационных компетенций в соответствии с выбранной системой самосовершенствования реализуется на третьем этапе и предполагает решение групп практико-ориентированных задач.

Инфокоммуникационная среда, организованная в сети Интернет, на web-сайте, представлена как совокупность субъектов информационного взаимодействия или воздействия; собственно информации, предназначенной для использования субъектами информационной среды; информационной инфраструктуры, обеспечивающей возможность осуществления обмена информацией между субъектами; отношений, складывающихся в связи с формированием, передачей, распространением и хранением информации.

Однако большая часть педагогов профессионального образования не осознает необходимости в повышении уровня своей информационной культуры. Часть же педагогов убеждены в необходимости обучения.

Таким образом, можно подвести итог что вопрос совершенствования информационной культуры и компетентности педагога профессионального колледжа является весьма актуальным и требует дальнейшего изучения.



**Используемая литература:**



1. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлиссу- Ташкент. Узбекистан, 2020 г.
2. K. Olimov, Z. Tukhtayeva. Integration of educational programs of professional and special disciplines in the system of higher education. -International Conference Scientific Researches For Development Future: February 28, 2019 y
3. Гавриленко Е.Р. Педагогические условия управления повышением квалификации преподавателей колледжа: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Ростов-на-Дону, 2002. – 25 с.
4. Гудкова Т.А. Формирование информационной компетенции будущего учителя информатики в процессе обучения в ВУЗе: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Чита, 2007. – 22 с.

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ ВА МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ФАНИ БЎЙИЧА МУЛЬТИМЕДИАЛИ ЎРГАТУВЧИ МАЖМУАЛАР ЯРАТИШ

О.А.ҲАМИДОВ

Жиззах политехника институти “Касб таълими” кафедраси ассистенти

**Аннотация.** Мақолада олий таълим муассасаларида талабаларни самарали касбий фаолиятга тайёрлашга имкон берувчи ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси фани бўйича мультимедиали ўргатувчи мажмуалар учун ўқув материалларини танлаш масаласининг педагогик жиҳатлари қаралган. Шунингдек, бўлажак муҳандисларда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси соҳасига оид компетенцияларни шакллантириш, назарий билимларни ўзлаштириш, амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш имкониятлари очиб берилган.

**Калит сўзлар:** ўқув материал мазмуни, уйғунлик, илмийлик, компонентлик, мультимедиали ўргатувчи мажмуа.

**Аннотация.** В статье рассмотрены педагогические аспекты задачи выбора учебного материала для мультимедийного обучающего комплекса по предмету безопасности жизнедеятельности и охрана труда обеспечивающего подготовку к эффективной профессиональной деятельности студентов в высших учебных заведениях. А также раскрывается формирование компетенций в области безопасность жизнедеятельности охраны труда, усвоение теоретических знаний, формирование умений и навыков.

**Ключевые слова:** содержание учебного материала, гармоничность, научность, компетентность, мультимедийный обучающий комплекс.

**Annotation.** The article discusses the pedagogical aspects of the task of choosing educational material for a multimedia teaching complex on the subject of life safety and labor protection, which provides training for effective professional activities of students in higher educational institutions. It also reveals the formation of competencies in the field of life safety of labor protection, the assimilation of theoretical knowledge, the formation of skills.

**Key words:** the content of the educational material, harmony, scientific, competence, multimedia teaching complex.

Бугунги кунда республикамизда таълим тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали унинг самарадорлигини ошириш бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, “Электрон таълим” миллий жараёни барпо этилди. У мустақил таълим олишга йўналтирилган бўлиб, ўқитиш жараёнида ўқитувчининг шахсан иштирок этишга зарурият қолмайди, таълим олувчилар барча топшириқларни мустақил бажаришга, ўқув жараёнини такомиллаштиришга имконият яратилади.

Ўқув жараёнида кафолатланган натижага эришиш эса машғулотларда ахборот-коммуникация технологиялардан самарали фойдаланишни кўзда тутати. Ўқув машғулотларини самарали ташкил этишда

компьютернинг дастурий воситалари асосида яратилган ўқув-услубий материаллар ва электрон ўқув адабиётлардан (электрон дарслик, электрон ўқув қўлланма ва бошқалар) фойдаланишдан асосий мақсад замонавий ахборот-таълим муҳитини шакллантириш, ахборот-педагогик ва компьютер технологияларини қўллаш орқали таълим жараёнининг самарадорлиги, сифати ва унумдорлигини ошириш, таълимнинг масофадан ўқитиш усулларини амалда жорий этиш ва умумжаҳон электрон ўқув тизимига киришидан иборат.

Ана шуларни эътиборга олган ҳолда ушбу ишда техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида ўқитиш кўзда тутилган ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси фани бўйича мультимедиали ўрга-

тувчи мажмуа масаласи қаралган.

Мультимедиали ўргатувчи мажмуа – бу таълим олувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг ахборот – методик воситаси бўлиб, у ўз ичига аниқ таълимий вазифаларни ҳал қилиш учун турли кўринишдаги (видео маъруза, махсус видеороликлар ва бошқалар) ўзаро бир-бирига боғлиқ ахборотлар иштирок этадиган мустақил ва янгиладиган интерфаол нашрларни олади.

Техника олий таълим муассасаларида ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси фани бўйича яратиладиган мультимедиали ўргатувчи мажмуа эса олий таълим муассасаларида талабаларни бўлажак касбий фаолиятга тайёрлашнинг ахборот – методик воситаси сифатида қўйидаги асослар бўйича таснифланиши мумкин:

1) тизимлаштирилган назарий билимларни ўз ичига оладиган ҳамда талабаларда умуммаданий ва касбий компетенцияларни шакллантириш мақсадида фан ўқув дастурларида кўзда тутилган ва эгалланиш лозим бўлган фаолият турларини белгиладиган ўқув-назарий мультимедияли ўргатувчи мажмуалар. Улар дарслик, ўқув қўлланма, маърузалар курси, алоҳида маърузалар каби кўринишларда тақдим этилиши мумкин;

2) алоҳида мезонлар бўйича тартибланган ва интерфаол шаклда баён этилган, шунингдек мантиқийлик ва баённинг изчиллиги билан фарқланувчи ахборотни ўз ичига оладиган ўқув-амалий мультимедиали ўргатувчи мажмуа. Бундай мажмуалар, практикумлар, масала ва машқлар тўплами, альбомлар, атласлар ва бошқа кўринишида тақдим этилиши мумкин;

3) ўқув фанини мустақил ўрганиш учун тартибланган ўқув материалларини, интерфаол шаклда баён этиладиган билимларни мустаҳкамлаш методикасини ўз ичига оладиган ўқув-методик мультимедиали ўргатувчи мажмуалар. Ушбу турдаги мультимедияли ўргатувчи мажмуа услубий тавсиялар, ўқув-маълумотномали нашрлар, атамалар луғатлари, ўқув-библиографик маълумотно-

малар каби кўринишларда тақдим этилиши мумкин;

Талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида юқорида қайд этилган мультимедиали ўргатувчи мажмуалар қўйидаги дидактик функцияларни бажаради; касбий тайёрлаш жараёни мазмунига зарурий назарий ва амалий билимларни ўзида акс эттирадиган информатив; ўқув материални интерфаол шаклга ўтказишни таъминловчи ва аудиториядан ташқари вақтда касбий тайёрлаш жараёнини амалга ошириш имконини берадиган трансформатив; ўқув материални адекват мажмуавий қабул қилиш учун уни тузилмалаштириш имконини берувчи интегратив; касбий тайёрлаш жараёнини самарали бошқаришни таъминловчи ташкилий – рағбатлантирувчи; жорий ва якуний назоратни ташкил этишни кўзда тутовчи назорат-коррекцион; талабаларда илмий дунёқарашни шакллантиришга имкон берувчи аксиологик; назарий материални баён этишнинг юқори даражаси ҳамда талабаларда тадқиқотчилик фаолиятга оид кўникма ва малакаларни шакллантиришни таъминловчи тадқиқотчилик; талабаларни касбий тайёрлашда ахборот-методик восита сифатида фойдаланиш имконини берадиган мустақил билим олиш.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси фани бўйича мультимедиали ўргатувчи мажмуа таркибига киритиладиган ўқув материални мазмунини танлаб олиш компонентлик ва илмийлик ҳамда уйғунлик (релевантлик) тамойиллари асосида амалга оширилди.

Компонентлик тамойили ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси фанини ўқитиш жараёнида умумий ва касбий компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган ва у нафақат давлат таълим стандартлари, балки ишлаб чиқаришни ривожлантириш стратегиясининг ташкил этувчиларидан бири сифатида, уни қайта қуриш ҳисобига модернизациялаш билан шартланган.

Техника олий таълим муассасаларида тайёрланаётган бўлажак муҳандисларда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси соҳасига оид компетенцияларни шакллантириш, назарий билимларни ўзлаштириш, амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришни, шунингдек ишлаб чиқаришда рўй бериши мумкин бўлган турли хил шикастланишлардан огоҳлантиришни, жароҳатланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш ва ишларни хавфсиз методлар билан ташкил этишни назарда тутади.

Масалан, электр хавфсизлиги ва электр мосламалари ҳамда ерга улаш мосламалари бўйича мультимедиали ўргатувчи мажмуа мазмунига умуммаданий ва касбий компетенцияларни шакллантиришни таъминловчи куйидаги ўқув материаллари киритилган:

- электр хавфсизлиги асослари (фикрлаш маданиятини, умумлаштиришга қобилиятлиликини, таҳлил қилиш, мақсадни қўйиш ва унга интилиш йўллари эгаллаш, ностандарт вазиятларда ташкилий-бошқариш ечимларини топишга қобилиятлиликини ва улар учун жавобгарликни ўз зиммасига олишга тайёрлик);
- ерга улаш мосламаларини монтаж қилиш бўйича операциялар (монтаж қилиш технологияларини билиш, созлаш, конструкцияларни синаш ва фойдаланишга топшириш, муҳандислик тизимлари ва қурилиш объектлари жиҳозлари, корхона чиқарадиган маҳсулот намуналарини билиш; жиҳозлар ва техник таъминот воситаларини тажрибавий текшириш методларини эгаллаш; қурилиш объектлари, жиҳозлари, техник ҳолатни ва қолдиқ ресурсни баҳолаш методларини эгаллаш);
- электр мосламаларини ерга улашни ҳисоблаш методикаси (табиий фанларнинг асосий қонунларини, математик моделлаштириш, назарий ва экспериментал тадқиқот методларини қўллаш);
- электр мосламаларини ерга улаш ма-

салаларини лойиҳалаш алгоритми (муҳандислик тадқиқотларини ўтказиш методларини эгаллаш);

- электр жиҳозлари қурилмалари қоидалари (муҳандислик тадқиқоти соҳасидаги меъёрий базалар, бино ва иншоотларни лойиҳалаш тамойилларини билиш);
- электр жиҳозларни ишлатишда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси бўйича тармоқлараро қоидалар (ишлаб чиқариш ходимлари ва аҳолини рўй бериши мумкин бўлган авария, ҳалокат, бахтсиз ходисалардан ҳимоялаш методикаси асосларини эгаллаш).

Илмийлик тамойили эса ўқув материали мазмунининг замонавий фан даражасига мослигини ва талабаларда тадқиқотчилик фаолиятига оид кўникма ва малакаларни шакллантиришни таъминлайди.

Масалан, электр хавфсизлиги ва электр қурилмаларини ерга улаш мосламалари бўйича мультимедиали ўргатувчи ўқув мажмуа таркибига биз ташқи ва ички ерга улаш мосламаларини монтаж қилиш бўйича ишларни бажаришнинг наъмунавий технологик харитасини киритилди. Бундай харитадан ишлаб чиқариш жараёнларини лойиҳалаш, бошқа ташкилий-технологик ҳужжатлар, шунингдек муҳандис-техник ходимларнинг ишлаб чиқаришга оид ишларини бажариш қоидалар билан таништиришда фойдаланилади.

Наъмунавий технологик харита нафақат меъёрлар ва қоидалар, санитария-гигиеник меъёрлар қоидалари тўпламини балки замонавий техника фанларининг фундаментал тушунчалари, қонунлари ва назарияларига мувофиқ, материалларнинг берилган тизими ва хусусиятларини шакллантириш усуллари, уларнинг сифат кўрсаткичларини баҳолаш методлари, биноларни электр таъминоти тизимларини ривожлантириш истиқболлари, бир фазали ва учфазали электр занжирлари ва қурилмалари, шунингдек электр машиналари ва электр иншоотлари ишлаш тамойилларини ҳисобга олган ҳолда

ишлаб чиқилган.

Илмийлик тамойили асосида мультимедиали ўргатувчи мажмуа учун ўқув материални танлаш, талабаларда каталоглар, архивлар ва ахборот шакллари билан ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш; картотекаларни тузиш, аннотациялар, блок-схемалар, ўқув-ишлаб чиқариш лойихаларни тузиш, чизмалар, диаграммалар ва графикларни ясаш, тақдимотлар тайёрлашга имкон беради.

Масалан, электр хавфсизлиги ва электр мосламалари ҳимоя қилиш ерга улаш қурилмалари бўйича мультимедиали ўргатувчи мажмуада наъмунавий харитани ўз ичига олган модулда, талабаларга ишларнинг алоҳида турларини бажаришга оид технологик харитани яратиш бўйича маҳаллий ва хорижий тажрибаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, ўрганилган шаклда шархлаш, ҳисобот тайёрлаш шунингдек ишларнинг алоҳида турларини бажариш таклиф этилади.

Уйғунлик тамойилини амалга ошириш ўқув материалнинг амалий-мўлжалли йўналганлигини таъминлайди. Масалан, ҳавонинг чангланганлигини тадқиқ қилиш бўйича мультимедиали ўргатувчи мажмуада, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш биноларида чангланиш ва нурланиш билан курашиш усулларини ўз ичига оладиган ўқув материали мавжуд. Талабаларга ишлаб чиқариш биноларидаги ҳавога нисбатан қўйилган гигиеник талаблар билан танишиб чиқиш; шамоллатиш усуллари таснифини кўриб чиқиш, керакли ҳаво алмашилишини аниқлаш, табиий шамоллатиш ҳисобини бажариш талаб этилади. Ушбу мультимедиали

ўргатувчи мажмуа вазнли метод билан ҳаводаги чангни аниқлаш методикасини ўз ичига олади ва у қуйидагиларни назарда тутди: махсус қурилмада ўлчаш аппаратураси ёрдамида ҳаводаги чанг концентрациясини аниқлаш, олинган натижаларни санитария-гигиениа меъёрларига мувофиқ баҳолаш ва меҳнат шароити таснифини аниқлаш.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, илмийлик, компонентлик ва уйғунлик тамойиллари асосида танланган ўқув материаллари асосида ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси фани бўйича яратилган мультимедиали ўргатувчи мажмуанинг афзалликлари қуйидагилардан иборат.

- машғулотларда берилаётган ўқув материалларининг талабалар томонидан чуқур ва муаммоли тарзда ўрганилишни таъминлаш;
- машғулот жараёнида билим олиш вақтининг қисқариши эвазига вақтни тежаш имконияти;
- ўзлаштирилган билимларнинг талаба хотирасида узоқ муддат сақланиб қоллиниши ва уни амалиётда қўллаш мумкинлиги;
- машғулотларда бажариладиган топшириқлар сонининг ошиши;
- компьютер томонидан фаол бошқаришни талаб қилиниш натижасида талабанинг таълим субъектига айланиши;
- талабалар учун кузатиш, мушоҳада қилиш қийин бўлган жараёнларни моделлаштириш ва бевосита намоиш қилиш имкониятларининг пайдо бўлиши ва бошқалар.



#### Фойдаланилган адабиётлар:



1. Семёнова Н.Г. Теоретические основы создания и применения мультимедийных обучающих систем лекционных курсов электротехнических дисциплин. Оренбург, Вестник, 2007, 317 с
2. Х.Рахимова ва бошқалар. Меҳнатни муҳофаза қилиш, Тошкент Ўзбекистон нашрети, 2003 й.
3. О. Юлдошев ва бошқалар. Меҳнатни муҳофаза қилиш, Тошкент Меҳнат, 2001 й.

## КАСБИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН МЕДИА ТАЪЛИМ МЕТОДИКАЛАРИ

Х.Х.НЕКБОЕВ

Қашқадарё вилояти ХТХМО ва УҚТ ҳудудий маркази “Табиий ва аниқ  
фанлар таълими” кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация.** Замонавий инсоннинг ҳаётини оммавий ахборот коммуникация воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ахборотлашган жамият қонунлари ва оммавий ахборот воситаларини шахснинг ривожланишига таъсир қилиш механизмларини билмасдан, ўрганмасдан, таълим тизимини изчил ривожланиши мумкин эмас. Мазкур мақолада масалага оид методикалардан тўғри фойдаланиш асосланади.

**Калит сўзлар:** оммавий, коммуникация, воситалар, медиа, талаба, шахс, механизмлар.

**Аннотация.** Жизнь современного человека невозможно представить без взаимодействия со средствами массовой коммуникации. Мировой опыт показывает, что без знаний о закономерностях информационного общества и механизмах влияния масс-медиа на развитие личности невозможно прогрессивное развитие системы образования.

**Ключевые слова:** средства, массовой, коммуникации, медиа, студент, личность, механизмы.

**Annotation.** The life of a modern person cannot be imagined without interaction with the mass media. World experience shows that without knowledge of the laws of the information society and the mechanisms of influence of the media on the development of the individual, the progressive development of the education system is impossible.

**Key words:** media, mass, communication, media, student, personality, mechanisms.

Бўлажак ўқитувчиларни педагогик касбига тайёрлаш жараёнида медиага боғлиқ бўлган керакли ва зарур маълумотлар билан таъминлаш уларни кейинги фаолиятларини кафолатлайди. Бу эса реал дунё образини уларнинг онгида адекват аксланишига олиб келади ва атроф олам билан уйғунликда иш олиб боришига имкон беради.

Касбий таълим бериш жараёнида медиаматнлар таҳлилининг классификациялаш методлари мавжуд бўлиб, уларни мазкур мақолада очиқ беришга ҳаракат қиламиз. Улар қуйидагилардан иборат:

- автобиографик таҳлил: медиаматнлар орқали пайдо бўладиган муносабатларни, қайғуришларни, сезги, хотиралар, ассоциациялар, тасвирлаш; талабалар ассоциатив хотирага таянган ҳолда шахсий ҳаётини тажрибаларини мос кўйишади. Мазкур аналитик ёндашув аудиторияга инсон шахсини ривожланишида медиамаданиятнинг таъсирини тушунишга ёрдам беради;
- маданий афсоналар таҳлили: медиаматнлардаги мавзу, ҳодиса, персонажларни

афсоналаштиришни аниқлаш ва таҳлил қилиш (хусусан, фольклор манбалари доирасида – эртақлар, афсоналар ва бошқалар);

- медиа стереотиплар таҳлили: медиаматнларда стереотип тарзида тасвирланган инсонлар, ғоялар, ҳодисалар ва бошқаларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;
- персонажлар таҳлили: медиаматнлардаги персонажлар тавсифини, юриш-туришини, мафкуравий йўналишларини ва ҳаракатлари таҳлили;
- маданий контекстдаги герменевтик таҳлил: медиаматн муаллифи ва аудитория нуктаи назарига таъсир кўрсатувчи медиаматндаги маданий, тарихий далилларни талқин этилиш жараёнини тадқиқ этиш;
- идентификацион таҳлил: медиаматнлардаги яширин маълумотларни идентификациялаш, таниш, чунки, медиаагентликлар кўпинча мураккаб муаммолар ечимларини соддалаштирилган ҳолда тақдим этишади (муаллиф хулосалари мантиқлими? Агар ундай бўлмаса, улар

- қандай бўлиши лозим?);
- мафкуравий, фалсафий таҳлил: медиа доирасининг мафкуравий, фалсафий таҳлили;
  - иконаграфик таҳлил: семиотик таҳлил билан боғлиқ медиаматндаги тасвирларни (масалан сув, олов – тозалик ва вайронкорлик белгилари сифатида) ассоциатив таҳлили;
  - контент таҳлили: медиаматнларни микдорий таҳлили – медиаматн категорияларини аниқлаш, далилларни тизимлаштириш, белгилар, тиллар, шакллар ва бошқалар ҳақида хулоса чиқариш;
  - культивацион таҳлил: медиаматнлар мазмунини ижтимоий маданий контекстда ҳамда масс-медиа тадқиқотларига таянган ҳолда таҳлил қилиш. Медианинг культивацион назариясига кўра аудитория ўзининг қарашлари, нуқтаи назари ва нимани ёқишига қараб медиаматнларни танлайди;
  - медиаматнларни семиотик таҳлили: медиаматнлардаги символлар ва тил белгиларининг таҳлили; мазкур таҳлил иконаграфик таҳлил билан боғлиқ;
  - таркибий таҳлил: медиаматнлардаги медиамаданият тизимлари, муносабатлари ва шакллари таҳлили;
  - сюжетлар таҳлили: медиаматнлардаги фабула ва сюжетлар таҳлили;
  - этика нуқтаи назаридан таҳлил: медиаматнларни ахлоқ этикаси нуқтаи назаридан таҳлил;
  - эстетик таҳлил: медиаматнларни стилистикаси ва бадиий ўзига хослигининг таҳлили [1, 192-бет].

Шу ўринда медиа таълим жараёнида фойдаланиш мумкин бўлган педагогик технологиялар ҳақида фикр юритадиган бўлсак, уларнинг баёнини қуйида келтириб ўтамиз.

*“Илгор маъруза” методикаси.* Мазкур методиканинг ўзига хослиги шундаки, у оғзаки равишда медиа матн устида олиб бориладиган фаол интеллектуал ишларни рағбатлантиради. Бу таълимда кенг тарқалган шакллари билан бири – маърузаларга нисбатан муқобил вариант ҳисобланади. 15-20 дақиқа-

да медиаматнни инсоннинг фаол қабул қилиш хусусиятларини ҳисобга олади, шундан сўнг фаолиятни ўзгартириш керак бўлади, яъни уни фаол тинглашдан фаол муҳокама қилишга йўналтириш керак бўлади.

Бунда маърузага тайёргарлик кўриш давомида, тақдим этиладиган материални аниқ тарзда таркиблаштириш лозим бўлади. Чунки бундай маърузага сарфланган вақтнинг деярли тенг ярми медиаматнни муҳокама қилишга ажратилади. Ўрганилаётган мавзу бўйича талабаларнинг ушбу мавжуд билимларини фоллаштиришга имкон берадиган ҳолатларни ўйлаб топиш ва уйғотиш айниқса муҳимдир.

Маъруза – маълумотни репродуктив идрок этиш бўлиб, унда тингланганлар ёзма тарзда қайд этилади, шунинг учун ҳам аудиторияда мазкур стереотипни бузиш жуда муҳимдир. Тингловчининг фаол тарзда мулоқотга кўшилиши – ўқитувчи томонидан мазкур мавзу бўйича тингловчиларнинг бошланғич билимлари ва тажрибаларига қизиқиш билдирганлиги туфайли эришилади.

*“Аудиовизуал медиа матн билан ишлаш” методикаси.* Маълумотлар нафақат матн (оғзаки ёзма) орқали, балки тасвирий яъни. кўриш-эшитиш (илмий, оммабоп илмий, фантастик, хужжатли, анимацион, ўқув фильмлари, телевизион дастурлар) орқали ҳам берилиши мумкин. Аудиовизуал медиа матнларининг ушбу тарздаги тақдими ўқувчилар ёки талабалар учун алоҳида қизиқиш уйғотади. Ассоциатив анализаторларни мажозий овозли-визуал тарзда қўшишда мазкур методнинг ўзига хос хусусияти мавжуд. Аудиовизуал медиа матнлар билан ишлаш ҳар доим эмоционал ҳиссиётларнинг ошишига таъсир кўрсатади, бу эса албатта таълим бериш самарадорлигини оширади.

Бироқ, аудиовизуал медиа матнларини идрок этиш ва тушуниш баъзи қийинчиликлар билан боғлиқ. Биринчидан, бу турдаги медиа матнлар тингловчиларга индивидуал хусусиятларга – муайян хотира ва идрок турига қараб таъсир қилади. Иккинчидан, ушбу шаклдаги медиаматнлар билан танишиш одатда вақт билан чегараланган бўлади. Талабалар ўқиш пайтида бўлгани каби, медиаматнга яна

қайтиш имкониятига эга бўлмайдилар (лекин, DVD техникаси буни ҳеч қандай муаммосиз амалга оширишга имкон беради).

Мазкур методика мажозий аудиовизуал шаклда тақдим этилган медиа матнини ҳар томонлама таҳлил қилишга; алоқа кўникмаларини такомиллаштиришга; хотира ва эътиборни ривожлантиришга ёрдам беради.

“Концептуал жадвал” методикаси. Бу талабалар мустақиллиги ва ижодининг самарали намоён бўлишига ҳисса қўшадиган ижро шаклидаги энг эркин шаклли график органайзердир. У муаммога концептуал қарашларни ишлаб чиқишни мақсад қилади.

Концепция харитаси – график органайзер бўлиб, унда муаммони кўриш тушунчаси (яъни, қарашлар тизими), концепцияси символлар ёрдамида схематик тарзда акс эттирилади.

Ушбу график органайзерда ғояларни акс эттириш график шаклида қатъий ўрнатилмаган. Ишлаб чиқилган концепция – ғоялар, позициялар ва улар ўртасидаги муносабатни акс эттирувчи белгилар харитаси шаклида тақдим этилади.

Ушбу методика муҳокама қилинаётган муаммонинг устуворликларини аниқлашга, муаммонинг концептуал қарашларини ифода этишга ёрдам беради. Натижада, концептуал фикрлаш кўникмалари шаклланади. Бу эса муаммонинг концептуал ечими бўйича турли нуктаи назарларни тақдим этиш ва уларни таққослаш билан боғлиқдир.

Машғулотларда талабалар билан аудио-

визуал медиаматнларнинг медиа стереотиплари таҳлилини биз телевидениядаги иккинчи даражали маълумотлар (реклама, спам, анонс) ни ўрганиш баробарида хусусан, рекламалар таҳлили асосида олиб бордик.

Рекламалар ёрдамида индивидга нисбатан турли хилдаги манипуляциялар унинг қадриятларига сезиларли равишда ўз таъсирини ўтказди. Аста секинлик билан истеъмолчида реклама қилинаётган предметга нисбатан боғланишлик ривожланиб боради ва уни ўта муҳим қадрият деб қабул қила бошлайди. Айнан шу сабабдан ҳам бўлғуси педагогларда медиакомпетентлик ва танқидий тафаккурни ривожлантириш, уларнинг интеллектуал доирасини кенгайтириш жуда муҳимдир.

Талабаларда иккинчи даражали медиаматнлар таҳлилини амалга ошириш жараёнида Интернет ва телевидениядаги иккинчи даражали маълумотнинг аниқ бир сюжет ва жанрларидаги таркиб учун тавсифли стереотипларни ўрганишга диққатимизни қаратдик. Асосий диққатимизни аниқ стереотипларга: фабулалари ҳолатларга, медиаматндаги ҳаракатларга – предметлар, ҳаракаталаниш жойи, тарихий давр ва бошқаларга, персонажлар тавсифи, уларнинг қадриятлари, ғоялари, тили, мимикаси, қилиқлари, кийимлари, тасвирланиш усулларига йўналтирамыз.

Шундай қилиб, мазкур мақолада касбий таълим жараёнида фойдаланиш мумкин бўлган медиа таълим методикалари келтириб ўтилди, улардан бевосита касбий таълим жараёнида фойдаланиш мумкинлиги асосланди.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Чельшева И.В. Научно-образовательный центр «Медиаобразование и медиакомпетентность»: работа со школьными учителями и преподавателями вузов: учеб. пособие / под ред. проф. А.В. Федорова. Таганрог: Изд-во Таганрог. гос. пед. ин-та, 2011. – 180 с.
2. Шариков А.В. Так что же такое медиаобразование? // Медиаобразование. – Москва: 2005. № 2. – С.77.
3. Шарипова Д.Д. Научно-педагогические основы гигиенического воспитания учащихся. Автореф. Дисс. ... докт.наук. –Т. 1990. – 47с.
4. Қаххоров С.Қ., Жўраев Ҳ.О. Медиатаълимнинг ривожланиш боғиқлари // Педагогик маҳорат. – Бухоро, 2017. №1. – Б.36-39.
5. Khurshid Kh.N. Critical Analysis Media Texts as Condition of Developing Thinking Process. Eastern Scientific Journal. Dusseldorf – Germany. №2, 2018. 372-375 pp.



# КАСБЛАРНИ ЎРГАТИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ҲАМДА ПЕДАГОГЛАР ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ

Х.ОФТОБХЎЖАЕВА

ПИКҲТБПКҚТ ва УМО институти катта ўқитувчиси,

Т.ХУДАЙБЕРГАНОВ

ПИКҲТБПКҚТ ва УМО институти инженер-программисти,

А.АБРАЙҚУЛОВ

«Ўқитувчи» илмий-методик нашриёт маркази бош мутахассиси



*Ушбу мақола “Kasb-hunar ta’limi”  
журналининг 2019 йил 3-сонида чоп  
этилган мақоланинг давоми ҳисоблана-  
ди.*

AutoRun Pro Enterprise II дастурини  
ишга туширишнинг бир қанча усуллари  
мавжуд:

- Янги саҳифа яратиш (New project)
- Охирги ишлаган ҳужжатни очиш  
(Open Last Edited)
- Саҳифани очиш (Open project)
- Тайёр шаблонларни очиш (Template).

Янги ҳужжатни яратиш учун меню-  
нинг файл (File) ва янги саҳифа буйруғи  
(New) ёки инструментлар панелидаги мах-  
сус тугма босилади. Ҳужжатни очиш учун,  
менюнинг файл (File) ва очиш (Open) буй-  
руқлари ёки инструментлар панелидаги  
махсус тугмалар ёрдамида амалга ошири-  
лади.


Янги лойиҳа яратиш учун файл (File)  
менюси орқали янги саҳифа яратиш (New



project) босилади.

Ҳосил бўлган ойнадан биз яратган ка-  
талони яъни модул яратиш деб номлаган  
папкамизни танлаб оламиз ва ОК тугмаси-  
ни босамиз.

Дастур ишга туширилгандан кейин



*AutoRun Pro Enterprise II дастурининг ишчи  
ойнаси.*

экранда дастур ойнаси номаён бўлади.

Бу ойна фойдаланувчи интерфейси (user interface) ёки ишчи жойи (workspace) деб аталади. Интерфейс фойдаланувчи ва компьютер орасида мулоқотни ўрнатади, ишлаш учун керак бўлган барча шароитни яратади.


### Менюлар қатори

- **File** (файл) – Файл менюсида янги слайдларни яратиш, яратилган слайдларни очиш, сақлаш, тестлаш мумкин.
- **Edit** (тартибга солиш) – Edit менюсида керак бўлган матн, расм, кнопкаларни копиялаш, қирқиб олиш, ўчириб ташлаш ва жойлаштириш мумкин.
- **Page** (саҳифа) – Слайдларни қўшиш, тайёр слайдларни юклаб олиш, слайдларни тартиблаш, керак бўлмаган слайдларни ўчириб ташлаш мумкин.
- **View** (кўриниш) – View менюсида дастурдаги менюлар кўринишини ўзгартириш мумкин.
- **Tools** (асбоблар) – Tools менюсида слайдлар устида амаллар бажарилади.
- **Help** (ёрдамчи) – Help менюси орқали дастур тўғрисида маълумот олишимиз мумкин.

### Инструментлар панели


- Project wizard (лойиҳа устаси)
- Open (очиш)
- Save (сақлаш)
- Save and test (сақлаш ва синаш)
- Save and publisher (сақлаш ва нашр қилувчи)
- Copy (нусхалаш)
- Past (жойлаштириш)
- Add page (саҳифани қўшиш)
- Load template (намуна жойлаш)
- Add image (расм қўйиш)
- Add panel (панелни қўшиш)
- Add simple text (оддий матнни қўшинг)
- Add browser (браузерни қўшиш)
- Add media player (media player ни қўшиш)

- Add flash player (flash player ни қўшиш)





### Буюруқлар панели

Лойиҳа яратишдан олдин уни ўлчамларини тўғрилаб олинади. Унинг ўлчамлари ҳар хил киритиш мумкин. Масалан: 1024x758 рх. Бунинг учун ишчи ойнанинг чап томонида жойлашган буюруқлар қаторидан ўлчам киритиш жойидан энига (width) 1024, бўйига (height) 758 тарзида киритилади.



Ўлчамларни киритиб олингандан кетгин модулнинг 1 саҳифасини яратиш учун ойнанинг орқа фонида расм жойлаштирилади, бунинг учун чап тамонда жойлашган буюруқлар панелидан backimage буюруғи орқали киритлади ва ундан load... тугмасини босилиб, керак бўлган фонни локал дискдан танлаб олинади ва ОК тугмасини босилади.






1-саҳифа (Page)


Яратилган фонга энди матн киритиш керак. Матнни киритиш учун инструментлар панелидан Add Text буйруғи ишлатилади.

Add Text тугмасини босган ҳолда ишчи ойнанинг қайси жойига ёзиш кераклиги кўрсатилади.




Матн киритиш ойнаси

Матн киритиш учун ишчи ойнанинг чап томонидаги буйруқлар панелидан Text буйруғи босилади ва матн киритилади.




Маълумотларни киритиш ойнаси


Маълумотларни киритиш ойнасига "Модул яратиш" деб ёзилади ва Ок тугмаси босилади.



Матнларни шрифти ва ўлчамини ўзгартириш учун буйруқлар панелидан Font буйруғи орқали амалга оширилади.



Матннинг рангини ўзгартириш учун буйруқлар панелидан Font color буйруғи орқали амалга оширилади.




Саҳифага мундарижа тугмачасини (button) жойлаштириш. Тугмача (button) лар ишчи ойнанинг пастки бурчагида жойлашган.




Тугмачалар ҳар хил кўриниш ва шаклда берилган. Улардан ихтиёрий биттаси танланади.

Танлаган тугмача ишчи ойнага жойлаштирилади. Тугмачага чап томонидаги буйруқлар панелидан Text буйруғи босилади ва мундарижа сўзи киритилади натижада қуйидаги ҳосил бўлади.




Мундарижа тугмачасини босиш орқали кейинги саҳифага ўтиш мумкин. Унинг учун тугмачага буйруқ бериш керак. Чап томонда жойлашган буйруқлар панелидан OnClick буйруғи босилади.




D:\Худайбергенов Тохир\Темир йуллар\Вагонное хозяйство


OnClick буйруғи босилгандан кейин куйидаги ойна ҳосил бўлади.



Бу ойнада Add... орқали буйруқларни қўшиш мумкин. Action type буйруғи орқали тугма бажарадиган буйруқлар рўйхати очилади ва танланади. Мундарижа тугмачасига Goto page буйруғи орқали саҳифадан саҳифага ўтириш буйруғини танлаб олинади. Goto page буйруғини танлаб олингандан кейин Page Name буйруғи орқали қайси саҳифага ўтилиши кўрсатилади ва ОК тугмаси босилади.




Янги слайдга ўтиш учун слайд яратиш керак бўлади. Слайд яратиш учун Page менюсига кириб Add Page (Ctrl+Alt+P) орқали амалга оширилади ёки инструментлар панелидан Add Page буйруғи орқали амалга оширилади.




Page буюруғида слайдларни қўшмасдан уларни тартибини ўзгартириш, керак бўлмаган слайдларни ўчириб ташлаш, слайдлар устида амаллар бажариш ва тайёр слайдлардан фойдаланиш мумкин. Яратилган саҳифада модул буйича янги маълумотлар киритилади. Матн киритиш учун инструментлар панелидан Add Text буйруғи орқали амалга оиради.

Add Text тугмасини босган ҳолда ишчи ойнанинг қайси жойига ёзиш кераклиги кўрсатилади. Матнларни киритиш учун ишчи ойнанинг чап томонидаги буйруқлар панелидан Text буйруғи босилади ва матн киритилади. Матнни киритиб бўлгач тугмачалар жойлаштирилади. Тугмачалар ишчи ойнанинг пастида жойлашган бўлади ва ундан керакли тугмачани танлаб олиниб, 1-мавзу, 2-мавзу, 3-мавзу ва 4-мавзу деб матнлар киритилади.




Тугмачаларни босиш орқали кейинги саҳифага ўтиш мумкин. Унинг учун тугмачаларга буйруқ бериш керак. Чап томонда жойлашган буйруқлар панелидан OnClick буйруғи босилади ва қуйидаги ойна ҳосил бўлади.



Бу ойнада Add... орқали буйруқларни қўшиш мумкин. Action type буйруғи орқали тугма бажарадиган буйруқлар рўйхати очилади ва танланади. Мундарижа тугмачасига Goto page буйруғи орқали саҳифадан саҳифага ўтиш буйруғини танлаб олинади. Goto page буйруғи танлаб олингандан кейин Page Name буйруғи орқали қайси саҳифага ўтилиши кўрсатилади ва ОК тугмаси босилади.

Янги слайдга ўтиш учун слайд яратиш керак бўлади. Слайд яратиш учун Page менюсига кириб Add Page (Ctrl+Alt+P) орақали амалга оширилади ёки инструментлар панелидан Add Page буйруғи орқали амалга оширилади.


Яратилган саҳифага модул буйича ҳар бир мавзунинг маъруза, видео, плакат, тест, тақдимот киритиш керак бўлади. Бунинг учун яратилган саҳифада яна тугмачаларни танлаб олиш керак бўлади. У тугмачаларга маъруза, видео, плакат, тест, тақдимот матнлари киритиб чиқилади.




Киритилган тугмачаларга буйруқ берилади. Маъруза тугмачаси устига сичқончанинг чап тугмасини бир марта босиб чап томондаги буйруқлар панелидан OnClick буйруғи босилади.



Бу ойнада Add... орқали буйруқларни қўшиш мумкин. Action type буйруғи орқали тугма бажарадиган буйруқлар рўйхати очилади ва танланади.




Маъруза, видео, такдимот, тестлар тугмачасига Openrunfile буйруғи танланди ва Select тугмаси орқали локал дискдан видео файллар avi, mp4, матн файллари doc, pdf, rtf, html, такдимот файллари ppt ва тест .exe файлларини юклаш мумкин.



Барча фалларни юклаб бўлгач файл менюсидан сақлаш тугмасини босиб сақлаб қўйилади.

Тайёр модул электрон ресурсини ишлатиш учун модул яратиш папкаси ичига кириб autorun.exe иловасини ишга туширилади ва шу ердан фойдаланилади.



Профессионал таълим тизимини ахборотлаштириш шароитида энг асосий муаммолардан бири асосий касбий фанлардан юқори сифатли электрон таълим ресурсларининг етишмаслигидир. AutoRun Pro Enterprise II дастури барча ахборотли материалларни ягона ахборот мажмуасига жамлаш имконини беради. Бундан ташқари, унда ҳозирги кунда талаб этиладиган зарур интерактивлик, кўргазмалилик, мобиллик, ихчамлик ҳамда текшириш учун топшириқлар ва тестлар ҳажмининг кўп

бўлишини жамлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6-сентябрдаги 5812-сонли Фармонида “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги фармонда профессионал таълим тизимини бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим босқичларини жорий қилиш ва ўқитиш шаклининг кундузги, кечки ва сиртки шаклларида таълим олиш каби имкониятлар яратилди. Ушбу имконият таълим олувчилар учун ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолатда мустақил таълим олиш имкониятларини белгилаб беради. Бу борада таълимда AutoRun Pro Enterprise II дастурида тайёрланган ЭАТРдан фойдаланиш потенциали таълим олувчиларнинг сиртки ва кечки таълим олишлари учун шароит яратилади ЭАТРдан фойдаланиш асосида анъанавий бўлмаган интерфаол дарс моделлари пайдо бўлади. ЭАТРдан фойдаланиш ўқитувчининг фаолият доирасини сезиларли даражада кенгайтиради, таълим олувчилар учун эса мустақил таълим олишларида кенг имконият яратади. Таълим олувчилар мустақил тайёргарлиги жараёнида мазкур воситалардан фойдаланишнинг инновацион хусусиятлари шундаки талабаларнинг фанга қизиқишини кучайтириши, янги билимларни эгаллаши ва мустаҳкамланиши ҳамда зарур кўникмаларни шакллантириш туфайли ўқитувчи, таълим сифатини самарадорлигига эришишида сезиларли равишда юқори кўрсаткичларга эришади.

## РОЛЬ МОДУЛЬНОЙ ТЕХНОЛОГИИ НА УРОКАХ РУССКОГО ЯЗЫКА

С.Ж.ЕРЕЖЕПОВА

Академический лицей Каракалпакского Государственного Университета,

Г.Ж.КУРБАНОВА

Академический лицей Каракалпакского Государственного Университета

**Аннотация.** В статье приводятся преимущества метода модульного обучения при преподавании предмета русского языка и преимущества применения элементов этого метода.

**Ключевые слова:** модуль, дифференциация, функциональный узел, модульная технология, учебный элемент, дидактическая цель, индивидуальная дидактическая цель, частная дидактическая цель.

**Annotation.** The article presents the advantages of the modular learning method in teaching the subject of the Russian language and the advantages of using the elements of this method.

**Key words:** module, differentiation, functional unit, modular technology, educational element, didactic goal, individual didactic goal, private didactic goal.

**Аннотация.** Мақолада рус тили фанини замонавий академик лицейда модулли ўқитишнинг афзалликлари ва бу методнинг элементларидан фойдаланишнинг афзалликлари ҳақида сўз борган.

**Калит сўзлар:** модуль, дифференциация, функционал бирлик, модулли технология, ўқув элемент, дидактик мақсад, индивидуал дидактик мақсад, хусусий дидактик мақсад.

С помощью модульного обучения достигается личностно-ориентированное обучение, т. е. учащийся учится сам, а учитель осуществляет мотивационное управление его учением: мотивирует, координирует, консультирует и контролирует. Что такое модуль? Семантический смысл термина “модульное обучение” связан с международным понятием “модуль”, одно из значений которого – функциональный узел. Модуль – это узел, в котором учебное содержание и технология овладения им объединены в одно целое. В состав модуля входят целевой план действия, банк информации, методическое руководство по достижению дидактических целей. Что включает в себя система действий учителя? Главное – это разработка модульной программы. Учитель должен видеть все уроки в перспективе, т.е. составить планы уроков по теме на четверть или полугодие.

Модульная технология строится на основе развивающегося обучения: если школьник выполняет задание с дозированной помощью учителя и товарищей, он находится в зоне своего ближайшего развития. Такой подход способствует созреванию функций психики

ребенка: то, что он делает с помощью других, завтра сможет сам, т. е. один цикл завершается, ученик переходит в зону активного развития, и виток раскручивается на новом этапе. В модульном обучении это реализуется путем дифференциации содержания и дозы помощи ученику, а также организации деятельности в разных формах – индивидуальной, групповой, в парах постоянного и сменного состава[1].

Что же дает модульное обучение? Главное – это то, что каждый работает самостоятельно в присущем ему темпе, представляются возможности получить консультацию у учителя, помощь у товарища. Каждый ученик включается в активную и эффективную познавательную деятельность, работает с дифференцированной по содержанию и дозе помощи программой. Эта технология интересна тем, что осуществляется индивидуальный подход к каждому ученику, создается условие для развития сильных учащихся, происходит дифференциация в обучении, решается проблема домашних заданий [2].

Модульное обучение, несомненно, имеет свои преимущества перед другими методами

обучения:

1. Ученик учится сам. Важно и то, что ученик может в любой момент получить от учителя устные советы по непонятным вопросам и заданиям.

2. Данная система обучения гарантирует каждому ученику усвоение стандарта образования и продвижение на более высокий уровень обучения.

3. На занятиях не бывает, как правило, никаких проблем с дисциплиной, у детей нет просто времени на шалости. Сорок пять минут напряжённой работы.

4. Модульный урок помогает выявить знания учащихся, т.к. каждый урок заканчивается выходным контролем.

5. Эта технология предполагает глубокое усвоение теории, практического её применения.

6. Изменяются отношения учитель – ученик. У учителя и ученика есть больше времени общаться, как индивидуально, так и по средствам модулей. Их отношения более дружелюбные, исключают конфликты. Каждый ученик получает от учителя в письменной форме советы: как действовать, где найти ответ, как сформулировать мысль, получить похвалу от учителя, его поддержку. Ученику кажется, что он работает абсолютно самостоятельно, но на самом деле учитель мягко и сугубо целенаправленно управляет учебно-познавательной деятельностью учащихся через модули.

7. Изменяется роль учителя.

А их новизна состоит в том, что:

- учитель управляет познавательной деятельностью ученика, т.е. переходит с позиции носителя знаний (дающего знания) в позицию организатора собственно познавательной деятельности учащихся;
- мотивирует познавательную деятельность ученика на уроке за счёт коммуникации, взаимопонимания и добивается положительного отношения к предмету;
- использует коллективные способы обучения, включает всех учащихся в коллективную творческую деятельность, орга-

низует взаимопомощь;

- организует помощь ученику в процессе деятельности, проявляет внимание к результатам его самостоятельной деятельности;
- создаёт ситуацию успеха, т.е. разрабатывает методику и предлагает задания, посылы каждому ученику;
- создаёт положительную эмоциональную атмосферу учебного сотрудничества, которое реализуется в системе гуманных учебных взаимоотношений;
- организует самоанализ собственной деятельности ученика и формирует его адекватную самооценку.

Основные преимущества использования модульной технологии, на мой взгляд, заключаются в наличии системы индивидуальной работы с учащимися с разным уровнем знаний, практические модули ориентированы именно на такую работу. В учебном процессе учащийся может выбирать траекторию движения по разным уровням, этому способствуют:

- задания с оценкой по желанию;
- возможность перехода по желанию на более высокий уровень трудности, который оценивается более высоким баллом;
- возможность заранее готовиться к контрольным итоговым заданиям и получать за них более высокие оценки;
- восполнять пропущенный по болезни материал самостоятельно;
- возможность строить собственную траекторию обучения и двигаться по ней с отставанием или опережением[3,4].

В результате применения модульной технологии происходит развитие одной из важнейших компетенций в современном обществе – умение не только организовать собственную деятельность, но и провести анализ результатов своего труда и на его основе определить новые цели и задачи. Её формирование напрямую обеспечивает рефлексия. Мы проводим рефлексию, готовясь к занятию, создавая технологическую карту, а ученики – на уроке. Самоанализ деятельнос-



ти ученики делают подробным или кратким, индивидуальным или групповым, письменным или устным.

Одной из систем организации учебно-воспитательного процесса, которая ориентируется на развитие ребенка, позволяет сократить учебный курс дисциплины без ущерба для полноты изложения и глубины материала, является модульная система.

Модульное обучение возникло как альтернатива традиционному обучению. Именно оно интегрирует в себе все то прогрессивное, что накоплено в педагогической теории и практике. Так из программированного обучения заимствуется идея активности ученика в процессе его четких действий в определенной логике, постоянное подкрепление своих действий на основе самоконтроля, индивидуализированный темп учебно-познавательной деятельности. Из теории поэтапного формирования умственных действий используется самая ее суть – ориентировочная основа деятельности. Кибернетический подход обогатил модульное обучение идеей гибкого управления.

В модульном обучении применяется самооценка, которая приучает ребенка объективно оценивать свои способности, результаты своего труда. Учащийся максимальное время работает самостоятельно, учится целенаправленно. Это дает возможность осознать себя в деятельности, учит самоорганизации, самооценке, позволяет каждому учащемуся видеть уровень усвоения знаний [5].

Наш опыт работы по модульной технологии ещё не очень большой, но мы поделимся тем, что знаем и применяем в своей практике.

Что такое модуль? Семантический смысл термина “модульное обучение” связан с международным понятием “модуль”, одно из значений которого – функциональный узел.

Модуль – это узел, в котором учебное содержание и технология овладения им объединены в одно целое. В состав модуля входят целевой план действия, банк информации, методическое руководство по достижению дидактических целей.

Значит, Модуль выступает средством модульного обучения. Это – программа обучения, индивидуализированная по содержанию, методам обучения, уровню самостоятельности, темпу учебно-познавательной деятельности учащихся.

Для успешной работы по технологии модульного обучения учитель должен глубоко продумать систему своих действий.

Какова же система действий учителя по подготовке к переходу на модульное обучение? Прежде всего, необходимо разобрать модульную программу (МП), состоящую из комплексной дидактической цели и отдельных модулей, от качества которых зависит эффективность обучения. Чтобы составить модульную программу, учителю прежде всего необходимо выделить стержневые идеи курса. После этого формируется комплексная дидактическая цель (КДЦ), которая имеет два уровня: уровень усвоения учебного содержания учеником и ориентация на его использование в практике, а также для изучения учебного материала в будущем. Затем из КДЦ выделяются интегрирующие дидактические цели (ИДЦ) и формируются модули, которые в совокупности и обеспечивают достижение комплексной дидактической цели. Поэтому каждая идея ИДЦ делится на частные дидактические цели (ЧДЦ), и на их основе выделяются учебные элементы (УЭ), каждой ЧДЦ соответствует один УЭ.

Важным критерием построения модуля является структурирование деятельности ученика в логике этапов усвоения знаний: воспитание. Понимание, осмысление, запоминание, применение, обобщение, систематизация. И здесь большая возможность осуществлять проблемность в обучении и возможности для повторения основного содержания. Эти возможности реализуются через учебный элемент “Резюме”.

Что же дает модульное обучение? Главное – это то, что каждый работает самостоятельно в присущем ему темпе, представляются возможности получить консультацию у учителя, помощь у товарища. Значительно

глубже осознать содержание, все время себя контролировать. Каждый ученик включается в активную и эффективную познавательную деятельность, работает с дифференцированной по содержанию и дозе помощи программой.

На уроках русского языка модульное обучение эффективно применять на обобщающих уроках, а также на уроках изучения новой темы, в центре которых правописание и пунктуация. Чем нас заинтересовала эта технология?

1) осуществляется индивидуальный подход к каждому ученику (подходишь, сразу видно, понял ученик тему или нет);

2) создается условие для развития сильных учащихся (они не ждут остальных, сами дальше разбираются в заданиях);

3) дифференциация в обучении (самостоятельная работа в начале урока и домашние задания разноуровневые)

4) решается проблема домашних заданий (все мы знаем, что без домашних заданий обучать русскому языку очень трудно, раз при оценке деятельности ученика учитывается не только самостоятельная работа, но и домашние задания, ученику приходится каждодневно выполнять домашние задания).

Программа составлена. Что делать дальше? Размножить программу и обеспечить ею каждого ученика. Начинается модульное занятие с целеполагания (определение целей деятельности учащихся – чему они научатся за урок). А дальше ученик работает с модулем самостоятельно, то есть новую тему он усваивает сам, пользуясь учебником, словарем и т.д. В процессе усвоения материала он получает консультацию у учителя, у товарища по классу, свободно общается с ним, не нарушая дисциплины в классе.

Как оценивается работа?

В модульной технологии оценивается выполнение каждого учебного элемента. Усвоив материал, ученик сам себе выставляет оценку. Оценку за усвоенный материал может поставить одноклассник и т.д., главное, что ученик усвоил материал, добился

поставленной цели. Оценки накапливаются в тетради или в листе оценок, на основании которого выставляется итоговая оценка за работу над модулем. Если ученик слабый и не успел выполнить всю работу, то можно оценить ту часть, которую он добросовестно выполнил. Для него это тоже успех.

Многие учителя используют традиционную систему с элементами модульного обучения. Но в группах академического лица, по мнению специалистов, можно переходить на модульное обучение по русскому языку, что позволит сократить время учебного курса на 30% без ущерба для полноты изложения и глубины усвоения материала. Разработка модульных обучающих программ показала, что процесс “конструирования” модулей позволяет “отсечь” все лишнее, всю избыточную учебную информацию, которая не только способствует, а чаще всего затрудняет усвоение нового материала. Модульный подход в обучении позволяет систематизировать и структурировать большой по объему учебный материал и в необходимых пределах уплотнить его.

Важным условием перехода на модульное обучение мы считаем уровень готовности школьников к самостоятельной учебно-познавательной деятельности. Не во всех группах одинаково эффективно проходят модульные уроки. Только в тех группах, где большое внимание уделяется формированию навыков самостоятельной работы, учащиеся полностью справляются с модулями. Некоторые учащиеся просто не успевают выполнить все задания из-за того, что просто не умеют самостоятельно работать. Поэтому можно работать с модулями не во всех группах, а только в тех, где дети умеют самостоятельно работать. В остальных же группах можно использовать элементы модульной технологии при изучении отдельных тем учебного курса, формируя у них тем самым навыки самостоятельной работы. Первые уроки по модульной технологии лучше проводить на уроках систематизации и обобщения. Если эта работа понравится и пойдет гладко, можно исполь-

зовать модули и при изучении нового материала.

Основные преимущества использования модульной технологии, на наш взгляд, заключаются в наличии системы индивидуальной работы с учащимися с разным уровнем знаний, практические модули ориентированы именно на такую работу. В учебном процессе учащийся может выбрать траекторию движения по разным уровням, этому способствуют: – задания с оценкой по желанию; – возможность перехода по желанию на более высокий уровень трудности, который оценивается более высоким баллом; – возможность заранее готовиться к контрольным итоговым заданиям и получать за них более высокие оценки; – восполнять пропущенный по болезни материал самостоятельно; – возможность строить собственную траекторию обучения и двигаться по ней с отставанием или опережением.

В каждой составленной технологической карте по русскому языку фиксируется тема, ставится задача по её освоению, конкретизируется перечень знаний, умений, которые должен приобрести ученик, а также называются языковые явления, которые исследуются. Сама ТК прописывается в 3-х графах: номер УЭ (учебного элемента), учебный материал с указанием заданий, руководство по освоению учебного материала.

Учебных элементов обычно бывает 6-9, обязательными являются следующие УЭ: УЭ-1. Знакомство с темой и задачами урока, постановка каждым учащимся индивидуальных задач и целей; УЭ-2. Входной контроль знаний и умений, необходимых для освоения темы; УЭ-3. Целевая программа действий, сопровождаемая промежуточным контролем в виде само – и взаимоконтроля; УЭ-4.

Дополнительный материал, помощь одноклассникам, альтернативные учебные процедуры; УЭ-5. Экспертный контроль, т.е. контроль учителя; УЭ-6. Рефлексия каждым учеником относительно общих и индивидуальных задач и целей учебной деятельности и в соответствии с этим коррекция знаний и умений; УЭ-7. Дифференцированное домашнее задание.

Данная технология во многом меняет деятельность преподавателя и его педагогическое мышление. При подготовке технологической карты необходимо тщательное, доскональное продумывание способов организации разносторонней деятельности каждого учащегося. Это заставляет преподавателя переходить на новую позицию. Педагог не указывает, а советует, не изрекает непреложные истины, а консультирует, помогает самому учащемуся организовать и осмыслить собственную деятельность. Достигается самая главная цель любого «учения» – в ходе освоения учебной программы овладеть умениями самообучения и само регуляции, усваивается способ организации собственной самостоятельной деятельности учащегося.

В результате применения модульной технологии происходит развитие одной из важнейших компетенций в современном обществе – умение не только организовать собственную деятельность, но и провести анализ результатов своего труда и на его основе определить новые цели и задачи. Её формирование напрямую обеспечивает рефлексия. Мы проводим рефлексию, готовясь к занятию, создавая технологическую карту, а учащиеся – на уроке. Самоанализ деятельности учащиеся делают подробным или кратким, индивидуальным или групповым, письменным или устным.



#### Используемая литература:



1. Научно-практический журнал «Управление школой» 2012 г.
2. Селевко Г.К. Современные образовательные технологии. М., 2000 г.
3. Сорокина И.В. Обобщающие уроки русского языка. Модульные технологии.
4. Педагогические технологии: что это такое и как их использовать в школе. Под редакцией Шамовой Т.И. и Третьякова П.И. Практико-ориентированная монография. Москва, 2004 г.
5. Научно-методические журналы «Русский язык и литература». Минск, №4.2018 г.

## ИНТЕГРАТИВ ТАЪЛИМ – БЎЛАЖАК ИҚТИСОДЧИЛАРНИНГ МАТЕМАТИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

Г.С.ХУЖАНИЁЗОВА

ТМИ “Олий математика, статистика ва эконометрика” кафедраси катта  
ўқитувчиси

**Аннотация.** Мақолада юқори малакали иқтисодчи кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, интегратив таълим воситасида компетенцияли мутахассисларни тайёрлаш ҳақида атрофлича фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** интегратив таълим, интеграция даражалари, компетентлик, компетентлик даражалари, математик моделлаштириш.

**Аннотация.** В статье подробно освещено повышение качества подготовки высококвалифицированных экономических кадров, подготовка компетентных специалистов средствами интегративного образования.

**Ключевые слова:** интегративное образование, уровень интеграции, компетентность, уровень компетентности, математическое моделирование.

**Annotation.** The article highlights in detail the improvement of the quality of training highly qualified economic personnel, the preparation of competent specialists by means of integrative education.

**Key words:** integrative education, level of integration, competence, level of competence, mathematical modeling.

Сўнгги уч йилда республикамызда ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар натижасида иқтисодиётнинг ўсиши кузатилмоқда. Бу жараёнлар ОТМлар олдида янгиланаётган Ўзбекистонга янги авлод кадрларини тайёрлаш вазифасини кўяди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” да олий таълим тизимида таълим сифатини таъминлаш соҳасидаги мавжуд муаммолар қаторида қуйидагилар саналган: амалдаги малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари мазмун жиҳатидан битирувчиларда амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилмаган; олий таълим муассасалари ва кадрлар буюртмачилари билан ўзаро ҳамкорликда кадрлар тайёрлаш бўйича ишлар самарали йўлга қўйилмаган, иш берувчиларнинг олий таълим мазмунини шакллантиришдаги иштироки етарли эмас; талабаларда танқидий фикрлаш, ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш

кўникмалари шакллантирилмаган; ишлаб чиқариш корхоналарида амалий машғулотлар самарали ташкил этилмаган, тайёрланаётган мутахассислар малакавий даражаси меҳнат бозорининг замонавий талабларига етарлича жавоб бермайди [1].

Белгиланган муаммоларни бартараф этишни таъминлайдиган шартлардан бири – бу интегратив ёндашув асосида таълим сифатини такомиллаштиришдир.

Таълимда интеграция масалалари республикамызда педагог олимлари (Э.О.Турдикулов, Р.Ҳ.Джураев, О.Абдуқуддусов, О.И.Авазбоев, Ў.Қ.Толипов, Н.Хурбоев; Р.Ғ.Сафарова ва бошқалар) томонидан кенг ўрганилган.

Интеграция-тарқоқ, бўлак-бўлак, айрим-айрим ҳолдаги нарсаларни бир бутун, яхлит, тизимлашган ҳолатга келтириш, табиат ҳақидаги бир бутун билимлар мажмуаси, турли фанларга оид билимларни ягона мақсадни ҳал этишга йўналтиришдир. У оламнинг яхлитлиги (бир бутунлиги) ни

ифодалайди [4].

Иқтисодчи кадрлар тайёрлаш жараёни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, меҳнат бозорида унинг рақобатбардошлиги кўплаб омилларга, жумладан, мутахассиснинг математик таълимига боғлиқ.

Бугунги шароитда ўз касбий фаолиятида математик билимларни малакали равишда қўллайдиган юқори малакали иқтисодчиларни тайёрлашда математик таълим интеграцияси назарий-методик жиҳатдан тўла ишлаб чиқилмаган, жумладан, математик таълимда фанлараро алоқадорлик ва амалий йўналтирилганлик масалаларининг сустиги; математиклар билан мутахассис тайёрловчи кафедралар педагоглариининг ҳамкорликда ишламаслиги.

Бўлажак иқтисодчиларда касбий фаолиятига оид масалаларни ечишга йўналтирилган математик билимларга бўлган эҳтиёж, иқтисодчининг математик компетентлигини шакллантириш зарурати билан боғлиқ.

Компетентлик талаба томонидан алоҳида билим ва малакаларни эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутди. Битирувчиларнинг касбий тайёргарлиги даражасига қўйилувчи талаблар нуқтаи назаридан компетентлик талабаларнинг муайян вазиятларда билим, малака ва фаолият усуллари тўпламини мақсадга мувофиқ қўллаш қобилиятини англатади [2].

М.В.Носков ва В.А.Шершнева бакалавр математик компетентлигининг уч компонентли структурасини таклиф этади: 1) математик билим, кўникма, малакалар; 2) касбий фаолият соҳасидаги билимларни математик моделлаштириш кўникмаси; 3) математик моделлаштириш жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш қобилияти [3].

Бизнинг фикримизча, бўлажак иқтисодчиларнинг математик компетентлиги

унинг касбий компетентлигининг марказий компоненти сифатида қаралиши мумкин. Шунинг учун иқтисодчининг “математик компетентлиги” тушунчаси назарий математик тайёргарлиги ва касбий-иқтисодий масалаларни ечиш учун математик методларни компетентли қўллаш қобилиятининг яхлитлигини акс эттирувчи мутахассиснинг интегратив, динамик равишда ривожланаётган таълими натижасидир.

Математик таълим интеграциясининг кўрсаткичларидан бири уни амалга ошириш даражалари (фан ичидаги алоқалар, фанлараро алоқалар, яхлитлик) ҳисобланади.

Фан ичидаги алоқалар даражаси “Иқтисодчилар учун математика” курси доирасида амалга оширилади. Талабаларда таянч математик билим, кўникма ва малака шаклланади.

Математик таълим интеграциясининг кейинги даражаси – фанлараро алоқалар даражаси. Фанлараро алоқалар даражаси “Иқтисодчилар учун математика” курси ва умумкасбий фанлар интеграциясини кўзлайди. Бу даражада ўқув фанларининг интеграцияси математика базасида амалга оширилади, лекин бунда ўзаро таъсирдаги предметларнинг ҳар бири ўз концептуал асосларини сақлаб қолади.

Математик таълим интеграциясининг яхлитлик даражаси математик таълим интеграциясининг юқори даражаси бўлиб бўлажак иқтисодчиларни тайёрлашда ишлаб чиқариш амалиёти, илмий – тадқиқот ишлари, махсус фанлар бўйича курс ишлари ва битирув малакавий ишларини тайёрлаш жараёнида амалга оширилади. Бу ерда математика бош восита сифатида майдонга чиқади. Бу фаолиятда бўлажак иқтисодчиларда касбий масалаларни ечишда математик билимларни мустақил қўллаш кўникмалари шаклланади.

Белгиланган даражаларга мувофиқ математик таълим интеграцияси мақсадини белгилаш, уни режалаштириш ва амалга

ошириш, талабанинг математик компетентлиги шаклланишига олиб келади. Интеграция жараёнининг уч (фан ичида, фанлараро ва яхлитлик) даражасига мувофиқ интеграция натижаси сифатида иқтисодчи математик компетентлигининг шаклланганлиги куйидаги учта даража билан тавсифланади: МК-1, МК-2, МК-3.

Математик компетентликнинг шакллантирилган даражалари математик таълим интеграциясининг мақсади ва натижаси сифатида қаралиб, битирувчиларнинг касбий

масалаларнинг математик моделларини куриш ва ечишга тайёргарлиги ва қобилияти орқали баҳоланади.

Математик таълим интеграциясининг мақсади, талабаларда умуммаданий ва касбий компетенцияларнинг мазмунига киритилган математик билим, кўникмалар, малакалар, шахсий фазилатларни шакллантиришдан иборат бўлиб, унинг амалга оширилиши бўлажак иқтисодчиларнинг математик компетентлигининг шаклланганлик даражаларини белгилайди (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Интегратив таълим натижаси сифатида математик компетентликнинг шаклланганлик даражалари

Интеграция даражаси	Компетентлик даражаси	Математик компетентлик параметрлари	Мезон
Фан ичидаги алоқалар	МК-1	Математик билимларга эга бўлиш; математик моделлаштиришни билиш, моделлаштириш кўникмасининг асосий таркибий қисмлари сифатида формаллаштириш ва интерпретация усулларини амалга ошириш.	Математикани ўрганиш учун мотивация мавжудлиги, бўлажак касбий фаолиятда зарур бўлган амалий математик ва фундаментал билимларга эга бўлиш.
Фанлараро алоқалар	МК-2	Иқтисодий мазмундаги амалий масалаларни ечишда математик моделлаштириш методини қўллаш билиш.	Иқтисодий мазмундаги амалий масалаларни ечишда математик методларни танлаш, асослаш ва қўллаш; масала ечимини таҳлил қилиш.
Яхлитлик	МК-3	Касбий масалаларни ечиш воситаси сифатида математик методларни қўллаш; мустақил режалаштириш ва иқтисодий жараёнларни математик моделлаштиришни амалга ошириш.	Касбий масалаларни ечишда математик билим кўникма, малакаларни мустақил қўллашга тайёрлиги.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони.
2. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: Дисс. докт.пед.наук. – Тошкент. 2007. – 316 б.
3. Носков, М.В. Компетентностный подход к обучению математике в техническом вузе / М.В. Носков, В.А.Шершнева // Высшее образование в России. – 2005. – № 4. – С. 36-40.
4. Турдикулов Э.О. Ҳозирги замон табиёт фанлари мазмуни ва уларни интеграциялаб ўқитиш муаммолари// Фанларни интеграциялаб ўқитишнинг педагогик шарт-шароитлари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: ЎзПФТИ., 2007. – Б. 9-21.

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ҲАМКОРЛИК МУАММОЛАРИ ВА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШ БОСҚИЧЛАРИ

У.А.ЎРИНОВ

Бухоро муҳандислик технология институти, педагогика фанлари бўйича  
фалсафа доктори, PhD

**Аннотация.** Ушбу мақолада олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги манфаатли ҳамкорлик орқали ҳал этилиши мумкин бўлган муаммолар ва уларни бартараф этиш ечимлари ҳамда ҳамкорликни ташкил этиш механизмини ишлаб чиқиш ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлар:** ҳамкорлик, олий таълим, ишлаб чиқариш, босқич, вазифа, амалиёт.

**Аннотация.** В этой статье обсуждаются пути решения проблем и проблем, которые могут быть решены путем взаимовыгодного сотрудничества между высшими учебными заведениями и промышленными предприятиями и разработки механизма сотрудничества.

**Ключевые слова:** сотрудничество, высшее образование, производство, этап, задача, практика.

**Annotation.** This article discusses ways to solve problems and problems that can be solved through mutually beneficial cooperation between higher education institutions and industrial enterprises and the development of a mechanism for cooperation.

**Key words:** cooperation, higher education, production, stage, task, practice.

Маълумки бугунги кунда мамлакатимизда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда тараққий топтириш бўйича аниқ манзилли лойиҳалар, давлат дастурлари ҳаётга жорий этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27 июл 2017 йилдаги ПҚ-3151-сонли “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида: Республикамиз ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали кадрларни ўз вақтида зарур ихтисосликлар бўйича иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тайёрлаш, олий таълим мазмунини бевосита корхоналар, муассасалардаги техника, технология, ишлаб чиқариш муносабатларига ҳамда истиқболли ривожланиш дастурларига мувофиқ шакллантириш, кадрларни эгалла-

ган касби ва мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришга доир қатор долзарб масалалар тўлиқ ечимини топмагани ҳамда олий таълим дастурларининг ўзгарувчан меҳнат бозори талабларига ҳамоханлигини таъминлаш учун иш берувчилар томонидан тизимли ишлар амалга оширилиши талаб даражасида эмаслиги келтирилган.

Олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида манфаатли ҳамкорликнинг ривожланмаганлиги туфайли, олий таълим муассасаларида мутахассисликлар бўйича тайёрланаётган айрим битирувчилар ўзларига иш ўрни топа олмай бутунлай бошқа соҳаларда ишлаши ва жойларда ташкил этилаётган ишлаб чиқариш корхоналарида, замонавий касбий билим, кўникма ва малакага эга бўлган мутахассислар камчиликни ташкил этиши ва уларга бўлган эҳтиёж тобора ортиб боришига олиб келмоқда.

Бу каби муаммоларни ҳал этишда олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида манфаатли

ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ўзаро ҳамкорлик муносабатларни янада фаоллаштиришни талаб этади. Бундай муносабатлар олий таълим муассасалари билан корхоналар, иш берувчилар ва меҳнат органлари ўртасида (яъни таълим муассасалари маҳсулотининг барча истеъмолчилари билан) ўрнатилади.

Олий таълим тизими соҳасида ҳамкорлик деб – таълим муассасаларининг меҳнат бозори субъектлари ва институтлари, давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари, жамоат ташкилотлари билан ўзаро муносабатларининг алоҳида бир тури тушунилади. Муносабатларнинг янги тизими олий таълим муассасаларига иш берувчилар талабларини тўлароқ инобатга олиш, меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф ўзгаришига тезкор мослашиш ва пировард натижада, таълим муассасасининг бош вазифаси саналган меҳнат бозорида талаб этиладиган ихтисосликлар бўйича сифатли мутахассис тайёргарлигини таъминлаш имконини беради.

Ҳозирда олий таълим – иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, мутахассисликлар бўйича иш берувчилар эҳтиёжларига жавоб берадиган ва зарур билим, кўникма ва маҳоратга эга мутахассис кадрларга бўлган талаб ва таклифнинг ўзаро мутаносиблигини таъминлаш воситасига айланиб бормоқда.

Корхоналар, меҳнат органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан алоқаларни ўрнатиш ва мустаҳкамлаш олий таълим муассасаларига қуйидаги имкониятларни беради:

- меҳнат бозори тўғрисида ахборотга эга бўлиш (меҳнат бозорида қайси касблар бўйича мутахассислар ва қай миқдорда талаб этилади);
- мутахассисларни тайёрлаш мазмуни бўйича иш берувчилар талабларини ҳисобга олиш (олий таълим мутахас-

сисликлари, малакавий тавсифлар);

- иш берувчилар талабларига жавоб берувчи мутахассислар тайёрланишини таъминлайдиган янги тармоқ таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларини такомиллаштириш;
- талабалар амалиётини ташкил этиш борасида кенг имкониятларга эга бўлиш;
- талабаларни энг янги асбоб-ускуналар, жиҳозлар турлари ва технологик жараёнлар билан таништириш мақсадида ишлаб чиқариш корхоналарида махсус фан ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг қисқа муддатли малака оширишлари (стажировкаси)ни ташкил этиш;
- битирувчиларни ишга жойлаштириш имкониятларини кенгайтириш;
- таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари жамғармаларини тўлдириш учун биргаликдаги янги тижорат лойиҳалари бўйича ташаббус кўрсатиш (корхоналар ходимлари малакасини ошириш бўйича қисқа курслар очиш, биргаликдаги устахоналар, дўконлар, аҳолига хизмат кўрсатиш марказларини барпо этиш ва бошқалар).

Шу билан бирга, ҳамкорлик тизимининг барча иштирокчиларининг уни қарор топишидан манфаатдорлиги ушбу жараён текис ва муаммоларсиз кечади, деган фикрни билдирмайди. Бу жараёнга кўплаб объектив ва субъектив сабаблар халақит беради: Буларга нафақат саноатда, балки таълим муассасаларининг ҳам иш берувчилар билан яқиндан фаолият олиб бормаслиги, таълимни бошқариш ва меҳнат органлари ўртасидаги муносабатлар талаб даражасида эмаслиги ва бошқаларни кириштиш мумкин. Шу боис, олий таълим соҳасида ҳамкорлик тизимини муваффақиятли шакллантириш кўпинча таълим муассасаларининг ўзига, шунингдек мазкур жа-



раённи ташкил этиш босқичлари нечоғли пухта ишлаб чиқилганлигига боғлиқдир. Бу жараённи йўлга қўйишда таълим муассасалари раҳбарларидан ташаббускорлик, омилкорлик, ҳамкорлик муҳимлигини тушуниб етиш, меҳнат бозоридаги ва таълим хизматлари бозоридаги ҳамкор бўлишга мойил барча субъектларга ҳамкорлик зарур эканлигини тушунтира билиш талаб этилади.

Олий таълимда ҳамкорликни ташкил этиш ва амалга оширишнинг қуйидаги босқичлари ишлаб чиқилди.

**1. Тайёргарлик босқичи.** Тайёргарлик босқичининг асосий мақсади олий таълим муассасаси ҳал этиши зарур бўлган вазифалар доирасини аниқлашдир. Бунинг учун қуйидаги саволларга жавоб олиш тавсия этилади:

- ҳамкорлик тизими деб нимани тушуниш керак?
- таълим муассасасининг қайси муаммоларини ҳамкорлик тизимини ривожлантириш орқали ҳал этиш мумкин?
- мазкур таълим муассасаси учун кимлар асосий ҳамкор бўла оладилар?
- таълим муассасаси ўзининг мавжуд ва келгусидаги ҳамкорларига нима бера олади?

Барча саволларга жавоб бериш учун мавжуд ва келгусидаги ҳамкорларни топиш, уларнинг фаолиятини таҳлил қилиш, улар манфаатларини аниқлаш лозим. Таълим муассасаси иқтисодиётнинг қайси соҳаси учун кадрлар тайёрласа, ана шу соҳада таҳлил ўтказиш керак. Мазкур соҳага қайси корхона, ташкилот, муассасалар мансублиги, уларнинг минтақа узок муддатли ривожланиши режасидаги ўрни ва салоҳияти тўғрисидаги ахборотни ўрганиб чиқишни тақозо этади.

Ҳамкорлар турли тоифалари билан ҳамкорликнинг барқарор тизимини шакллантиришдек мураккаб ва сермеҳнат ишни

бажариш зарурлигини таълим муассасасининг бутун жамоаси чуқур тушуниб етиши биринчи босқичнинг муҳим вазифасидир.

**2. Ташкилий босқич.** Мазкур босқич мақсади – ҳамкорлар билан барқарор алоқаларни ўрнатишдир. Ушбу босқичда ҳамкорлик тўғрисида шартномалар тайёрланади, ҳамкорларнинг турли тоифалари билан ўзаро ҳаракатлар технологияси ишлаб чиқилади, яъни бўлғуси ҳамкорлик тизимининг элементлари яратилади, таълим муассасаси ҳамкорларининг доираси шакллантирилади.

Иккинчи босқичнинг энг муҳим вазифаси – меҳнат бозорини баҳолашдир. Таълим муассасаси мутахассислари бу фаолиятни турли ахборот манбаларини, шу жумладан давлат ва идоравий статистика, меҳнат бўлимлари, таълимни бошқариш бўйича ваколатли органлар маълумотларини, тадқиқот марказлари ишланмаларини, ўз тадқиқотлари ва сўровлари натижаларини жалб этган ҳолда, амалга оширишлари лозим.

Иш берувчиларнинг кадрлар малакасига бўлган талабларини, битирувчиларнинг билим ва кўникмалари меҳнат бозори эҳтиёжларига нечоғли мувофиқ келишини энг оддий социологик усул ва услубларни қўллаган ҳолда таълим муассасасининг ўзи баҳолаши мумкин (анкета тарқатиш, интервьюлар олиш).

Ҳамкорлик бўлажак тизимининг асос солувчи элементлари барпо этилиши – иккинчи босқичнинг энг асосий якуний натижаси бўлмоғи лозим.

**3. Ҳамкорликни тизимли ҳосил қилиш босқичи.** Мазкур босқич мақсади – ҳамкорликнинг мавжуд ва барпо этилаётган элементларини ягона тизимга бирлаштиришдир. Бунинг учун лавозим йўриқномалари аниқлаштирилиши, олий таълим муассасаси иш режасига ҳамкорликка оид чора-тадбирлар киритилиши



# **OBUNA- 2021**

## **“Kasb-hunar ta’limi” jurnaliga 2021 yil uchun obuna davom etmoqda**

**“Kasb-hunar ta’limi” jurnali bir yilda 4 marta nashr etiladi.**

**Jurnalda kasb-hunar ta’limiga oid yangiliklar, ilg‘or tajribalar, innovatsion ta’lim texnologiyalari, ilmiy tadqiqot va metodik tavsiyalar yoritib boriladi.**

**Obuna Indeksi: 1090**

**Jurnalga O‘zbekiston Respublikasi “O‘zbekiston pochta” va “Matbuot tarqatuvchi” Aksiyadorlik kompaniyalari tarmoqlari va to‘g‘ridan-to‘g‘ri tahririyat orqali obuna bo‘lishingiz mumkin.**

**Obuna bo‘lish uchun aloqa bo‘limlari va obuna shahobchalariga hamda “Kasb-hunar ta’limi” jurnali tahririyatiga murojaat qiling.**

**Murojaat uchun telefonlar:**

**1. Tahririyat: 90-979-75-89; 94-677-90-32.**

**Manzil:** Toshkent shahri, Olmazor tumani, Universitet ko‘chasi, 2-uy

**Telefon:** 90-979-75-89; 94-677-90-32

**E-mail:** kasbhunartalimi@mail.ru, ksbjurnal@inbox.uz

